

ЧАРОС ТЕМИРОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ
АСПЕКТЛАРИ: ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЧАРОС ТЕМИРОВА

**Ўзбекистон қишлоқлари ривожланишининг ижтимоий-маданий
аспектлари: ҳолати ва муаммолари**

(Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида. 1991-2008 йй.)

ТОШКЕНТ–2013

УДК: 008 (575.1) (09)

Темирова Чарос

Ўзбекистон қишлоқлари ривожланишининг ижтимоий-маданий аспекти: ҳолати ва муаммолари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида. 1991-2008 йй.); Ч.Темирова; муҳар. Ю.А.Эргашева; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети. – Тошкент: нашриёти, 2013. -.....б.

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори,
профессор **Ю.А.Эргашева**

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори,
профессор **Н.У.Мусаев**

тарих фанлари доктори,
профессор **Х.Э.Юнусова**

тарих фанлари номзоди,
доцент **Б.Узоқов**

тарих фанлари номзоди,
доцент **П.Холиқулов**

Мазкур рисолада Ўзбекистон қишлоқлари ривожланишининг ижтимоий ва маданий аспекти республиканинг жанубий минтақалари бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида тадқиқ этилган. Муаллиф мустақиллик йилларида қишлоқлар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, уларга коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ютуқлар ва муаммолар ҳамда жанубий вилоятларда таълим соҳасидаги ислохотларнинг амалга ошириш борасида қилинаётган хайрли ишлар, кун тартибида турган вазифалар, қишлоқларда маданий-марикий ишларни амалга ошириш борасида бажарилаётган ишлар хусусида сўз юритади.

Рисола тарихшунослар, маданиятшунослар, тарих факультети профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар ва қишлоқлар тарихи билан қизиқаётган китобхонларга мўлжалланган.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қисқа давр мобайнида барча соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилиб, кенг кўламдаги ислохотлар ўз ижобий натижаларини бера бошлади. Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда”¹. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қишлоқнинг ўрни ва мавқеига янгича қараш пайдо бўлди, қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ривожлантириш давлат сиёсатида марказий ўринларидан бирини эгаллади.

Президент Ислам Каримов ушбу масала хусусида жумладан шундай дея таъкидлаган эди: “Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир”². Шунингдек, Республика Президенти қишлоқлар қиёфаси, ундаги ҳаёт сифати, аҳоли ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини оширишга қаратилган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини бажариш мамлакат миқёсдаги долзарб аҳамиятга эга масала эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Қишлоқларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш зарурияти қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий ва маданий ҳаётини ўрганиш, унинг истикболларини белгилаш, олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятига замин яратади. Мустақиллик йилларида давлатнинг қишлоққа бўлган муносабати тубдан ўзгарди. 1991-2008 йиллар давомида қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантиришга доир кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди ҳамда уларнинг ижроси жойларда турлича ҳал этилди. Қишлоқларда ижтимоий ва маданий соҳадаги ишлар ижобий ҳал этилиб, тарихан қисқа давр мобайнида катта аҳамиятга молик ютуқлар қўлга киритилди. Улар тажрибасини ўрганиш ва тарғиб этиш давр талабига айланди.

2. Совет даврида қишлоққа нисбатан олиб борилган сиёсат билан мустақиллик шароитидаги бу борада юритилаётган сиёсат ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Қишлоқ ижтимоий ва маданий ҳаётидаги парокандаликнинг туб моҳиятини таҳлил қилиш, уларга барҳам бериш, янги замонвий ишлаб чиқариш усуллари жорий этишнинг муҳим аҳамиятини илмий асослаш, ижтимоий соҳа олимлари олдидаги долзарб вазифалардан бирига айланди;

3. Мустақиллик йилларида қишлоқ ижтимоий ва маданий ҳаётида маълум ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Бу аввало қишлоқ уй-жойлари ва коммунал хизмат кўрсатиш ишларида яққол кўзга ташланади. Қишлоқларда таълим тизимини ислоҳ қилиш, уй-жой ва маиший хизматни ташкил этиш, аҳоли моддий фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий таъминотни йўлга қўйиш борасида ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳали кўплигини амалий ҳаёт намоён этди.

4. Қишлоқ сиёсати тарихий тажрибасини ўрганиш натижасида қўлга киритилган хулосалардан Ўзбекистон қишлоқлари тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашнинг янги йўллари излаб топишда фойдаланиш мумкин.

Мустақиллик даври Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожланишини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш соҳаси илмий тадқиқот жараёнидаги янги йўналиш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу соҳани ўрганишда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, педагогика, фалсафа, иқтисод, маданиятшунос, тарихчи ва бошқа гуманитар фан вакиллари томонидан ўрганилиб, уларнинг тадқиқотларида қишлоқ ҳаётининг айрим жиҳатларига оид муҳим маълумотлар ўз аксини топган. Шу билан бирга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни кўплаб чет эл олимлари томонидан ҳам ўрганилмоқда.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.3.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкйрози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 41.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, мавзуни ёритишга хизмат қилган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назардан уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Масаланинг тарихий жиҳатлари ёритилган тадқиқотлар;
2. Ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари томонидан яратилган тадқиқотлар ва адабиётлар;
3. Хорижлик муаллифларнинг мавзуга оид ишлари.

Биринчи гуруҳга бевосита мустақиллик йилларида ижтимоий-маданий соҳанинг тарихий аспекти тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилган илмий ишларни киритиш мумкин. Ўзбекистон қишлоқлари ижтимоий ва маданий соҳа тарихига бағишлаб З.Мирзаев, А.Норбеков, Р.А.Носиров, А.А.Маврулов ва Ю.Эргашевлар тадқиқотлари олиб боришди ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Улар Ўзбекистон қишлоқларининг турли тарихий даврлардаги аҳволи, муаммолари, қишлоқ маданият муассасалари, қишлоқ ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишларини илмий нуқтаи назардан ўргандилар.

Ўзбекистон қишлоқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишлаб Б.Н.Узоков, М.Д.Хаджиевалар ҳам тадқиқотлар олиб бордилар ва улар ўз тадқиқотлари натижасини номзодлик иши сифатида ҳимоя қилдилар. Сўнгги йилларда қишлоқлар тарихи мавзусида Э.Р.Тилаев, Н.Қ.Қувватова ва Ф.Ж.Ёрматовлар ҳам тадқиқотлар олиб бордилар.

Истиклол йилларида маданият соҳаси тарихини янги назарий методология асосида тадқиқ этишда А.Мавруловнинг ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ижтимоий ва маданий соҳанинг совет даври тарихини ўрганишга бағишланган бошқа бир қатор рисола ва монографиялар ҳам мавжуд. Масалан, А.Ҳазраткулов ва С.Турсуновлар монографияларида совет даврида ижтимоий соҳанинг турли йўналишларида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари янги назарий методология нуқтаи назардан таҳлил этилган. Бу ишлар совет даври ижтимоий соҳа фаолиятини танқидий ўрганиш юзасидан дастлабки уринишлар сирасига киради. А.Ҳазраткулов Ўзбекистонда 70-90-йилларда ижтимоий соҳанинг кўплаб муаммоларини ўрганиш билан бирга уларни бартараф этиш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилади.

С.Н.Турсуновнинг “Қишлоқ аҳолисининг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш муаммолари” номли монографиясида қишлоқ уй-жой ва маиший хизмат тармоғи фаолияти ҳар томонлама чуқур ўрганилган, совет ҳукмронлиги шароитида қишлоқ уй-жой шароитлари тўғрисида маълумотлар умумлаштирилади.

М.Х.Нурмуҳаммедова ва Ю.А.Эргашевларнинг монографияларида Ўзбекистон қишлоқларида маданий соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисидаги масалалар тадқиқ этилади. Хусусан, М.Х.Нурмуҳаммедова инсон омили ва қишлоқ ижтимоий ривожланиши, маданий-оқартув муассасалари, турли халқ байрамлари хусусида фикр юритади.

Маданият тарихи мавзуси тарихшунослигида Ю.Эргашеванинг “Култура Ўзбекистана: тенденции и проблемы развития” номли монографияси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур монографияда Ўзбекистонда XX асрнинг 50-60-йилларида маданий соҳанинг деярли барча йўналишлари тарихи ўрганилган. Муаллиф Ўзбекистонда, хусусан, жанубий вилоятларда халқ таълими, ўрта ва олий таълим тизими, фан, адабиёт ва санъат, маданий-маърифий муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳаётининг ўзига хос ижобий ва салбий томонларига тўхталиб ўтади.

Иккинчи гуруҳга масаланинг турли хил жиҳатларини таҳлил қилган ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари томонидан яратилган тадқиқотлар ва адабиётларни киритиш мумкин. Т.Я.Абдуллаев, З.У.Исмоилова, И.Рамазонов, М.Эшматовлар тадқиқотларида ўрганилаётган мавзу фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, қишлоқ ёшлари маънавий қиёфаси, қишлоқ турмуш тарзини янгилашнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий омили, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳаётини яқинлаштириш муаммоси ҳақидаги фикрлар умумлаштирилган.

Р.С.Муратов, З.Р.Худойбердиев, Р.И.Эгамбердиев, Б.Я.Янгибоев, Ш.Э.Қаршиевлар тадқиқотлари қишлоқ иқтисодий ҳаётини ўрганишга бағишланган бўлиб, уларда қишлоқ аҳолисининг озик-овқат, енгил саноат маҳсулотлари билан таъминланишига доир маълумотлар келтирилади.

Қишлоқларда демография, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳанинг умумий ҳолати, қишлоқ ва бозор, қишлоқда ижтимоий ҳимоя тизими, қишлоқ маданияти ҳамда жамоат ташкилотлари, оила, экология ва саломатлик масалаларини қамраб олган қатор ишлар мавжуд. Улар орасида М.Исломов, А.Маматказин, Ю.Додобоев, А.Мамадалиев, А.Жўраев, М.Усмонова, У.Умарова, И.Эргашев, М.Холматова, С.Сафаева, М.Содиқова, Ш.Отабоев кабиларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

Мустақиллиكنинг дастлабки йилларида яратилган бу тадқиқотларда Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий, маданий ҳаёти мустақиллик ғояси нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Шунингдек, уларда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасининг шаклланиш жараёни, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялашнинг шарт-шароитлари, қишлоқ маданий-маърифий муассасаларидаги муаммолар кўриб чиқилиб, мустақил Ўзбекистонда қишлоқ сиёсатининг асосий моҳиятини атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон жанубий вилоятларининг ижтимоий ва маданий ҳаёти мавзуси тарихшунослигида мамлакат қишлоқлари аҳолисининг ўсиш хусусиятлари, қишлоқдаги демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши каби масалалар “Қишлоқ жойлар демографияси” монографиясида ўз аксини топган. Монографияда 1989-2005 йиллар давомида Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси 139,3 фоизга ўсганлиги, бунда энг юқори кўрсаткичлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кузатилганлиги ҳамда худди шу ҳудудлар республика демографик ривожланишидаги минтақавий хусусиятларни белгилаб бериши алоҳида таъкидланади. А.Жўраевнинг “Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт” номли монографиясида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқларининг ижтимоий ҳаётига доир кўплаб маълумотлар келтирилади.

Сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор И.Эргашев монографиясида жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида қишлоқларнинг ўрни, давлат сиёсатида қишлоқларда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, қишлоқларнинг маънавий жиҳатдан янгилиниши масалалари сиёсий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этилади.

Ўзбекистонда қишлоқ таълим тизими мавзуси Ж.Ғ.Йўлдошев ва К.Қиличеваларнинг монографиясида ҳам атрофлича ёритилади. Хусусан, Ж.Ғ.Йўлдошевнинг ишларида Ўзбекистонда таълим мустақиллиги учун кураш, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг ҳаётга татбиқи, янги педагогик технологияларнинг мактабларда жорий этилиши, таълимда давлат стандартларининг қўлланиши, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифалари борасида фикр юритилади. Мазкур монографияда Ўзбекистонда мустақиллик шароитида таълим тизими масалалари атрофлича таҳлил этилса-да, у баъзи камчиликларидан ҳам ҳоли эмас. Масалан, таълим соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари, турли вилоятларда бу борада амалга оширилаётган ишлар етарли таҳлил этилмайди.

Мустақиллик йилларида қишлоқларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида юз берган янгилиниш ва ўзгаришларни ёритишга бағишланган кўплаб илмий мақолалар матбуотда эълон қилинди. Хусусан, А.Ваҳобов, Т.Норбоев, И.Эргашевларнинг мақолаларида асосий эътибор қишлоқ ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш масаласига қаратилиб, қишлоқ аҳолисига пенсия ва нафақалар тўлаш, ногиронларни жамият ҳаётига жалб этиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш хусусида маълумотлар келтирилади. Қишлоқ аҳолиси моддий фаровонлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар истикболи каби масалалар О.Ражабов, Б.Эргашев, С.Остонов, И.Худоёров, Умар Ёркул, О.Маҳмудовларнинг мақолаларида ҳам ўз аксини топган.

Учинчи гуруҳга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида турли соҳаларда, хусусан, ижтимоий ва маданий тармоқнинг қатор йўналишларида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг бориши, натижалари масалаларига қаратилган хорижлик муаллифларнинг ишлари киритилган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришлар россиялик олимларнинг ҳам эътиборини жалб этди. Жумладан, Л.Виноградова, С.Жуков ва В.Колесниковларнинг мақолаларида Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, таракқиётнинг “ўзбек модели” хусусидаги масалалар таҳлил этилади. К.А.Мусабоев диссертациясининг хронологияси даври танланган мавзунинг даври билан айнан мослиги жиҳатидан аҳамиятли бўлиб, тадқиқотда Қирғизистон Республикаси қишлоқ зиёлиларининг шаклланиш масаласи ўрганилади.

Ўзбекистон қишлоқлари тарихи мавзусининг тарихшунослиги шундан далолат берадики, шу кунга қадар Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларининг мустақиллик даври тарихи махсус тадқиқот объекти қилиб олинмаган.

І БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш: шарт-шароити ва йўналишлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий асослари тўла яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади... Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”¹, дейилган.

Ўзбекистонда 1993 йил 3 сентябрда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ижтимоий ҳимоя тизими ишини ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиши ҳуқуқига эгадирлар”² деб таъкидланган.

Мустақилликнинг дастлабки қийинчилик йилларида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида давлат йўли билан бошқаришнинг янги усулларида фойдаланиб, иш ҳақи, пенсиялар, стипендия, турли нафақалар берилишида имтиёзлар жорий қилинди ва 1991-1996 йиллар мобайнида энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди. Ўзбекистонда 1991 йил ижтимоий муҳофаза учун сарфланган маблағ 2 млрд сўмни ташкил қилди. Шунингдек, иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида ижтимоий муҳофаза харажатлари учун бюджетнинг 3,1 қисми ажратилди¹.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг куйидаги сўзларини таъкидлаш ўринли: “...ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланигани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди...”².

Давлат сиёсатида айниқса, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш иши алоҳида ўрин тутди. Қишлоқ аҳолисига ижтимоий ёрдам беришда давлат табақалашган ҳолда ёндашишга, моддий ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли қатламларини аниқ ҳисобга олиши муҳим эканлигига эътибор берди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат томонидан қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялашнинг ўзига хос омиллари мавжуд. “Давлат томонидан ёрдам берилмаса, қишлоқнинг оёққа туриши амри маҳол”³, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистон аҳолисининг 63,7 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Республиканинг жанубий вилоятларида бу кўрсаткич анча юқори бўлиб, Қашқадарё вилоятида 74,5 фоиз, Сурхондарё вилоятида 80,5 фоиз аҳоли қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Умуман, Ўзбекистон жанубий вилоятларида 2000 дан зиёд қишлоқлар мавжуд эди. Қашқадарё вилоятида 150, Сурхондарё вилоятида 114⁴ қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият олиб боради. Сўнгги йилларда республика аҳоли сони кўпайиш суръатининг пасайиши, аммо қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан юқори ўсиш жараёни кузатилади. Масалан, 1989-2005 йилларда жами аҳоли ўртача бир йилда 1,75 фоизга кўпайиши кузатилгани ҳолда, қишлоқ аҳолиси 2,20 фоизга ортиб борди³. Бунда энг юқори кўрсаткич Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кузатилади⁴. Ушбу ҳолат мазкур вилоятларнинг қишлоқларида ижтимоий-иқтисодий соҳага жиддий эътибор қилишни талаб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 9.

² Саҳоват.1994.- № 1.-Б.17.

¹ Мўминова Г. Ижтимоий ҳимоя - давлат йўналишининг бош йўналиши. – Қарши: Насаф, 2007. – Б. 8.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 4-5.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 21.

⁴ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. –Тошкент: Муҳаррир, 2009. –Б.4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12-жилд. –Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 661.

³ Қишлоқ жойлар демографияси. –Тошкент: Университет, 2005. – Б. 7-9.

⁴ Ўша жойда.

Республика қишлоқ аҳолисининг ўсиш кўрсаткичи 1993-1994 йилларда юқори бўлиб, 2002-2004 йилларда эса қишлоқ жойлар демографик ривожланиши бирмунча барқарор тус олди. Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолиси ўсиш коэффициентини 1991-1992, 1995-1996 ва 1998 йилларда республикада энг юқори даражага чиқди. Масалан, 1992 йил мазкур вилоят қишлоқ аҳолисининг ўсиши 1119,2 минг, 1998 йил 1331,7 минг бўлди. Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткичлар 1997, 1999 ва 2003 йиллар юқори ўринда турди¹. Масалан, Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисининг ўсиши 1999 йил 1576,9 минг, 2003 йил 1722,2 минг бўлди² (1-иловага қаранг).

Сурхондарё вилоятининг қишлоқ аҳолиси 2001 йил 1421,4 минг, 2007 йилда эса 1581,5 минг нафар бўлди³. Оилаларда боқимандалик кўрсаткичи юқори бўлди. Масалан, Ўзбекистон жанубий вилоятлар ҳудудлари шаҳарларида бир нафар ишлайдиган аъзога 2,8 нафар, қишлоқ жойларда туғилиш кўрсаткичи юқори бўлганлиги боис 3,4 нафар ишлайдиган аъзо тўғри келди⁴. Биргина, Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари сони 0,9 млн. нафар кишини ташкил этди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кўрсаткичи ҳам ўсиб борди. 2000-2004 йилларда қайд этилган ўртача 3,5 фоиздан 2005 йил 4,2 фоизга кўтарилди. Ҳар бир вилоят бир-биридан фарқ қиладиган ижтимоий-иқтисодий ҳудудларга ажратилади. Хусусан, Қашқадарё вилояти 3 та ҳудудга бўлинган.

1. Юқори. Марказий қисми (Шаҳрисабз, Китоб, Қарши). Ушбу ҳудуд иқтисодий ривожланганлиги боис, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ҳам юқори. Унумдор ерлар, боғлар, етарли сув манбалари, ривожланган агросаноатга эга.

2. Марказий қисм (Қарши, Дехқонобод, Ғузор, Қамаш ва бошқа туманлар) Бу ҳудудларда қирғоқчилик даражаси юқори. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси пастрок.

3. Ғарбий қисм (Муборак тумани) Ушбу ҳудуд аҳоли сийрак жойлашганлиги билан ажралиб турса-да, аммо аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, бандлик кўрсаткичлари, сув ва газ билан таъминланганлик даражаси юқорилиги билан тавсифланади⁵.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида қишлоқ аҳоли сонининг тез ўсиб бориши ижтимоий ҳимоялаш соҳаси ишини йўлга қўйишда жуда мураккаб ва зиддиятли масалаларни бартараф этиш заруриятини келтириб чиқарди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими фаолияти яхшиланиб, иш ҳақлари, стипендия-лар, пенсиялар миқдори узлуксиз ошириб борилди.

1992 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пенсиялар, стипендиялар ва ноишлаб чиқариш соҳа ходимларининг лавозим маошлари миқдорини ошириш тўғрисида”⁶ ги қарорига мувофиқ халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий таъминот, фан, давлат муассасалари ва уй-жой коммунал хўжалиги тармоқлари ходимларининг иш ҳақи 2 баробар оширилди. Жумладан, қарилик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганларга тўланадиган нафақалар ҳам кўпайтирилди. Биргина, Қарши туманида 1992 йили 16385 киши нафақа олди. Шулардан 9621 таси ёши бўйича, 240 нафари иккинчи жаҳон уруши ногиронлиги учун, 315 нафари ногиронлиги учун нафақа олди. Шунингдек, мазкур туманда қишлоқ хўжалиги қасаба уюшмаси йўли билан ва меҳнат биржаси томонидан нафақа пуллари тўланди⁷. Демак, Ўзбекистон қишлоқ аҳолисига моддий ёрдамни ташкил этиш иши энг долзарб масалалар қаторидан жой олди ва муаммоларни ҳал этиш учун қатор ташкилотлар жалб этилди.

1993 йилнинг биринчи чорагида республикада ижтимоий ҳимоя учун 35 млрд. сўм сарфланди⁸. Шу йилнинг биринчи ярмида халқ таълими ва маданият ходимларига бепул хизмат кўрсатиш учун Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетидан 78,2 млн сўм ажратилди⁹. Ҳар бир туманда ижтимоий таъминот бўлимларининг махсус дастурлари ишлаб чиқилди. Дастурда ногиронлар, пенсионерларнинг моддий шароитини яхшилаш, уларга бепул дори-дармонлар етказиш учун муайян маблағлар ажратиш турилди. Бундан ташқар, ўқитувчи, шифокорларнинг уйларини хусусийлаштириш борасида ҳам давлат томонидан имтиёзлар берилди. Масалан, 1993 йил Косон туманида 503 оилага кўп қаватли уйлар шахсий мулк қилиб берилди. 301 нафар халқ таълими ходими, 107 нафар соғлиқни сақлаш ходими ана шундай имтиёзлардан тўлиқ

¹ Қишлоқ жойлар демографияси. –Тошкент: Университет, 2005. – Б. 9.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

³ Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим тизими. Статистика тўплами.фактлар ва рақамлар. 2000-2006. – Тошкент., -№ 5. 2007. –Б.14.

⁴ Қашқадарё вилояти социологик тадқиқоти, Таҳлил, март, –Қарши, 2007. (ҚВХРС) –Б.6.

⁵ Қашқадарё вилояти социологик тадқиқоти, Таҳлил, март, –Қарши, 2007. (ҚВХРС) –Б.7-8.

⁶ Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – 1992 йил январь.-№ 1-42. – Б. 23-26.

⁷ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 58-варақ.

⁸ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жамғарма, 1-рўйхат, 55-иш, 61- варақ

⁹ Ўша жойда. 62-варақ.

фойдаланди. Уруш қатнашчиларидан 21 кишига, 1- ва 2-гурӯх ногиронларидан 29 кишига, боқувчисини йўқотган 8 нафар кўп болали оилага, Чернобиль фалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган 2 кишига, кўзи ожиз ногиронлардан 5 кишига, 18 ёшгача ва ўндан ортиқ фарзанди бўлган 23 оилага ҳамда афғон уруши иштирокчиларидан 11 кишига уйлар шахсий мулк сифатида берилди¹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий ҳимоясини ташкил этишда хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Фуқароларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни сохталаштириш, оила аъзоларга белгиланган даромадлар мезондан ортиқ ҳолларда ҳам уларга нафақалар тайинлаш, айрим ҳолларда нафақа пулларини ҳам иш жойдан, ҳам фуқаролар йиғинларидан олиш, бола нафақа олиш ёшидан ўтган кейинги ойларида ҳам нафақа тўлашни давом эттириш, нафақаларни тайинлаш бўйича комиссия аъзоларининг қонунда кўрсатилган тартибни билмаганликлари туфайли хато ва камчиликлар кўпайиб борди. Баъзи жойларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар четда қолиб, муҳтож бўлмаган оилалар моддий ёрдам ола бошлади. Шунга мувофиқ, оммавий-ижтимоий ҳимоялаш тартибидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш давр талабига айланди. Адолат тамойилларига амал қилган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, ҳақиқатан, муҳтож бўлган кишиларни аниқлаш зарур эди.

Заруриятдан келиб чиқиб, 1994 йилга келиб, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш иши тубдан яхшиланди. Соҳада янги, илғор тизим шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 24 августда “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди². Фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли Қарори³ қабул қилинди.

Ижтимоий ҳимоянинг янги тизимида оила асосий мавқега эга бўлди. Шунингдек, фарзанд туғилганда бир йўла бериладиган тўловлар сақлаб қолиниши билан бирга, нафақалар ва имтиёзлар кўпайтирилди. Айниқса, ёш болали оналар нафақалари кўпайтирилиб, унинг муддати бир ярим йилдан, икки йилга узайтирилди. Ижтимоий ҳимоя учун белгиланган маблағнинг катта қисми икки ёшгача фарзандини парвариш қилаётган оналарга ажратилди.

1994 йилнинг октябр ойидан бошлаб кам даромадли оилалар давлатдан ёрдам ола бошлади. Моддий ёрдам маҳалла йиғинлари орқали амалга ошириладиган бўлди. Масалан, 1995 йил Ўзбекистон бўйича 500 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга маҳалла қўмиталари орқали 6 млрд. сўм моддий ёрдам берилди⁴. 1995 йил Сурхондарё вилояти бўйича 48912 та кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланди. Жорий йилнинг январь ойида 30590 та оилага 6 млн. 542 минг 100 сўм моддий ёрдам берилди⁵. Шу тариқа кам таъминланган оилалар давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг диққат-марказига айланди.

1996 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя тизими узлуксизлигини таъминлаш мақсадида “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Эълон қилинган қарорлар, фармонлар ижросини таъминлашда хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, 1996 йилнинг февраль ва март ойларида Сурхондарё вилояти ижтимоий таъминот бўлими фаолияти таҳлил этилганда, қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, 1995 йил давомида вилоятда ёлғиз қарияларга етказиб берилиши лозим бўлган 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан 7 тури кам етказиб берилди. Бундан ташқари, сиҳатгоҳларга дам олиш учун ажратилган йўлланмаларнинг кўпчилиги фойдаланмай қолиб кетди⁶. Шунингдек, ногиронлик аравачалари ва эшитиш воситаларини етказиб бериш, ҳисобот ва маълумотларни тўлдиришда ҳам хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқишида аксарият ҳолларда, соҳа ходимларининг ўз устларида ишламаётганлиги, тегишли ҳужжатлар ва қўлланмаларни етарли даражада ўрганиб, амалиётга татбиқ эта олмаганликлари сабаб бўлди. Фармонга мувофиқ, 1997 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш йиғинлари орқали кам таъминланган оилаларга болаларнинг сонига қараб, энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан бошлаб, 175 фоизгача нафақалар

¹ Ўз.РПДАКВФ, 851-жамғарма, 1-рўйхат, 60-иш, 25-33-варақлар.

² Конституционное право Республики Узбекистана. (Сб. нормат. актов). –Ташкент: Шарқ, 1995 – С. 335-378.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. Хабарнома -№ 15. – 1994 й. июль-сентябрь. – Б. 68-69.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-жилдлик. – Тошкент: Шарқ, 2000. 3-жилд. – Б. 229.

⁵ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 4-рўйхат, 54-иш, 10-варақ.

⁶ Сурхондарё ВДА, 331-жамғарма, 1-рўйхат, 494-иш, 81-варақ.

бериладиган бўлди. Шу йили, Ўзбекистонда 16 ёшгача бўлган фарзанди бор оилаларга нафақа тўлаш учун 9,6 млн. сўм сарфланди¹. Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағнинг кўп қисми шу йўналиш эҳтиёжи учун сарфланди.

Ижтимоий нафақахўрлар сони ҳам кўпайиб борди. Масалан, Ўзбекистонда 1995 йили жами ижтимоий нафақа олувчилар 193,3 минг киши бўлса, 2004 йил 241,6 минг киши бўлди. Бу турдаги нафақаларнинг ўртача миқдори 555,5 сўмдан 12402 минг сўмга кўпайди². Демак, нафақахўрлар сонининг ортиши билан бирга нафақалар миқдори ҳам ўсиб борди. Вилоятларда маҳаллий бюджетнинг катта қисми ижтимоий соҳа ишини яхшилаш учун ажратилди. Масалан, Қашқадарё вилоятида 1995 йил маҳаллий бюджетнинг 61,6 фоизи ижтимоий-маданий тадбирлар учун сарфланди³. Ўзбекистон жанубий вилоятларида маҳаллий бюджетнинг ярмидан кўпи ижтимоий ва маданий соҳаларга сарфланиши бу борадаги ишларда ижобий натижаларнинг кўплаб қўлга киритилишига асос бўлди.

1997 йил “Инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи асосий ўринда турди. 1997 йилнинг 9 ойида Сурхондарё вилоятида ижтимоий соҳа учун 4 млрд. 971,7 млн. сўм, жумладан, нафақа ва компенсациялар учун 1 млрд. 103,3 млн. сўм ажратилди⁴. Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Давлат дастурининг ижтимоий ҳимояга оид бандларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини Косон тумани мисолида таҳлил этилганда, қуйидаги ҳолат намоён бўлди. Туманда кам таъминланган оилаларга шу йили 10 млн. 726 минг 900 сўм моддий ёрдам берилди. Шу йилнинг 6 ойи давомида туман пенсия жамғармаси томонидан 14627 нафар пенсионерга 166,9 млн. сўм нафақалар тарқатилди. Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам туман ҳокимликларининг диққат-марказидаги вазифалардан бири бўлди. Туман бўйича 3350 киши меҳнат бўлимларига мурожаат қилиб, уларнинг 1404 таси ишга жойлаштирилди⁵. Шунингдек, давлат дастурининг бажарилиши вилоятнинг Касби, Қарши каби туманларида яхши олиб борилди. Шу тариқа давлат дастурларида асосан ижтимоий масалаларга кенг ўрин берилиб, уларни бажариш ишлари алоҳида назоратга олинди.

Қашқадарё вилоятида 1998 йил “Оила йили”да мўлжалланган тадбирлар дастурига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун бюджетдан 211,7 млн. сўм маблағ сарфланди. Жумладан, ёш болали (16 ёш), кам таъминланган оилаларга 81 млн. сўм, 2 ёшгача бола тарбиясидаги ишсиз оналарни қўллаб-қувватлаш учун 78 млн. сўм сарфланди⁶. Давлат томонидан кам таъминланган оилалар, бола тарбиясидаги оналар учун сарфланаётган маблағ кўпайтирилиб борилди.

Мустақиллик йилларида республикада ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ўқитиш ва касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш, шунингдек, уларга турли озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш борасида катор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги 433-сонли Қарори⁷ қабул қилинди⁸. Жойларда қарор ижросини таъминлаш юзасидан узлуксиз тадбирлар олиб борилди.

1997 йил Қашқадарё вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан ногиронларга 130 та ҳар хил турдаги ногиронлар аравачалари, 180 та эшитиш аппарати, 1000 дона қўлтиктаёқ ҳамда сихатгоҳларга 600 та йўлланма берилди⁹. Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ногиронлар эҳтиёжини қондириш юзасидан тинимсиз ҳаракат қилдилар.

Ижтимоий таъминот бўлимлари ишларини яхшилаш мақсадида, соҳа ходимлари ўртасида турли танловлар ташкил этилди. Хусусан, 1997 йил Қашқадарё вилояти ижтимоий таъминот бўлимлари мутахассислари ўртасида “Пенсия қонунчилиги билимдони” кўрик-танлови ўтказилиб, унда Шахрисабз, Ғузор, Нишон ва Деҳқонобод тумани ходимлари яхши натижаларга эришди. Аммо, Яккабоғ ва Чирокчи тумани ходимларининг билимлари саёз эканлиги маълум бўлди. Бу

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-жилдлик, – Тошкент: Шарқ, 3-жилд, 2000. – Б.229.

² Ўзбекистон Республикаси Статистика тўплами – 2004. – Тошкент, 2005. – Б. 88.

³ Ўз.РПДАҚВФ, 851-жамғарма, 1-рўйхат, 35-иш, 12-варак.

⁴ Ўз РПДАСВФ, 143- жамғарма, 8- рўйхат, 24-иш, 1-варак.

⁵ Ўз РПДАҚВФ, 851- жамғарма, 5- рўйхат, 40-иш, 61-варак.

⁶ Ўз.РПДАҚВФ, 829- жамғарма, 8-рўйхат, 41-иш, 65-66-варак.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1995 йил ноябрь. -№ 424-445. – Б. 36-37.

⁸ Саховат. 1998. -№ 4. – Б. 16.

⁹ Саховат. 1998. -№1. – Б. 8-9.

танловнинг республика босқичида Шахрисабз туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Фаёзиддин Қўзиев 1-ўринни эгаллади¹. Соҳа ишини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида турли мавзуларда семинар йиғилишлари ўтказиш анъанага айланди. 1998 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси ТМЭК (тиббий меҳнат экспертиза комиссияси) ва ТНК (тиббий ноозоологик комиссия) шифокор-лари илмий жамияти, Қашқадарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ва Республика Миллий реабилитация маркази ҳамкорлигида “Қашқадарё воҳасида ногиронларни тиббий ижтимоий реабилитациясининг долзарб масалалари” мавзусида республика семинари бўлди. Семинарда Ижтимоий таъминот вазирлигининг НЭР инспекцияси бошлиғи М.Миролимовнинг “Ўзбекистон Республикасида ногиронлик динамикаси ва бирламчи ногиронликни камайитиришнинг долзарб муаммолари” мавзуидаги маърузасида соҳа ишини жонлаштириш юзасидан қатъий таклифлар берилди². Бу каби тадбирлар ижтимоий ҳимоя тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Соҳа фаолияти вазирлик, ҳокимлик йиғилишларида узлуксиз муҳокама қилиб борилди. Масалан, Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1999 йил август ҳайъат йиғилишида вилоятларда қарорлар ижросидаги сусткашлик масаласи муҳокама қилиниб, унда Сурхондарё вилояти туманлари қишлоқларида бу борадаги камчилик ва хатоликлар ҳамда ютуқлари ҳақида гапириб ўтилди. Йиғилишда кейинги йилларда жойлардаги раҳбарларнинг сусткаш-лиги, бепарволик ва лоқайдликлари оқибатида кўпинча қарор ва буйруқлар чала бажарилиб, уларнинг ижросини тўла таъминламаётганлиги таъкидланди. Бу эса ўз ўрнида пенсионерлар ўртасида шикоятбозлик, аризабозлик ҳолатлари кўпайишига сабаб бўлаётганлиги айтиб ўтилди. “Сурхондарё вилоятининг Ангор, Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Узун туман ижтимоий таъминот бўлимида вазирлиқнинг 1994 йил 21 февралдаги 30-Д сонли буйруғи асосида яқка-ёлғиз пенсионерларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни ташкиллаштиришнинг аҳволи текширилганда ноҳуш ҳолатларга дуч келинди”³. Мазкур вилоятда ёлғиз қарияларга ўсимлик ёғи, макарон, чой, шакар, совун, гўшт, гуруч, тухум маҳсулотларини етказиб бериш 84-85 фоизга бажарилди. Денов, Қумқўрғон, Сарийосиё, Шеробод, Қизилқум туман-ларида аҳвол бу борада жуда ночор эди⁴. Мазкур туманларда бу борада олиб борилган ишлар талаб даражасида бўлмаганлиги боис, ушбу ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

1999 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўчайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори⁵ эълон қилинди. Қарорга мувофиқ ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминот ва уй-жой шароитларини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Фуқароларнинг давлатдан нафақа сўраб қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилмади. Масалан, 1999 йил давомида Қамаш туманида 21678 киши болалар нафақаси сўраб ариза билан мурожаат қилган бўлса, шундан, 19615 нафарига нафақа тайинланди⁶. Деҳқонобод туманида нафақахўрлар, ногиронлар, уруш қатнашчилари, афғон уруши ногиронлари, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга моддий ёрдамларни ташкил этиш иши намунали тарзда олиб борилди.

Ижтимоий ҳимоя тизими ишини яхшилашнинг асосий шартларидан бири аҳолини иш билан таъминлашдир. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси кўп ҳолларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу масаланинг ечими ўз ўрнида бутун мамлакат ривожига ижобий таъсир этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, қишлоқ иқтисодиётида ва ижтимоий турмушда, бинобарин сиёсатда ҳам шундай бир бўғинки, шу бўғин орқали бутун республика фаровонлик ва тўқин-сочинликка эришади¹.

¹ Саховат. 1998.-№1.-Б.8-9.

² Саховат. 1998. -№ 4. – Б. 16-17.

³ Саховат. 1999. -№ 4. – Б. 19-20.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1999 йил декабрь. -№ 516-553. – Б.16-17.

⁶ Ўз.РПДАҚВФ, 850-жамғарма, 5-рўйхат, 2-иш, 15 varaқ.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли //Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б.340-341.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида Ўзбекистонда босқичма-босқич ислохотлар олиб борилмоқда. Биринчи босқич – 1991-2001 йилларни ўз ичига қамраб, аҳолини иш билан таъминланлиги ва бандлиги масалаларини тартибга солиш борасида асослар шакллантирилди.

Иккинчи босқич – 2001 йилдан кейинги даврни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда мамлакатнинг турли ҳудудларида қўшимча иш ўринларини яратиш, меҳнат билан банд аҳолининг ижтимоий таъминоти масалалари, уларни рағбатлантириш, имтиёзлар яратиш билан бир қаторда, уларнинг келажаги борасида қайғуришга доир амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши билан характерланади. Мустақилликка эришгандан сўнг бозор муносабатларига ўтиш даврида биринчи навбатда меҳнат муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилди. 1992 йил 13 январда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унда, бозор муносабатлари шаклланиши даврида аҳолининг меҳнат ва иш билан таъминлашга бўлган ҳуқуқларини ва давлатнинг шу ҳуқуқларни таъминланишини амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиши белгилаб берилди². Шунингдек, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ вилоятларда бу борада муайян ишлар бажарилди. Масалан, Сурхондарё вилоятида 1995 йилнинг дастлабки 9 ойида 7785 та янги иш ўринлари яратилиб, шундан 6710 таси қишлоқ жойларга тўғри келди. Аммо, олиб борилаётган тадбирларга қарамадан аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш жиддий муаммолардан бирига айланди. Вилоятда, 1994 йилнинг дастлабки 9 ойида меҳнат биржаларига иш сўраб, 4644 киши мурожаат қилган бўлса, 1995 йилнинг 9 ойида 7191 киши шу мазмунда ариза топширди¹. Шунингдек, вилоятда “Қорхонадан – маҳалла” иқтисодий ҳудудларини ташкил этиш бўйича тадбирлар бажарилиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди.

Сурхондарё вилоят аҳолиси 1999 йил бошида 1705,5 минг киши бўлган бўлса, йил охирида 1732,4 минг кишига етди. Аҳоли сони ошиши билан меҳнат манбалари ҳам ошиб борди. Агар йил бошида меҳнат манбалари 795,5 минг киши бўлган бўлса, йил охирида 823,0 минг кишига етди².

Мазкур вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига асосан 2008 йилда 41278 янги иш жойлари яратилиши белгиланиб, амалда эса 44296 янги иш ўринлари яратилди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча тадбирлари ҳақида”ги 212-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан жойларда қатъий тадбирлар олиб борилди. Сурхондарё вилояти бўйича 634 нафар ўзгалар парваришига муҳтож яқка-ёлғизларнинг уйларига бориб, ижтимоий хизмат кўрсатилди. 2001 йилда асосий 9 турдаги меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ойма-ой етказиб берилди. Вилоятда, 84 нафар қария тиббий муассасаларга ётқизиلىб, соғликлари тикланди. Улардан бир нечтасига дам олиш масканларига йўлланма берилди. Шу билан бирга, қариялар уйи ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди. 2 нафар яқка-ёлғиз ногиронга ҳомийлар маблағидан ногиронлик аравачаси олиб берилди. Ўзбекистонда пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси ўз вақтида таъминланиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги “2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 520-сонли Қарори асосида Сурхондарё вилоятида 554 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди. Диспансер кўриги натижаларидан келиб чиқиб, вилоятда қариялар ва пенсионерларни касалхо-наларда даволаш, сиҳаттоҳ йўлланмалари билан таъминлаш, турли протез ва эшитиш мосламалари, дори-дармонлар билан таъминлаш борасида амалий ҳаракатлар олиб борилди². Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ҳар жиҳатдан давлат томонидан моддий ёрдам олдилар. Бу тадбирлар қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини янада яхшилашнинг энг қулай воситаларидан бирига айланди.

Ёрдамга муҳтож кишиларга ҳомийлар маблағи ҳисобидан нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари етказилиб, коммунал хизмат тўловларида ҳам имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 апрел-даги “Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги 194-сонли Қарорига асосан

² Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 6-рўйхат, 53-иш, 12-варак.

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилдли. –Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. 12-жилд. – Б. 324.

² Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 11-рўйхат, 43-иш, 23-варак.

³ surxon.gov.uz

² Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 12-рўйхат, 42-иш, 167-варак.

вилоятдаги 2662 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда ногиронларига 16 млн. сўм бир йўла мукофот пули тариқасида тарқатилди. Маҳаллий ҳокимликлар давлат муассаса, таш-килот, хўжалик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 10,1 млн. сўмлик ҳар хил турдаги совғалар улашди.

Сурхондарё вилояти бўйича 2001 йилда 3455 минг сўм маблағ ҳомий корхона ва ташкилотлар ҳисобидан, жумладан, Бойсун туманида 1100 минг сўм, Сариосиё туманида 900 минг сўм, Ангор туманида 260 минг сўм, Термиз туманида 100 минг сўм, Бандихон туманида 110 минг сўм ва Термиз шаҳрида 195 минг сўм йиғилган бўлиб, бошқа туманлардан умуман маблағ тушмади¹. Демак, жанубий вилоятларнинг турли туманларида ҳомий ташкилотлар томонидан муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш иши бир хилда бўлмади.

Қашқадарё вилоятида 2000 йил 213 минг нафақахўр бўлиб, шулардан 54 минг нафари ногиронлар, 3401 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнаш-чилари, 285 нафари афғон уруши ногиронлари, 466 нафари ЧАЭС ногиронлари ва 2937 нафари якка-ёлғиз қариялардан иборат эди². Нафақахўрларнинг аксарияти ногиронлар ҳисобига тўғри келди.

Туман кишлоқларида пенсионер ва ногиронларни рўйхатга олиш ва уларга ўз вақтида моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам тадбирлар давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февраль “Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2810-сонли Фармонида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февраль “Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 75-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2001 йил 26 февралда “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 60-сонли қарори қабул қилинди³. Ушбу бошқарма зиммасига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ишини яхшилаш, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламига ўз вақтида моддий ёрдам кўрсатиш, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар олиб боришдек вазифа юклатилди⁴. Мазкур қарор ижросини таъминлаш учун вилоят кишлоқларида муайян тадбирлар олиб борилди.

2001 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, вилоятда 172842 нафар пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар бўлган. Улардан 153922 нафари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни бўйича пенсия олувчилар, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли Қарорига асосан 17684 нафари зарурий меҳнат стажига эга бўлмаганликлари учун ижтимоий нафақа олувчиларни ташкил қилди.

Қариялар ва ногиронлар учун мурувват уйлари ташкил этиш ҳамда уларни моддий таъминоти давлатнинг диққат-марказидаги масалалардан бири бўлди. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги “Саховат” уйида қаровчиси йўқ, ўзгалар парваришига муҳтож қариялар, ногиронлар истиқомат қилишади. Бу мурувват уйи боҳаво жойда жойлашган бўлиб, истиқомат қилувчилар учун барча шароитлар яратилди. “Саховат” уйига 1999 йил давомида Муборақ газни қайта ишлаш заводи, Яккабоғ кон қидирув идораси, Қарши шаҳар ёғ-экстракция ҳиссдорлик жамияти томонидан катта миқдорда ҳомийлик ёрдами берилди⁵. Сурхондарё вилоятида 2001 йили Денов тумани эркалар мурувват уйида 232 нафар ва Сариосиё тумани “Фарҳод” аёллар ва болалар мурувват уйларида 185 нафар, бундан 145 нафари аёллар ва 40 нафари ногирон болаларга ижтимоий муҳофаза хизматлари кўрсатилди. 2001 йилда ҳар иккала мурувват уйларида жами 136,4 млн. сўм маблағ ажратилди. Денов туман мурувват уйида ҳар бир ногиронга бир кунда ўртача 591,8 сўмлик, “Фарҳод” мурувват уйида эса, 591,9 сўмлик озиқ-овқат махсулотлари сарфланди⁶. Мурувват уйларида яшовчилар учун қулайликлар яратиш, хоналарни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, яшаш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш, беморларга дори-дармонларни ўз вақтида етказиб бериш борасида узлуксиз тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиб борилди. Мурувват уйлари таъминоти тўла давлат ихтиёрида бўлди.

Мустақиллик йилларида пенсионерлар сони йилдан йилга кўпайиб, уларга яратилаётган шароитлар ҳам яхшиланиб борди. 2004 йил ўртача нафақа миқдори 22099,9 сўмдан бўлган бўлса,

¹ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 12-рўйхат, 42-иш, 167-варақ.

² Саховат. 2000. -№6. – Б. 2-3.

³ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 12-рўйхат, 42-иш, 161-варақ.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ 2810-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. -№ 1-2, 45-модда.

⁵ Саховат. 1999. -№ 6. – Б. 4-5.

⁶ Ўз.РПДАСВФ, 143- жамғарма, 12- рўйхат, 42-иш, 165-варақ.

2007 йил 67252,5 сўмга ортди. 2007 йил Қашқадарё вилоятида 263,9 минг нафар, Сурхондарё вилоятида эса 224,5 минг нафар нафақахўр рўйхатга олинди¹.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида даромадлар миқдори билан боғлиқ бўлган кам таъминланганлик даражаси республика бўйича қайд этилган ўртача кўрсаткичдан анча юқори бўлиб келди. 2006 йилда Қашқадарё вилояти аҳолисининг 39,8 фоизи кам таъминланганлик бўйича рўйхатга олинган бўлса, республика бўйича бу 24,9 фоизни ташкил қилди. Вилоятда республика аҳолисининг 8,6 фоизи ва Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолининг 13,8 фоизи яшади². Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кам таъминланганларнинг аксарияти кам маош тўланадиган иш ва мавсумий фаолият турлари билан шуғулланади.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида кам таъминланган оилалар республиканинг ғарбий ва марказий вилоятларига нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Кейинги 3-4 йил давомида кузатилаётган ўсиш суръатларининг жадаллашуви натижасида ривожланишдаги тафовут янада кучайди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар кўрсаткичи бўйича Қашқадарё воҳаси вилоятлар орасида 13 ўринда турди. 2001-2006 йиллар давомида вилоятнинг Ғузор, Қарши, Китоб, Муборак туманларида аҳвол яхшиланган бўлса, Деҳқонобод, Қамаш, Чироқчи ва Яккабоғ туманларида аҳвол ёмонлашди³.

2006 йили Қашқадарё вилоятида ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан 1339 нафар кишига имтиёзли моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоят бўйича ижтимоий ёрдам олганларнинг энг кўпи Ғузор туманида 240 киши, Деҳқонобод туманида 198 кишини ташкил этди⁴. Мазкур туман қишлоқларида давлат томонидан моддий ёрдам олувчилар кўпчиликни ташкил этди.

Қашқадарё вилоятида ҳар 10.000 аҳолига ногиронларнинг тўғри келиши республика кўрсаткичига нисбатан анча паст эди. Масалан, 2004 йил Ўзбекистонда ҳар 10.000 аҳолига 111,2 нафар ногирон тўғри келса, Қашқадарё вилоятида бу 76,0 нафарни ташкил қилди. Кейинги йилларда эса ногиронлик билан рўйхатга олинганлар сони камайиб борганлиги кузатилади. 2007 йил Қашқадарё вилоятида ҳар 10.000 аҳолига 70,8 нафар ногирон тўғри келди. Сурхондарё вилоятида эса 2004 йил ҳар 10.000 аҳолига 86,2 та ногирон тўғри келса, 2007 йил бу 98,0 нафарга кўпайди⁵ (2-иловага қаранг). Турли ҳаётий шароитлар туфайли баъзи йилларда вилоятларда ногиронлар сонининг ортиши, баъзи йилларда камайиши кузатилади.

Меҳнат органларининг асосий вазифаси иш изловчи фуқароларни ҳисобга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, корхоналар банкротлиги, қишлоқ хўжалигида жамоа хўжалиқларининг санацияга тушиши натижасида ишидан маҳрум бўлган фуқароларни ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат бўлди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг маълумотига кўра, 2008 йилнинг март ойи ҳолатида вилоят ҳудудидан жами 22702 нафар киши иш излаб кетган. Шундан 7077 нафари Шаҳрисабз туманига тўғри келади. Мигрантларнинг 96 фоизини эркаклар ташкил қилади. Аҳоли жон сонига тўғри келадиган ер майдонлари миқдори юқори бўлган ҳудудлар, масалан, Нишон туманида миграция даражасининг нисбатан пастлиги кузатилади⁶.

Аҳоли бандлигини ошириш, ишсизликнинг олдини олиш мақсадида Сурхондарё вилоят ҳокимиятининг 1999 йил 9-мартдаги 78-сонли қарори билан “Бандлик” дастури қабул қилинди. Ана шу дастур асосида 1999 йилда 33778 та янги иш жойи яратилиши режалаштирилди ва ҳокимиятлар саъй-ҳаракати натижасида дастур 104,2 фоизга бажарилиб, қишлоқ жойларида 33799 та янги иш ўрни яратилди⁷. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш иши кун тартибдаги долзарб масалалар қаторидан жой олди.

1999 йил Сурхондарё вилояти меҳнат бўлимларига 16062 фуқаро иш сўраб мурожаат қилди, ваҳоланки, 1998 йилда 12520 фуқаро иш сўраб мурожаат қилган эди. Кўриниб турибдики, ўтган йилга нисбатан 3542 та кўп фуқаро мурожаат қилган, ишсизлар миқдори вилоятда сезиларли ошди. Иш сўраб мурожаат қилганларнинг аксарияти иш билан таъминланди, яъни мурожаатларнинг 70,3 фоизи ижобий ҳал этилди. Иш сўраб мурожаат қилганлардан кўпчилиги

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. –Ташкент, 2008. – С. 72-73.

² Қашқадарё вилояти социологик тадқиқоти, Таҳлил, март, –Қарши, 2007. (ҚВХРС) –Б. 9-10.

³ Ўша жойда. –Б. 22.

⁴ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана (Ст. сб.). – Ташкент, 2008. – С. 78-79.

⁶ Қашқадарё вилояти социологик тадқиқоти, Таҳлил, март, –Қарши, 2007. (ҚВХРС) –Б. 44.

⁷ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 11-рўйхат, 43-иш, 23-варак.

касб ўрганишга жалб этилди¹ (3-иловага қаранг). 1347 таси ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди. Демак, ишсизлар сони Ўзбекистон жанубий вилоятлари туманларида кўпайиб борди.

2000 йилнинг 20 апрелида Қашқадарё вилоятининг тоғли ҳудудларида зилзила содир бўлди. Ушбу табиий офат айниқса, Қамаш тумани фуқаролари учун оғир ва мураккаб тарзда ўтди. Президент И.А.Каримов ташаббуси билан зилзиладан зарар кўрган жойларни тиклаш учун туманга 2 млрд. сўм маблағ ажратилди². Туман пенсия жамғармасига туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 17466 нафар пенсионерларга 774,9 млн. сўмлик пенсия ва нафақалар учун берилган талабномани тўлиқ молиялаштиришга эришилди. Шунингдек, туманда ўрта ва кичик бизнес ҳисобига 1200 та янги иш ўринлари яратилди.

Сурхондарё вилоятининг чегара туманлари ҳисобланган Сариосиё ва Узун туманларида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги билан биргаликда “Сурхондарё вилоятининг чегара туманларида 2001-2002 йилларда иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури” ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга асосан 2001 йилнинг 11 ойи давомида Сариосиё туманида 2246 та, Узун туманида 2059 та янги иш ўринлари яратилди³. Қишлоқда ишсизликни тугатиш тадбирлари кун тартибда долзарб масала сифатидаги ўрнини йўқотмади.

Ушбу дастурнинг узвий давоми сифатида Сариосиё, Узун ва Денов туманларидан кўчиш истагини билдирган аҳоли вилоятнинг Ангор, Термиз ва Қизириқ туманларига кўчирилди. Сариосиё туманидан 150 нафар, Денов туманидан 50 нафар, Узун туманидан 23 нафар кўчиш истагини билдирган оилалар ариза берди. Шулардан 8 нафар оила Жарқўрғон тумани Ҳамид Олимжон ширкат хўжалигига, 20 нафар оила Термиз тумани Дўлмонов ширкат хўжаликларида ер олиб, деҳқончилик ишлари билан шуғулландилар. Бундан ташқари, Ангор тумани “Қорақир” массивидаги ер майдонлари ҳудудида 13 та фермер хўжаликлари ташкил қилинди.

Қашқадарё вилояти қишлоқларида янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. 2000 йил вилоят қишлоқларида жами 24934 та янги иш ўринлари яратилди. Аммо, вилоятда янги иш ўринлари яратиш иши туманлар бўйича таққосланганда бир хил кечмаганлигини кузатиш мумкин. Бу борада вилоятнинг Китоб, Нишон, Чироқчи тумани қишлоқларида ишлар яхши йўлга қўйилган бўлиб, мазкур ҳудудларда режа ортиғи билан бажарилган-лиги кузатилди. Аммо, Ғузор, Деҳқонобод тумани қишлоқларида янги иш ўринлари яратиш ишида камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, бу даврда Ғузорда 2821 та, Деҳқонободда 1351 тагина янги иш ўринлари яратилди⁴.

Қашқадарё вилоятида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2000 йили 71327 сўм, 2001 йил 10208,8 сўмни ташкил қилди⁵. Бу даврда вилоят бўйича 41329 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, шундан 35304 таси қишлоқ жойларга тўғри келди⁶. Янги иш ўринлари яратиш бўйича яхши натижаларга эришган туманлар бу Қарши (15338 та ўрин), Косон (14007 та ўрин), Яккабоғ (3676 та ўрин), Касби (3165 та ўрин), Деҳқонобод (3069 та ўрин) туманлари бўлди. Шунингдек, 2001 йил январь-сентябрь ойларида У. Юсупов туманида 889 та, Баҳористон туманида 896 та янги иш ўринлари яратилди⁷. Шу тариқа чекка туманларда ишсизликни тугатиш масаласи ижобий ҳал этилиб борилди.

2002 йил Қашқадарё вилояти бўйича 19563 киши ишга жойлаштирилди ва 3681 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди⁸. Шунингдек, вилоят бўйича 2002 йил учун тасдиқланган аҳоли бандлигини ошириш тўғрисидаги дастурга мувофиқ, вилоят қишлоқларида 40463 та янги иш ўрни яратилди⁹. Шу жумладан, Ғузор туманида 1464 киши, Қамаш туманида 1620 киши, Китоб туманида 2115 киши, Чироқчи туманида 1936 киши, Яккабоғ туманида 1478 киши ишга жойлаштирилди. Аммо, баъзи туманларда бу борадаги ишлар талаб даражасида бўлмади. Масалан, Баҳористонда 232 киши, Нишонда 519 киши, У.Юсупов туманида 613 кишигина иш

¹ Ўша жойда.

² Ўз.РПДАҚВФ, 850-жамғарма, 5-рўйхат, 22-иш, 14-варақ.

³ Ўз.РПДАСВФ, 143- жамғарма, 12- рўйхат, 42-иш, 165-варақ.

⁴ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Қашқадарё вилоятида 2001 йил январь-сентябрь ойларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ислохотларнинг бориши тўғрисида. –Қарши, 2001. – Б. 14.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Қашқадарё вилоятида 2001 йил январь-сентябрь ойларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ислохотларнинг бориши тўғрисида. –Қарши, 2001. – Б. – Б. 45.

⁸ Қашқадарё вилояти 2002 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари. – Қарши, 2002. – Б. 46.

⁹ Ўша жойда.

билан таъминланди¹. Шу тарика мазкур туманлар доимий равишда янги иш ўринларини яратиш бўйича вилоят кўрсаткичини пасайтириб келди.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам қатор тадбирлар олиб борилди. Вилоят ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ 2003 йил вилоятда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча манбалар ҳисобидан 38134 та янги иш ўринлари яратилди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги³ ПҚ 616-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”⁴ 186-сонли қарори эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг яратилишини қишлоқлар мисолида таҳлил этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Истиклол йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айлантирилиб, соҳа фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тўла яратилди. Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида узлуксиз равишда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар миқдорини ошириш юзасидан имтиёзлар жорий этилди.

2. Республика аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларида яшаши ҳисобга олиниб, қишлоқ аҳолисини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг диққат-марказида турди. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ аҳолиси ижтимоий ҳимоясини амалга оширишда ўзига хос омиллар мавжуд бўлди. Қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисига нисбатан тез кўпайиб борди. Аҳоли сонининг ўсиш кўрсаткичи бўйича Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари республикада энг юқори ўринни эгаллади.

3. Мустақилликнинг дастлабки йилларида жойларда соҳа ходимларининг етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги, ўз ишига масъулият билан ёндашмаганликлари туфайли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар четда қолиб, моддий ёрдамга эҳтиёжи бўлмаган кишилар давлатдан моддий ёрдам олганди. Бу каби ҳолатни ўз вақтида аниқлаган республика ҳукумати оммавий-ижтимоий ҳимоялаш тартибидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш юзасидан керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этди. Ижтимоий ҳимоя сиёсатида туб бурилиш ясалиб, янги тизимда оила асосий мавқега эга бўлди. Давлат қишлоқ аҳолисига ижтимоий ҳимоялашда табақалашган ёндашувга ҳамда моддий ёрдамга бўлган аҳоли қатламларининг эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олишга эътибор қаратди.

4. Мустақиллик йилларида республика қишлоқларида ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ўқитиш ва касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш маҳаллий ҳокимият органларининг энг муҳим вазифаларидан бирига айлантирилди. Ҳокимликларда бу масала юзасидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, улар ижроси доимий назорат қилинди.

5. Ижтимоий таъминот бўлимлари ишини йўлга қўйиш ва яхшилаш мақсадида туманларда турли мавзуларда семинар йиғилишлари, соҳа ходимлари ўртасида кўрик-танловлар ўтказилиб турилди. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот масаласи вазирликлар, ҳокимлик йиғинларида, жойларда бу борадаги ютуқ ва камчиликлар атрофида муҳокама қилиб борилди. Ижтимоий ҳимоя тизими ишини яхшилашнинг асосий шартларидан бири аҳолини иш билан таъминлашдир. Бу масала Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги энг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолди. Муаммони ҳал этиш мақсадида қишлоқларда махсус дастурлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилди. Иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг аризалари аксарият ҳолларда тўла қондирилди.

¹ Ўша жойда.

² Саховат. 2004. -№3. – Б. 10.

³ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. -№ 15, 156-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008. -№ 34, 333-модда.

Қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, коммунал ва маиший хизмат соҳалари: ҳолати ва муаммолари

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳоли турар-жой қурилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ва маиший хизматни яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир. “Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривож-ланган ижтимоий объект тармоғига ... эга бўлишимиз керак”¹, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Қишлоқ аҳолисининг тураржой шароитларини яхшилаш, уларга кўрсатилаётган коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш ишини ривожлантиришга республикада ҳар қачонгидан ҳам жиддийроқ эътибор берилди. Бу масала мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ давлатнинг диққат-марказидаги масалалардан бирига айланди.

Мамлакат аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшаши ушбу масалага кучлироқ эътибор беришни талаб қилади. Чунки, қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ривожланишини таъминлаш ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш ва иқтисодий ислохотларда ижобий натижаларга эришишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Республика ва маҳаллий бюджетнинг асосий қисми аҳолининг тураржой қурилиши ва коммунал хизматларни яхшилаш учун ажратиб борилди. Масалан, Қашқадарё вилоятида 1993 йилнинг биринчи чорагида маҳаллий бюджетдан уй-жой коммунал хўжалиги учун 22,6 млн сўм сарфланди².

Аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асосий омилларидан бири қишлоқ хонадонларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва газлаштириш бўлди. Масалан, 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъмин-лаш юзасидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Қашқадарё вилояти бўйича 1992 йилнинг 11 ойида 244,3 км сув қувурлари ётқизиблиб, шундан 112 км фойдаланишга топширилди³. Шу тариқа мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб коммунал хизмат кўрсатиш иши яхшиланиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январда 36-сонли “Яккабоғ ноҳияси аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш тўғрисида”ги⁴ Қарорининг бажарилиши юзасидан Қашқадарё вилоят ҳоким-лиги 1992 йил 24 февралда қарор қабул қилиб, тадбирлар ишлаб чиқди. Натижада, туманда 11 ой мобайнида 1,6 млн. кв. метр уй-жой қурилди⁵. Ҳукумат қарорларига мувофиқ қишлоқларда ижтимоий-маданий бинолар қурилиши йилдан йилга кўпайтирилди. 1991-1993 йилларда Қашқадарё вилояти қишлоқларида 25750 хонадон газ билан таъминланди. Аммо, баъзи туман қишлоқларида бу борада қатор камчиликлар ҳам мавжуд эди. Масалан, 1994 йилнинг биринчи ярмида Баҳористонда 8,6 км ўрнига 7,5 км газ қувурлари ётқизилди. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммолардан бирига айланди. Бу даврда Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 56,7 фоизни ташкил этди, холос⁶.

Соҳада йўл қўйилган камчиликларнинг бир қатор сабаблари бор эди. Бундай ҳолатнинг юзага келишига сабаб, биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги моддий қийинчиликлар бўлса, иккинчидан, соҳа ходим-ларининг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашганлиги ва уқувсизлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларнинг 70 фоизида аҳоли ичимлик сувини ташиб келтириб истеъмол қилди, йўлларнинг 30 фоизи асфальтлаштирилмади, қишлоқ оиласининг бор-йўғи 16 фоизи табиий газдан баҳраманд бўлди. Бу эса қишлоқ меҳнаткашларининг жиддий эътирозига сабаб бўлиб, унумли ишлашига салбий таъсир қилди⁷. Бироқ, вилоятларнинг турли туманларида бу муаммолар турлича ҳал этилди. Масалан, Қамаш туманида 1991-1996 йилларга мўлжалланган ижтимоий тараққиёт дастурига мувофиқ 120 км газ қувурлари ишга туширилди⁸.

¹Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 44.

² Ўз.РПДАҚВФ, 829-жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш, 24-25-варақлар.

³ Ўз.РПДАҚВФ, 829-жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш, 57-варақ.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – 1992 йил. – 29 январь. -№ 36. – Б. 95-98.

⁵ Ўз.РПДАҚВФ, 829- жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш, 58-варақ.

⁶ Ўз.РПДАҚВФ, 829-жамғарма, 1-рўйхат, 85-иш, 55-варақ.

⁷ Ўз.РПДАҚВФ, 829-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш, 83-варақ.

⁸ Ўз.РПДАҚВФ, 829- жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш, 10-варақ.

Биргина, 1992 йил туман кишлоқларида 1672 хонадон газлаштирилди. Шунингдек, 21,5 км тоза ичимлик суви қувири ўтказилди¹. Аммо, бу кўрсаткичлар аҳоли талабини тўла қондириш учун етарли бўлмади.

1994 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Бойсун туманининг Сайроб кишлоғи аҳолиси давлат раҳбаридан кишлоқни газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда кўмак беришини сўраган эди. Уларнинг мурожаати жавобсиз қолмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг саръ-ҳаракати билан Бойсун туманига табиий газ келтирилди. Юқори босимдаги 40 км газ қуварининг ишга туширилиши² туманда турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги ижобий тадбирлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 28 июнда “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 36-сонли Фармони эълон қилинди. Сурхондарё вилоятида мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 1995 йилнинг 9 ойида 207,7 км газ қувири, 43,7 км тоза ичимлик суви қувири ўтказилди³, 11,5 минг хонадон газлаштирилди⁴. Кишлоқ аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида сезиларли даражада олдинга силжишлар бўлди. Масалан, 1990 йил Сурхондарё вилоятида аҳолининг 12 фоизи табиий газ билан, 58,4 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 1995 йил охирига келиб, бу кўрсаткичлар 38 ва 75,2 фоизни ташкил қилди⁵. Шу тариқа мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш иши янада яхшиланиб борилди.

Кишлоқларда амалга оширилган энг хайрли тадбирлардан бири кишлоқларда замонавий турар-жой биноларини барпо этиш ишининг бошланиши бўлди. Кишлоқ аҳолиси уй-жойларини замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш юзасидан давлат томонидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян тадбирлар ишлаб чиқилиди ва ҳаётга татбиқ этилди.

Кишлоқ жойларида аҳоли турар-жой қурилишлари махсус лойиҳалар асосида бунёд этила бошланди. Натижада, кишлоқ жойларда уй-жой жамғармаси узлуксиз ўсиб борди. Масалан, 1995 йил Ўзбекистон кишлоқларида уй-жой жамғармаси 169,4 млн кв. метр бўлса, 2004 йилга келиб у 231,4 млн кв. метрга етди. Қашқадарё вилоятида 14,1 млн кв. метрдан 22,4 млн кв. метрга, Сурхондарё вилоятида 14,3 млн кв. метрдан 18,6 млн кв. метрга кўпайди. Бу борадаги амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар иккала вилоят кўрсаткичлари таққосланганда, Сурхондарё вилояти бир оз орқадалиги маълум бўлди. Масалан, Сурхондарё вилоят кишлоқларида 1999 йил уй-жой жамғармаси 16,3 млн кв. метр бўлса, 2000 йил у бор-йўғи 16,4 млн кв. метрга етди⁶ (4-иловага қаранг).

Ўзбекистон жанубий вилоятлари кишлоқларида тураржой қурилиш суръатларини ошириш ишлари талаб даражасида бўлмади.

Умуман, Ўзбекистон бўйича кишлоқ жойларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган тураржой майдони кўрсаткичи ортиб борди. Кишлоқларда 1995 йил бир кишига 12,1 кв. метр уй-жой майдони тўғри келса, 2004 йил бу кўрсаткич 14,1 кв. метрга етди. Бу борада, айниқса, Қашқадарё вилоятида яхши натижалар қўлга киритилди. Масалан, 1995 йил кишлоқ аҳолиси жон бошига 9,8 кв. метр уй-жой майдони тўғри келса, 1996 йил бу 13,1 кв. метрга етди. Сурхондарё вилояти кишлоқларида аҳоли жон бошига уй-жой майдонларининг тўғри келиши кўрсаткичи деярли ўзгаришсиз қолди. Масалан, 1996-1998 йилларда бу кўрсаткич бир хил бўлди⁷ (5-иловага қаранг). Ҳолатнинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди. Чунки жанубий вилоятларнинг кишлоқларида аҳоли сонининг ўсиши юқорилиги туфайли шундай ҳолатлар юзага келди.

Тураржой майдонларининг йилдан йилга ўсиб борганлигини туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Қашқадарё вилоятининг У.Юсупов туманида 1995 йил 16653 кв. метр тураржой бинолари қурилган бўлса, 1996 йил 33103 кв. метр уй-жой фойдаланишга топширилди⁸.

1996 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш

¹ Ўз.РПДАҚВФ, 829- жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш, 10-варақ.

² Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 6-рўйхат, 51-иш.

³ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 6-рўйхат, 53-иш, 5-варақ.

⁴ Ўша жойда. 4-варақ.

⁵ Ўз.РПДАСВФ, 143- жамғарма, 6-рўйхат, 51-иш, варақ.

⁶ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами – 2004. – Тошкент, 2005. – Б. 92.

⁷ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик тўплами –2004. –Тошкент, 2005. – Б. 93.

⁸ Ўз.РПДАҚВФ, 829-жамғарма, 5-рўйхат, 12-иш, 16-варақ.

Дастури тўғрисида”ги Қарори¹ қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон қишлоқ жойларида 1996-2000 йилларда уй-жой қурилишини ривожлантириш Дастури қабул қилинди. Дастурга мувофиқ, республика бўйича 1996-2000 йиллар давомида қишлоқ жойларда 31602 минг кв. метр уй-жой қурилиши режалаштирилди. Шунингдек, бу даврда Қашқадарёнинг қишлоқ жойларида 3465 минг кв. метр, Сурхондарё вилоятида 3678 минг кв. метр уй-жой қуриш режалаштирилди². Қашқадарё қишлоқларида 1996 йил қурилиши лозим бўлган 600 минг кв. метр уй-жойдан 588 минг кв. метр шахсий маблағлар ҳисобидан қурилиши мўлжалланди³. Қарорда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида 1996-2000 йилларда водопровод ва газ тармоқларини ривожлантириш дастурлари ҳам илова қилинди. Дастурга мувофиқ 1996-2000 йилларда республика бўйича қишлоқ жойларида 9550 км, Қашқадарё вилоятида 949 км, Сурхондарё вилоятида 960 км ичимлик суви қувурлари ўтказилиши лозим эди⁴. Шунингдек, 1996-2000 йиллар мобайнида республика қишлоқларида 18530 км, Қашқадарё вилоятида 2184 км, Сурхондарё вилояти қишлоқларида 1896 км газ қувири ўтказилиши режалаштирилди⁵. Давлат дастурларида коммунал хизмат кўрсатиш ишига алоҳида аҳамият берилиб, жойларда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан энг зарур чоралар кўриб борилди.

Қашқадарё вилояти қишлоқларида 1996 йил 405 км газ қувири ўтказиш режага киритилган бўлса, 1997 йил бу 415 км ни ташкил этиши керак эди⁶. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, 1996 йил Қамаш туманида 47,5 минг кв. метр турар-жой бинолари, 15,8 км газ қувурлари, 21,2 км сув қувурлари фойдаланишга топширилди⁷. Аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизмат иши анча яхшиланди.

1997 йил “Инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида ҳам уй-жой, коммунал хўжалиги ишларини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Ушбу дастурга мувофиқ, Сурхондарё вилояти қишлоқ жойларида 410,7 минг кв. метрли уй-жой қурилди. Аммо, қишлоқларда турли корхоналар ҳисобидан уй-жой қуриш иши талаб даражасида бўлмади. Вилоятнинг Бандихон, Шўрчи ва Шеробод туманлари қишлоқларида корхоналар ҳисобидан бирор метр ҳам уй-жой қурилмади⁸. Шу йили мазкур туман қишлоқларида уй-жой қурилиш режаси 7,3 фоизга бажарилган, холос⁹. Бу каби ҳолатларга раҳбарларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашганлиги, қўйилаётган режаларда вазифалар аниқ белгиланмаганлиги туфайли йўл қўйилди.

Қашқадарё вилояти қишлоқларида ҳам мазкур йилда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан қатор ишлар олиб борилса, кўзланган мақсадларга тўла эришилар эди. Масалан, Касби туман аҳолисини 1997 йил тоза ичимлик суви билан таъминлаш 57 фоизни ташкил этди. Холбуки, бундан олдинги йилларда ҳам бу борадаги кўрсаткич шу ҳолатда эди. Бу соҳадаги ишлар вилоят миқёсида таҳлил этилганда, вилоятда бирмунча аҳвол яхшилиги аниқланди. Хусусан, 1997 йил вилоят қишлоқ аҳолисининг 59,7 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланди. 1996 йили Сурхондарё вилояти бўйича қишлоқ жойларида вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши 74 фоиз, табиий газ билан таъминланиш даражаси 45 фоиз бўлди¹. Аммо, қишлоқларга табиий газ ўтказиш ишлари талаб даражасидан орқада қолди. Масалан, Денов, Ангор, Шўрчи, Олтинсой, Музработ туман қишлоқларида 1996 йил бир км ҳам газ қувири ўтказилмади². Сурхондарё вилояти туманларида коммунал хўжалиги ишини йўлга қўйиш борасида белгиланган режалар бажарилмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлда “Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди³. Ушбу қарор ижросини таъминлаш иши жанубий вилоятларда яхши олиб борилмади. Вилоятларда ижтимоий инфраструктура иншоотларини фойдаланишга топшириш режаси бажарилмади. Масалан, 1998 йилнинг биринчи чорагида Қашқадарё вилояти бўйича 117,7 минг кв. метр турар-жой биноси қурилиши лозим бўлса, амалда 79,0 минг кв. метр уй-жой қурилиб, режа фақат 67,1 фоизга бажарилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – 1996 йил. Май. -№ 182. – Б. 50-52.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – 1996 йил. Май. -№ 182. –Б. 58.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – 1996 йил. Май. -№ 182. –Б. 58.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – 1996 йил. Май. -№ 182. –Б. 58.

⁷ Ўз.РПДАҚВФ, 850-жамғарма, 3-рўйхат, 21-иш, 10-варақ.

⁸ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 8-рўйхат, 25-иш, 64-67-варақлар.

⁹ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 8-рўйхат, 24-иш, 15-варақ.

¹ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 11-рўйхат, 44-иш, 55-варақ.

² Ўша жойда. 12-варақ.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. -№ 333-380. – 1997 й. июль. – Б.108-111.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашга доир ишларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистонда қатъий қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ер кодекси (1998), ва Уй-жой кодекси (1998) қабиладир. Ер кодексининг 27-моддасида қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилиши, яқка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирадаги ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда қим ошди савдоси асосида реализация қилиниши таъкидланган¹.

1998 йил 17 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “1998-2000 йиллар даврида қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди². Коммунал хўжалиги ишини яхшилаш юзасидан ҳукумат томонидан доимий равишда қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиб борилди.

1998 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурига асосан, Қашқадарё вилоятида 342,5 минг кв. метр уй-жой қурилди. Шунингдек, 67,5 км. сув қувури, 205,2 км газ қувури фойдаланишга топширилди³. Ҳукумат қарорларида белгиланган тадбирларнинг узлуксиз амалга ошириб борилиши туфайли янгидан сув ва газ қувурлари ўтказиб борилди.

2000 йил Қашқадарё вилояти бўйича 743,9 минг кв. метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Шу йили биргина Чирокчи туманида 66,4 минг кв. метр уй-жой қурилди⁴. Қишлоқларда уй-жой майдонларининг кўпайиши билан аҳоли яшаш шароитини шаҳар шароитига яқинлаштириш имконияти туғилди. Жумладан, қишлоқ хонадонларида ҳам кўп хонали, икки қаватли тураржой бинолари қад кўтариб, уларда ҳаммом, ошхона, ётоқхона ва меҳмонхона каби алоҳида хоналари мавжуд бўлган уйларни кўпайтиришга эътибор берилди. Бундан ташқари, қишлоқ уй-жойларини пахса ёки хом ғишт эмас, пишиқ ғишдан бунёд этишга киришилди. Пишиқ ғиштли уйлар иссиқ ва совуққа чидамли бўлиб, бир неча авлодга хизмат қилиши эътиборга олинди.

Давлат қишлоқ аҳолиси тураржой массивларини лойиҳалаштиришда жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган уй-жойлар қурилишини режалаштирди. Шу билан бирга, шахсий уй-жой қурувчиларга қатор имтиёзли кредитлар ажратилди.

Қашқадарё вилояти бўйича 2001 йил жами 749411 кв. метр, 2002 йил 2628836 кв. метр уй-жой фойдаланишга топширилди⁵. Шунингдек, вилоят бўйича 2001 йил 454,6 км, 2002 йил 410,3 км газ қувури ўтказилди. Сув қувурлари эса 293,2 км ва 217,8 км ўтказилди⁶. Демак, аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш олдинги йилга нисбатан орқага кетиши кузатилади.

Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурига кўра, аҳолининг ичимлик суви билан 64,7 фоизи таъминланган, газ билан эса 25,6 фоизи таъминланган. Аммо, бу таъминланиш туман қишлоқларида бир хил эмас эди. Масалан, Чирокчи туман қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан 30,6 фоиз, газ билан 2,5 фоизга, Яққабўғ тумани қишлоқларида тоза ичимлик суви билан 4,5 фоизга таъминланган. Деҳқонобод туман қишлоқларининг фақат 2 фоизига газ қувурлари етиб борди⁷. Мустақилликка Чирокчи ва Деҳқонобод туман қишлоқлари тураржой биноларининг бунёд этилишида қатъий режага асосланганлиги, хонадонлар ўз ҳолига қурилиб, бир текис жойлаштирилмаганлиги сабабли уларга тоза ичимлик суви ва газ қувурларини ўтказишда қатор қийин-чиликлар туғилди. Бу туман қишлоқлари асосан қира-адирларда бўлиб, текис ер майдонларида жойлашмаганлиги туфайли ҳам аҳолининг тоза ичимлик суви ва газ билан таъминланиш кўрсаткичи бошқа туманларга нисбатан орқада қолди.

Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши Сурхондарё вилоятига нисбатан анча орқада эди. Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 58,0 фоиз, Қашқадарёда бу кўрсаткич 48,1 фоиз эди⁸. Хусусан,

¹ Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. (Амалий қўлланма) –Тошкент: Ўш Зиё, 2009. Б.141.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. –Тошкент, 1998. –17 март. – Б. 82.

³ Ўз.РПДАҚВФ, 829- жамғарма, 8-рўйхат, 41-иш, 57-варақ.

⁴ Қашқадарё вилояти статистика бошқармасининг жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Қашқадарё вилояти 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва ислохотларнинг бориши тўғрисида. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси. –Қарши, 2003. – Б. 5.

⁶ Ўша жойда. – Б. 6.

⁷ Ўз.РПДАҚВФ, 829-жамғарма, 15-рўйхат, 20-иш, 16-варақ.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси жорий архиви.

қишлоқ аҳолисини табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашда ҳам шу ҳолат кузатилади. Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларини табиий газ билан таъминланиши республика кўрсаткичига нисбатан анча пастда бўлди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқ аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши 35-36 фоиз бўлса, республикада 64,1 фоиз бўлди¹ (6-иловага қаранг). Демак, Ўзбекистон жанубий вилоятлар қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш кўрсаткичи республикага нисбатан жуда орқада бўлди. Бу соҳадаги бошқарувнинг мустаҳкам эмаслиги, моддий таъминотдаги камчиликлар, ишни тўғри ташкил қила олмаганликлари боис ушбу ҳолатлар келиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрда “Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди². Мазкур қарорда Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида” 1999 йил 1 июндаги 278-сонли қарорига мувофиқ, 1999-2002 йилларда Республикада 14698 км газ ва 7579 км сув қувурлари шахобчалари қурилганлиги, натижада, қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини табиий газ билан қамраб олиш даражаси 86,3 фоизгача ва ичимлик сув билан қамраб олиш 78,2 фоизгача ўсганлиги таъкидланади. Шунингдек, ушбу қарорда қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув билан таъминлаш режаси Қашқадарё, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида бажарилмаганлиги ҳақида ҳам гапириб ўтилди³. Қарорда Қашқадарё ва Навоий вилоятлари қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг сув таъминотини яхшилаш лойиҳасини амалга оширишга 2004-2005 йилларда Осиё тараққиёт банкининг 25 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз жалб этилиши ҳақида ҳам гапирилади⁴. Шу тарика Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш учун хориж банкларининг ҳам маблағлари жалб этилди.

2003 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари аҳолисининг сифатли ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агент-лиги ва Иқтисодиёт вазирлиги 2004-2005 йилларда Осиё тараққиёт банки-нинг 15 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредитини Қашқадарё вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктлари сув таъминотини яхшилаш лойиҳасини амалга оширишга жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш ҳақида гапирилди⁵.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан соҳа ишини яхшилаш юзасидан олиб борилган тадбирлари ўз натижасини берди. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини водопровод суви билан таъминланиши 1995 йил 25,5 фоиз бўлса, 2004 йилга келиб 41,5 фоизга етди.

2006 йилга келиб, Ўзбекистон жанубий вилоятлари аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши шаҳарда 86,5 фоиз бўлса, қишлоқда 75,3 фоиз бўлди. Бир кишига ўртача сув истеъмоли шаҳарда 318 л сув, қишлоқда эса 70 л сувни ташкил қилди. Табиий газ билан таъминланиш 1996 йил 58,6 фоиз бўлса, 2004 йил 69,9 фоизни ташкил этди⁴. Шунингдек, 2005 йил Сурхондарё вилоятида режа бўйича 27 км. газ қувури мукамал таъмирланиши лозим бўлса, сентябрь ойида режа 72,2 фоизга бажарилиб, жами 19,5 км. газ қувури таъмирланди. Таъмир ишлари асосан Ангор, Жарқўрғон, Қизирик, Музработ, Шеробод, Термиз туманларида олиб борилди¹. Аммо, газ қувурларини таъмирлаш жараёнида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Кўпчилик жойларда таъмирланган газ қувурлар узунлиги амалдагидан ортиқ қилиб кўрсатилиб, қувурларни топшириш ва қабул қилиб олиш далолатномалари тузилмади. Бундан ташқари аҳолини табиий газ таъминотида қатор муаммолар мавжуд эди. Жумладан, аҳоли томонидан ностандарт газ жиҳозлари ва ёндиргичлардан фойдаланиш, газ тармоқларига ноқонуний уланиб олиш ва газдан ноқонуний фойдаланиш, табиий газ тармоқларида газ босимининг қиш пайтида пасайиб кетиши, табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги қабилардир².

¹ Ўша жойда.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. – 2003 йил, сентябрь. – № 382-418. – Б. 174-177.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. – 2003 йил. – 17 сентябр. – Б. 174.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. – 2003 йил. – 17 сентябр. – Б. 174.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. – 2003, октябрь. – Б. 36.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитасининг йиллик тўплами – 2004. – Тошкент, 2005. – Б. 97.

¹ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 16-рўйхат, 23-иш, 1-134-вараклар.

² Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳоким ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг семинар-мунозара баённомаси. – Қарши шаҳри, 2006 йил, 18-27 январь.

Қашқадарё вилоятининг Ғузор, Чирокчи, Дехқонобод, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида уй-жой қурилиш ишлари яхши йўлга қўйилди. Айниқса, Косон тумани 2006 йилда тураржой қурилиши бўйича юқори натижага эришганлиги кузатилади. Аммо, жорий йил давомида баъзи туманларда сув қувурларини ўтказиш иши тўғри йўлга қўйилмади. Масалан, Дехқонобод, Қарши, Миришкор, Нишон, Касби, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари қишлоқларида бир километр ҳам сув қувури ўтказилмади³. Бу даврда газ қувурларига нисбатан сув қувурларини ўтказиш ишлари доимий равишда орқада қолиб келди. Чунки, сув қувурларини ўтказиш ер остидан амалга оширилганлиги боис кўпроқ маблағ талаб этилади.

Аҳоли жон бошига турар-жой майдонларининг тўғри келиши 2007 йил Қашқадарё вилоятида 13,1 кв. метрни ташкил қилди. Шунингдек, бу Китобда 18,6, Муборакда 19,6 км. метр бўлди. Энг паст кўрсаткич Чирокчида 9,8 км. метр, Косонда 7,3 км. метрга тўғри келди⁴. Ушбу ҳолат Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларида тураржой қурилишига давлат томонидан жиддийроқ эътибор қаратилишини талаб этади.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларида ҳомийлар ҳисобидан маҳаллаларни ободонлаштириш, ичимлик суви ва газ қувурлари ўтказиш ишлари олиб борилди. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида 2005-2008 йиллар давомида 22 та маҳаллада гузар қад ростлади ва Бахтлотепа, Саксонтепа, Какан, Мингжар қишлоқларида газлаштириш ишлари олиб борилди. Мингжар қишлоқ йўлидан 3 км га, Саксонтепа қўрғонидаги 4 та ички кўчага шағал ётқизилди. Ушбу қишлоқларда 3 та артезиан қудуқ таъмирланиб, 3 та мойжувоз, 3 та тегирмон ишга туширилди¹.

2008 йил Қашқадарё вилоятининг қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш ишлари Қарши, Косон, Ғузор, Чирокчи, Касби, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида яхши олиб борилди. Шу йили вилоят қишлоқларида 117 км сув қувури ўтказилган бўлса, шунинг 30,5 км Ғузор, 23,1 км Дехқонобод туманига тўғри келди. Миришкор ва Касби тумани қишлоқларида ўша йили 1 км ҳам сув қувури ўтказилмаган бўлса, Қарши туманида 1,6, Чирокчида 1,1 км сув қувури ўтказилган, ҳолос².

Аҳоли турмуш даражасини белгилашда маиший хизмат соҳасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Мустақиллик йилларида кўп укладли иқтисодийнинг шаклланиши ва бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлари кўпайиб борди.

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида 1992 йил апрелда “Ўзмаишийхизматушма” тузилди. Соҳа фаолиятини бозор муносабатларига мослаштириш учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, уларни шахсий мулк қилиш ёки ижарага бериш тадбирлари олиб борилди. 1992-1995 йилларда Ўзбекистонда маиший хизматга қарашли жами 12587 корхона хусусийлаштирилди³. Маиший хизмат соҳаси ишини яхшилашнинг асосий шартларидан бири сифатида тегишли корхона ва дўконларни хусусийлаштириш деб қаралди.

1995 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида республиканинг шаҳар ва туманларида маиший хизмат соҳаси тадбиркорларининг уюшмалари тузилди. Сурхондарё вилоятида жами 820 та маиший хизмат муассасалари бўлиб, уларда 1300 дан ортиқ тадбиркорлар фаолият олиб борди. 1995 йил Сурхондарё вилоятида аҳолига 317,9 млн сўм пуллик маиший хизмат кўрсатилиб, бу аҳоли жон бошига 202 сўмдан тўғри келди. Аммо, бу соҳа вилоятнинг турли туманларида бир хил йўлга қўйилмади. Масалан, 1995 йил ўтган йилга нисбатан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Ангор туманида 66,6 фоиз, Олтинсойда 60 фоиз, Сариосиёда 42 фоиз, Шўрчи туманида 59,5 фоизга камайганлиги кузатилади⁴. Бу туман қишлоқларида маиший хизматнинг янги, замонавий турларини жорий этиш ишига етарли эътибор қаратилмади. Масалан, Олтинсой, Қумқўрғон, Бандихон ва Қизирик туманларида кийимларни кимёвий тозалаш цехлари умуман ташкил этилмади. Қарийб 70 минг аҳоли яшайдиган Қизирик туманида атиги 3 та, Бандихонда эса 2 та сартарошхона ишлаб турган. Бандихон, Термиз,

³ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁴ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси. Асосий индикаторлар 2007 йилда январ-декабр ҳолатида Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Қарши, 2007. – Б. 27.

¹ Қишлоқ ҳаёти, 2008, 6 июнь.

² Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислохотлар суръатини 2008 йил январ-декабр якунлари бўйича асосий кўрсаткичлар.

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилдлик. –Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. 12 жилд. – Б. 340.

⁴ Ўз.РПДАСВФ, 143- жамғарма, 6- рўйхат, 51-иш, 61-варақ.

Олтинсой туманларида телевизор, музлатгич ва бошқа электр асбобларини таъмирловчи устоналар умуман ташкил қилинмади¹. Туман ҳокимликлари маиший хизмат соҳаси ишини йўлга қўйиш юзасидан аниқ режалар асосида иш юритмаганликлари боис туман қишлоқларида маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этилмади.

Қишлоқларда замонавий савдо ва маиший хизмат нуқталарига эга бўлган гузарлар ташкил этиш, қишлоқ жойларда ишсиз юрган йигит-қизларни маиший хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича мутахассисликка тайёрлаш ва уларни қайта ўқитиш, иш сўраб мурожаат қилганларни қайта касбга тайёрлаш ва маиший хизмат соҳаларига жалб қилишдек муҳим вазифалар ҳал этилмай келинди.

Маиший хизмат кўрсатиш ишини яхшилаш мақсадида республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган Дастури ишлаб чиқилди. 1996 йилдан “Ўзмаишийхизматушма”га қарашли барча давлат корхоналари хусусийлаштирилди. Давлат Дастурининг бажарилиши натижасида маиший хизмат кўрсатиш ҳажми йилдан йилга ортиб борди. Масалан, 1995 йил Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолисига жами 19,3 млн сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 2004 йил бу 5491,8 млн сўмни ташкил этди. Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 31,1 млн ва 2116,8 млн сўмдан иборат бўлди².

1997 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди³. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан керакли чора-тадбирлар ўз вақтида олиб борилганлиги учун соҳа фаолияти анча жонланди. Масалан, Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисига 1996 йил 57,1 млн сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 1998 йил бу 427,0 млн сўмни ташкил этди⁴. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ортиши билан бирга хизмат сифати ҳам ортиб борди. Ишлаб чиқариш технологияси ва уни таш-кил этиш, буюртмачи билан ўзаро муносабат янги сифат даражасига кўтарилди.

2002 йил Қашқадарё вилояти бўйича аҳоли жон бошига пуллик хизмат 11874 сўмни, шу жумладан, маиший хизматлар 3708 сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич туманлар бўйича таҳлил этилганда, Қамаш тумани қишлоқларида аҳоли жон бошига 3440 сўмлик, Қарши туманида 3919 сўмлик, Деҳқонобод туманида 3686 сўмлик маиший хизмат кўрсатилди⁵. Бу борада Баҳористон туманида бошқа ҳудудларга нисбатан паст кўрсаткич аниқланди. Масалан, 2001 йил бу туман қишлоқларида аҳоли жон бошига 1973 сўм маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 2002 йил бу 2528 сўмни ташкил этди⁶. Кўрилган тадбирлар натижасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш иши сезиларли даражада ўзгарди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми йиллар давомида Сурхондарё вилояти қишлоқларида ҳам ўсиб борди. Масалан, биргина Қизирик тумани аҳолисига пуллик маиший хизмат кўрсатиш 1994 йил киши бошига 14 сўмдан тўғри келган бўлса, 2002 йилга келиб, у 9039,7 сўмни ташкил этди. Музработ тумани қишлоқларида бу 8 сўмдан 11598 сўмга ортди⁷.

2003 йил январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилояти бўйича аҳолига 7586,7 млн. сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 2004 йилнинг январь-сентябрида бу 7899,5 млн. сўмни ташкил қилди. Нишон тумани қишлоқларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, 2003 йилдан 2004 йилгача ўсиш 118,7 фоизни ташкил қилди⁸. Умуман, вилоятнинг барча туманларида режа 100 фоиздан ортиғи билан бажарилганлиги кузатилади.

2005 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойишига биноан ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда 2010 йилга бориб ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улушини 35-40 фоизга етказиш режалаштирилди⁹. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳолига сервис хизмат кўрсатишда жаҳон мамлакатлари тажрибаларидан ҳам унумли фойдаланишга ўтди.

¹ Ўша жойда. 62-варақ.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитаси йиллик статистик тўплами – 2004. –Тошкент, 2005. –Б. 202.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. – 1997 й. – 19 сентябр. – Б. 38.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитаси йиллик статистик тўплами – 2004. –Тошкент, 2005. –Б. 202.

⁵ Қашқадарё вилояти 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва ислохотларнинг бориши тўғрисида. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси. – Қарши, 2003. – Б. 23.

⁶ Ўша жойда. – Б. 24

⁷ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁸ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилдлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. 12 жилд. – Б. 341.

2006 йил Ўзбекистонда 309,5 млн сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса, 2007 йил бу 392,1 млрд сўмни ташкил этди¹. Қашқадарё вилоятида бу 26,2 ва 30,8 млрд сўм бўлди. Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш Сурхондарё вилоятида талаб даражасида бўлмади. 2007 йил аҳоли жон боши-га маиший хизмат кўрсатиш 9,8 минг сўмга тўғри келди. Қашқадарё вилоятида бу 12,4 минг сўмдан иборат бўлди². Қашқадарё вилояти қишлоқ-ларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш иши Сурхондарё вилоятига нисбатан бир қадар олдинда бўлди.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида тураржой, коммунал хўжалиги ҳамда маиший хизматни ташкил этиш ишининг тарихи ўрганилиши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқ-ларининг ижтимоий инфратузилмасида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Бу жараён аввало аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ишида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларда яшаши инобатга олиниб, турли ижтимоий қатламларни бозор иқтисодиёти шароитида ҳимоялаш учун қатъий тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

2. Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларининг демографик хусусиятлари ҳисобга олиниб, аҳолини иш билан таъминлашнинг махсус дастурлари ишлаб чиқилди. Қишлоқ аҳолисининг кам таъминланган, ногиронлар, ёш болали оилаларни, қарияларни ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг диққат-марказидаги вазифалардан бирига айлантирилди.

3. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим секторлардан бири бўлиб, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш иқтисодий ислохотларнинг ижобий натижасини таъминловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Соҳа ривожини таъминлашда эса аҳоли турмуш даражасини кўтариш катта аҳамиятга эга. Шунга мувофиқ, қишлоқ аҳолисини замонавий тураржойлар билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилди. Қишлоқ тураржой массивларини лойиҳалаштиришда жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган уй-жойлар қурилишига эътибор берилди. Қишлоқ аҳолисини шаҳар аҳолиси яшаш шароитига яқинлаштириш имконияти туғилди. Қишлоқ хонадонларида ҳам кўп хонали, икки қаватли тураржой бинолари бунёд этилиб, уларда барча қулайликлар мавжуд бўлган уйларни кўпайтиришга аҳамият берилди.

4. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш юзасидан давлат томонидан қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, узлуксиз равишда ҳаётга татбиқ қилиб борилди. Натижада, республика қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви ва газ таъминоти яхшиланиб, турмуш шароити энгиллашиб борди. Аммо, баъзи ҳолларда бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, турли сабабларга кўра, ўз вақтида бажарилмади. Қашқадарё вилоятининг Чирокчи ва Дехқонобод туман қишлоқлари аҳолисига коммунал хизматни ташкил этишда муаммолар мавжудлигича қолди.

5. Мустақиллик йилларида кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва бозор муносабатларининг ривожлантирилиши натижасида маиший хизмат кўрсатиш соҳасига қўйилган талаблар кўпайди ҳамда унинг янгидан янги тармоқлари вужудга келди. Аммо, истиклолнинг дастлабки йилларида соҳа ишларини ташкил этишда жиддий муаммолар ҳам вужудга келиб, баъзи қишлоқ аҳоли пунктларида оддий сартарошхона ташкил этилмади. Давлат томонидан маиший хизматни ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган пуллик хизмат турлари кўпайиб борди.

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана 2008.(Ст. сб). – Т., 2008. – Б. 181.

² Ўша жойда.

II БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ

Жанубий вилоятлар қишлоқларида таълим соҳасидаги ҳолат ва ундаги ўзгаришларнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли иқтисодий тараққиёт низолатда илгарилаб кетди. Бу эса жамиятнинг барча соҳаларида туб сифат ўзгаришларини амалга оширишга имкон яратди. Хусусан, ижтимоий соҳанинг марказий бўғини ҳисобланган халқ таълимида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Таълим тизими такомиллаштирилиб, унинг узлуксизлигини таъминлаб берадиган янги қонун ҳужжатлари, турли педагогик технологиялар ҳаётга татбиқ этилди. Республикада ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларига қарамай, таълим тизими моддий-техник базаси мустаҳкамланиб борди.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасига биринчи даражали масалалар сифатида қаралиб, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айлантирилди. “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз¹”, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ таълим-тарбия тизимини шакллантириш, соҳани ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида унинг ҳуқуқий кафолатларини белгилашга ҳаракат қилинди. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда таълим соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари, таълим тизими ҳамда бошқарув тартиби, соҳа ходимларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу Қонунда Ўзбекистонда таълим мустақиллигини таъминлаш, соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган воситаларни бартараф этиш, таълим-тарбияда демократик тамойилларни қарор топтириш, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, таълим тизимида ўқув адабиёт ва дастурларни мукамаллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш лозимлиги кўзда тутилди.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларида ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Умумий ўрта таълим босқичида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. “Умумий ўрта таълим узлуксиз таълим тизимидаги асосий бўғин бўлиб, у билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ҳамда таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради”². Таълимнинг бу босқичи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай дейди: “...умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарабини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак”³.

Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, Ўзбекистонда мактаб ёшдаги асосий гуруҳлар (1-9 синфлар) бўйича аҳолини ўқув муассасалари билан камраб олиш даражаси юқори кўрсаткичларга эришилганлигини кўриш мумкин. 16-18 ёшдаги (ўрта таълимнинг юқори босқичи) бўйича камраб олиш кўрсаткичлари ХХ асрнинг 90-йилларида пасайиб кетган бўлса-да, шундан кейин ушбу ёшдагилар гуруҳи учун касб-хунар коллежлари пайдо бўла бошлагани ва 12 йиллик мажбурий таълим тизимининг босқичма-босқич жорий қилингани боис мазкур кўрсаткичлар мунтазам равишда ўсиб борди. Масалан, Қашқадарё вилоятида 2001 йил 22 та касб-хунар коллежлари фаолият олиб борган бўлса, 2007 йилда 96 тага кўпайди⁴.

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 74-75.

²Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилдлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. 12-жилд. – Б. 373.

³Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. (Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи.) Баркамол авлод орзуси. –Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 25.

⁴Қашқадарё вилояти социологик тадқиқоти, Таҳлил, март, 2007. (ҚВХРС) –Б. 15.

Давлат томонидан умумий ўрта таълим фаолиятини яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўрта таълим мактаблари сони йилдан йилга ортиб борди.

Сурхондарё вилоятида 1991-1992 ўқув йилида 679 та умумтаълим мактаблар фаолият олиб борган бўлса, 2000-2001 ўқув йилида улар сони 810 тага ортди¹. Уларда таълим олган ўқувчилар сони 334,4 мингдан 471,0 мингга етди. Бу рақамлар вилоят, шаҳар ва қишлоқ бўйича таққосланса, қишлоқ ўқувчилари сони анча юқорилиги кузатилади. Масалан, 1991-1992 ўқув йилида Сурхондарё вилоятидаги 334,4 минг ўқувчидан 280,8 минги қишлоқ болаларидан иборат бўлди. 2000 йилда вилоят мактабларининг 10-11-синфларида таълим олаётган 47,7 минг ўқувчидан 42,0 минги қишлоқ мактабларида ўқиди². Ўқувчиларнинг аксарияти қишлоқлар ҳисобига тўғри келиши, қишлоқларда бу соҳага жиддий эътиборни талаб этарди.

Қашқадарё вилоятида ҳам умумтаълим мактабларнинг сони ортиб борди. 2000 йил вилоятда 1082 та кундузги умумтаълим мактаблари фаолият олиб бориб, уларда 585,5 минг ўқувчи таҳсил олди³. 2007 йил мактаблар сони 1101 та, ўқувчилар эса 587,2 та бўлди. Ўқувчиларнинг катта қисми қишлоқ болалари ҳисобига тўғри келди. 2000-2001 ўқув йилида Қашқадарё вилоятидаги 585,4 минг ўқувчидан 463,0 минги қишлоқ ҳисобига тўғри келди⁴.

Биргина, Қашқадарё вилояти Қарши туман Дашт қишлоғи ҳудудида жойлашган 34-мактаб мисолида кўрадиган бўлсак, мактаб ўқувчи сонига нисбатан тумандаги энг катта ўқув маскани саналади. 2002 йилда мактабда 1500 дан ортиқ ўқувчи таҳсил олган. 50 дан ортиқ синф хонаси, 10 та фан кабинети мавжуд бўлиб, 150 яқин ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия берган.

Қашқадарё вилояти қишлоқларида таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, янги мактаб биноларини бунёд этиш ва уларни жиҳозлаш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар бажарилди. 1993 йил Қарши туман Кўчкак қишлоғида 320 ўринли мактаб, Чўли ота номли жамоа ширкат хўжалигида 420 ўринли, “Ўзбекистон мустақиллиги” давлат хўжалигининг Нуқрабод қишлоғида 624 ўринли, Бешкент қишлоғида 624 ўринли мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди². Мазкур қурилиш ишлари учун Қашқадарё вилояти капитал қурилиши бўлими томонидан 439, 2 млн сўм маблағ сарфланди. Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам янги мактаб бинолари қурилиши давом эттирилди. 1992 йили Касби туманининг Ўқотар қишлоғида 192 ўринли³ мактаб биноси қурилди. Ушбу бинони қуриш учун 27 млн 130 минг сўм сарфланди. Шунингдек, Касби туманининг Қатағон қишлоғи мактаб биноси учун 133 млн, Қорахўжа қишлоғи мактаб биноси учун 203 млн сўм сарфланди. Баъзи ҳолларда моддий танқислик туфайли мактаб биноси қурилишининг сусткашлик билан олиб борилганлиги ҳам кузатилди. Масалан, Касби тумани бўйича 13 та мактаб биноси қурилишидан 6 тасида қурилиш ишлари ўз вақтида тугалланмади⁴. Қурилиш раҳбарларининг масъулиятсизлиги, маблағ билан таъминловчи банк муассасаларининг ўз вазифаларига совуққонлиги туфайли кўплаб мактаб қурилишлари ўз вақтида якунланмади.

Таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашда давлат томонидан керакли эътибор қаратилган бўлса-да, 1992 йил “Таълим тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тадбирлар ўз вақтида амалга ошмади. Тизим фаолияти жадал суръатлар билан тараққий этаётган жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларидан анча орқада қолди. Чунки, узок йиллар ҳукм сурган совет мафқурасидан таълим-тарбия тизимини халос қилиш жуда қийинчилик билан олиб борилди. Таълим тизими босқичларини бир-бири билан боғлаш суст кечди. Ўзбекистонда таълим тизимининг ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги туфайли халқаро талаблардан орқада қолди. Таълим тизими ишлаб чиқариш билан етарли боғланмади. Масалан, 1996 йил 19 мартда Қашқадарё вилоятининг Косон тумани мактаблари фаолияти вилоят халқ таълими бошқармаси хайъат йиғилишида кўриб чиқилиб, қуйидаги хулосага келинди: “Айрим ўқитувчилар машғулотларни зерикарли, эскича услубда ўтказмоқдалар, ноанъанавий усулларга етарли эътибор берилмаяпти. Табиий фан ўқитувчиларининг 50 фоизи компьютер ва бошқа техника воситаларидан фойдаланишни билмайдилар. Дарслар маҳаллий шароитга боғлаб

¹Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. (Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи.) Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 25.

²Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

³Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим тизими. Статистика тўплами.фактлар ва рақамлар. 2000-2006.– Тошкент, № 5. 2007.–Б.47.

⁴Ўша жойда.–Б. 48-49.

⁵Ўз.РПДАҚВФ, 846-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 4-варак.

⁶Ўз.РПДАҚВФ, 848- жамғарма, 1- рўйхат, 23-иш, 3- варак.

⁷Ўз.РПДАҚВФ, 848- жамғарма, 1- рўйхат, 59-иш, 21- варак.

ўтилмаганлиги туфайли, ўтказилган индивидуал суҳбатда 86 ўқувчидан 28 нафари ўз қишлоғи, туманининг иқлими, табиати, географик ўрни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини етарли даражада тушуниб етмайдилар”¹. Республика мактабларининг моддий шароити ҳам яхши эмас эди. 1996 йил Ўзбекистонда қишлоқ мактабларининг 50 фоизи газлаштирилмаган, 30 фоизи водопровод суви билан, 50 фоизи спорт заллари билан таъминланмаганлиги аниқланди².

Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ 1996 йили республика қишлоқларидаги 675 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб бориш режалаштирилиб, жорий йилнинг 10 июлигача 282 та мактабда бу ишлар ниҳоясига етказилди. Аммо республиканинг Наманган, Қашқадарё, Андижон вилоятларида биронта ҳам қишлоқ мактаб бинолари ушбу лойиҳа асосида таъмирланмади³. Бу каби ҳолатларнинг барчаси “Таълим тўғрисида” янги қонунни ишлаб чиқиш заруриятини туғдирди.

1997 йил март ойида Президент И.А.Каримов ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра, таълим тизимига, кадрлар тайёрлаш жараёнига замон талабларига жавоб бера оладиган даражада туб ислохотларни олиб кириш, шу соҳа бўйича мукамал давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Мазкур комиссия томонидан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида тасдиқланди. Бу иккала ҳужжат келгусида Ўзбекистонда таълим тизими муваффақияти учун хизмат қилиб, таълимни XXI аср талабларига мос равишда ташкил этилишини таъминлаши кўзда тутилди. Қонун ҳужжатларига мувофиқ соҳадаги меъёрий ҳужжатлар янгидан ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида Президент И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номи маърузасида таълим тизимини тубдан ислох қилишга доир фикр-мулоҳазалар баён қилинди. “Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадида катта аҳамият бериб келинмоқда”⁴, – деб таъкидлайди юртбошимиз И.А.Каримов.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясидаги “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номи нутқи, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида вилоятлар халқ таълими бошқармаси томонидан тадбирлар белгиланиб, уларнинг бажарилиши юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Қўйилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилувчи ва мувофиқлаштириб боровчи ишчи гуруҳлар тузилди. Жойларда мазкур Қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Истиқбол” режаси тузиб чиқилди. Режаларда 2005 йилгача қилиниши лозим бўлган ишлар аниқ белгилаб олинди. Таълим тизимини ислох қилишда асосий эътибор аввало унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига қаратилди. Зеро, мактабларда етарли шароитларни яратиш орқалигина таълим сифатини ошириш ва чуқур билимли болаларни тарбиялаш мумкин.

Қишлоқ ўқувчиларини мактаб бинолари билан таъминлаш энг жиддий масалалардан бирига айланди. 2000, 2001, 2002 йилларда Қашқадарё вилоятининг тоғли ҳудудларида юз берган табиий офат - зилзила туфайли кўплаб мактаб бинолари яроқсиз ҳолга келди ва ўқув-тарбия жараёнларини тўлиқ олиб бориш мақсадида дарслар хўжалик маъмурий биноларга кўчирилди. Бу даврда вилоятда 122 та мактаб зилзиладан зарар кўрди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 июндаги 244- ва 2001 йил 15 майдаги 125-сонли қарорларига кўра уларнинг 62 таси ўз вақтида таъмирланб, 60 та мактаб учун замонавий бинолар қуриб берилди⁵.

Қашқадарё вилоятида мактаб қурилиши ишлари асосан давлат бюджети, корхона, хўжаликлар ҳамда ҳокимликларнинг маблағи ҳисобидан қурилди. Масалан, 1996 йил вилоятда давлат маблағи ҳисобидан 890,0 млн сўмлик, хўжалик ва корхоналар ҳисобидан 1275,0 млн сўмлик мактаб биноси қурилишлари амалга оширилди⁶.

Ўзбекистон қишлоқларида 2003-2004 ўқув йилида 7695 та мактабдан 34,5 фоизи бир сменада, 65,2 фоизи икки сменада, 0,3 фоизи уч сменада фаолият олиб борди. Қашқадарё

¹Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 1996 йилги маълумотнома папкаси.

²Қишлоқ ҳаёти, 1996, 17 июль.

³Ўша жойда.

⁴Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 97.

⁵Маърифат, 2002, 24 июль.

⁶Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви маълумотнома папкаси.

вилоятида 955 та кишлоқ мактабларидан 28,2 фоизида бир сменада, 70,9 фоизи икки сменада, 1,0 фоизи уч сменада ўқув машғулоти ташкил этилди. Сурхондарё вилоятида бу рақамлар 17,5, 81,2, 1,3 фоизини ташкил этди¹. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги мавжуд 49 та мактабдан 31 тасида ўқиш икки сменада олиб борилди². Сурхондарё вилоятида умумтаълим мактабларининг 627 тасида ўқувчиларнинг 29,9 фоизи икки сменада, 10 тасида 740 нафар ўқувчи уч сменада ўқиди³. Давлат томонидан республика мактабларида ўқишни бир сменага кўчириш юзасидан қатъий режа асосида тадбирлар олиб борилди.

Шунингдек, кишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовутни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш, ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбат-лантириш ҳам ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Умумтаълим мактаб биноларини қиш мавсумига тайёрлаш борасида ҳам баъзи қийинчиликларга дуч келинди. Хусусан, 2003-2004 йилларда Сурхондарё вилояти халқ таълими муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёр-лаш ишидаги камчиликлар вилоят фаоллар йиғилишида бир неча бор муҳокама қилинди.

Умумтаълим мактабларини таъмирлаш, улар учун ажратилган маблағ-ларни ўзлаштириш масалаларида ҳам камчиликлар бўлди. Масалан, Узун туманида 61 та мактабдан 4 таси (6%), 24 та мактабгача таълим муассасаларидан 1 таси (4%)ни таъмирлашга 28,5 млн сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 22,4 млн сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди⁴. Вилоятнинг Шўрчи туманида эса 57 та мактабдан 5 таси (8%) ни мукамал таъмирлаш учун режалаштирилган 26,5 млн сўм маблағдан, 21,2 млн сўми молиялаштирилди. Масалан, 2004 йил Қашқадарё вилояти мактабларининг 37 фоизи лабораторияга, фақат 28 фоизи компьютер техникасига эга эди⁵. Аммо кишлоқ мактабларини замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер технологияси, дарсликлар билан таъминлашда муаммолар мавжуд бўлди.

Умумтаълим мактаблари қурилишига хўжаликлар ва корхоналар кўпроқ маблағ ажратдилар. Масалан, улар ҳисобидан 1996 йил 1275,0 млн сўм ажратилган бўлса, 1997 йил 1575,0 млн сўм сарфланди. Аксинча, ҳокимликларнинг бу соҳага ажратган маблағи кейинги йилда камайди, яъни 1996 йил улар томонидан мактаблар қурилишига 40, 0 млн сўм, 1997 йил 35,0 млн сўм ажратилди.

Давлат томонидан Сурхондарё вилоятига 1999-2000 ўқув йили якунида умумтаълим мактабларини таъмирлаш ишларига 41300 минг сўм маблағ ажратилишига қарамасдан вилоят ҳокимлиги қўшимча 40 млн сўм маблағ ажратди. Бу соҳага ҳомийлар ёрдами ҳам уюштирилди. Масалан, Денов туманида фермер Аҳмад Нарзуллаев ўз ҳисобидан 9,5 млн сўмга икки қаватли мактаб биносини қуриб берди. Қумқўрғон туманидаги И.Нормуродовлар оиласи 620 ўринли 24-мактаб биносини таъмирлашга 700 минг сўм миқдорида ёрдам берди. Қумқўрғон тумани халқ таълими ходимлари ҳомийлигида 2000 йил 13-мактабга 6 та синфхона, 38-мактабга қўшимча 8 та синфхона қуриб берилди⁶. Шунингдек, ўқув йилида ўрта таълим мактабларига тоза ичимлик суви ўтказиш, газлаштириш, телефон ва радио ўрнатиш бўйича ҳам ишлар олиб борилди.

Умумтаълим ўрта мактабларини таъмирлаш ва янги биноларни бунёд этишда республика маблағи билан бирга, халқаро банклар маблағларидан ҳам фойдаланилди. 2004 йил Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 30 та мактаб биносини таъмирлаш учун Осиё тараққиёт банки лойиҳаси бўйича 30 млн сўм ажратилди⁷. Ўзбекистонда умумтаълим ўрта мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига республика маблағлари билан бирга хориж лойиҳасига мувофиқ ҳам маблағлар ажратилди.

Қашқадарё вилоятида 2005 йил қурилиш режасида 86 та мактаб биносини қуриш ва таъмирлаш учун 11678,6 млн сўм маблағ ажратиш белгиланди. Амалда 22 та мактаб биноси қурилиши бошланиб, шундан 19 таси тўлиқ қурилиб, 3 тасининг ўқув блоки ишга туширилди. Қурилиш маблағлари асосан “Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси”, ҳомийлар ва маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилди. 2004-2009 йилларда “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури” талаблари асосида Муборак туманида 1 та, Ғузор туманида 1 та, Китоб туманида 1 та ҳамда Чироқчи туманида 2 та мактаб янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди.

¹ Образование Узбекистана. –Ташкент, 2008. Ст.сб. – С.71.

² Ўз.РПДАҚВФ, 848-жамғарма, 3-рўйхат, 16-иш, 69-варак.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўз.РПДАСВФ, 143- жамғарма, 14- рўйхат, 41-иш, 2-30-варак.

⁵ Qashqadaryo, 2004, 29 май.

⁶ Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 525.

⁷ Ўз.РПДАСВФ, 143- жамғарма, 15- рўйхат, 28-иш, 13-варак.

Мустақиллик йилларида мактабгача таълимга узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи сифатида қаралиб, боғчаларда болаларни мактабга жисмоний, маънавий ва руҳий тайёрлаб бериш вазифаси юклатилди. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида болалар мунтазам таълимга тайёрланди.

Янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида шаклланаётган мактабгача таълим тизими бир қатор хусусиятларга эга. Бу таълим босқичи давлат, нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилиб, кейинги йилларда уларнинг янги шакллари вужудга келтирилди. “Хонадон боғчаси”, “Фермер хўжалиги боғчаси” каби мактабгача таълим шакллари шулар жумласидандир.

Мактабгача таълим тизимида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар тўпланиб борди. 1994 йил республикада мактабгача тарбия муассасаларига тортилиши лозим бўлган болаларнинг фақат 30,7 фоизи ясли, боғчаларга қатнади¹. Мазкур таълим тизими ишларини яхшилаш, тажрибаларни тарғиб этиш мақсадида 1995 йили мактабгача тарбия муассасалари ва оилалар учун 17 номдаги ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқилиб, нашр этилди ва тарқатилди².

Сурхондарё вилояти туманлари орасида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларга болаларни жалб этиш иши Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон, Олтинсой туманларида талаб даражасида бўлмади. Масалан, Бойсун туманида 1991 йил мактабгача тарбия муассасалари сони 23 та ва ундаги болалар сони 2011 та бўлса, 1994 йилга келиб муассасалар сони 13 та, болалар сони эса 1372 тага тушиб кетди. Боғчаларга болаларни жалб этиш 13 фоиздан 8,8 фоизга камайди. 1994 йили Бандихон туманида фақат 4 та боғча фаолият олиб борди. Вилоятнинг Ангор, Узун, Шўрчи, Шеробод, Жарқўрғон каби туманларида бу борадаги ишлар ижобий ҳал этилди³. Демак, Сурхондарё вилояти туманларида болаларни боғчаларга жалб этиш иши бир хилда кечмади.

1994 йилда Қашқадарё вилояти Қарши туманида 48 та мактабгача тарбия муассасаларида 5100 га яқин бола тарбияланди. Туманда мазкур тарбия масканларининг 3 таси кейинги уч йилда очилиб, улар 560 болага мўлжалланди⁴. 1997 йилда Қашқадарё вилоятининг Муборак, Шахрисабз, Нишон ва Усмон Юсупов туманларида болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш кўрсаткичи юқори бўлган бўлса, Кўкдала, Дехқонobod, Чирокчи туманларида боғчага қатновчи болалар 1-2 фоиздан ошмади⁵. Мазкур туманларда мактабгача ёшдаги болаларни тарбия муассасаларига жалб этиш юзасидан мутасадди раҳбарлар керакли чора-тадбирларни олиб бормаганликлари туфайли шундай ҳолат келиб чиқди.

1999 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача таълим муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 313-сонли Қарори асосида республика болалар боғчаларининг хусусийлаштирилган шаклини барпо этишга кенг йўл очилди⁶. “Мактабгача таълим уч ёшдан бошланиб, олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулкчилик қўринишдан қатъи назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади”⁷, - дея таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари туманларида мактабгача таълимнинг ислоҳ қилинишини янада чуқурлаштириш, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш мақсадида узлуксиз равишда семинарлар ўтказилди. Услубий бирлашмалар ноанъанавий шаклда олиб борилди. “Маърифат ва маънавият”, “Экологик таълим бериш усуллари”, “Соғлом авлод учун” йўналишларида иш олиб борилди.

Мактабгача тарбия муассасаларида тайёрлов гуруҳлари ташкил этилиб, улар билан доимий машғулотлар олиб борилди ва тест, савол-жавоблар ўтказилди. Масалан, Шахрисабз ва Чирокчи туманларида 2002 йили 57 нафар педагог 286 нафар болани мактабга тайёрлади⁸. Шунингдек, мактабгача таълим тизимида “Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйилган Давлат талаблари”, “Учинчи минг йилликнинг боласи” дастурларини амалиётга татбиқ этиш, мазкур дастурлар тарбиячилар томонидан қай даражада бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида назоратлар олиб борилди. Аммо, мактабгача тарбия муассасаларини кадрлар билан таъминлашда

¹ Йўлдошев Ж.Ғ. Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёти йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 14.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. 3-жилд. – Б.421.

³ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁴ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 6-7-варақ.

⁵ Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁶ Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. –Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б. 15.

⁷ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. (Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи.) Баркамол авлод орзуси. –Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 25.

⁸ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

хам баъзи муаммолар мавжуд эди. Масалан, 2001 йилда Нишон туманидаги 23 та болалар боғчасининг фақат биттасида олий маълумотли мутахассис, ўн биттасида номутахассис олий маълумотли, ўнтасида ўрта махсус маълумотли ходимлар раҳбар сифатида иш олиб борди.

Шунингдек, туман мактабгача тарбия муассасаларида болаларни овқатлантириш иши яхши йўлга қўйилмаганлиги, биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори-дармонлар мавжуд эмаслиги, тарбиячилар ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтмаганлиги, хоналардаги мавжуд кўргазмалар умуман талабга жавоб бермаслиги ҳолатлари аниқланди.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2001 йил августда Х-252/8-сонли “Нишон туман халқ таълими бўлимининг фаолиятидаги камчиликлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорда туманда юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиланди.

Республика халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 25 декабрдаги 12/2-сонли “Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари асосида болаларни мактабга тайёрлаш, сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан Навоий шаҳар халқ таълими бўлимининг фаолияти тўғрисида”ги хайъат мажлиси қарори бўйича Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари туманларида ҳам тадбирлар белгиланди. Масалан, 2002 йил давомида Қашқадарё вилояти Нишон тумани мактабгача таълим муассасалари 28 та бўлиб, шундан 21 таси қишлоқ жойларида жойлашган. Уларнинг барчаси замонавий биноларда фаолият олиб борди. Шаҳрисабз туманида эса 76 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда 6030 нафар бола тарбияланиб, улар тумандаги болаларнинг 13,8 фоизини ташкил этди¹. Аммо, таълим тизимининг бу босқичи бўйича Чирокчи туманида аҳвол талаб даражасида бўлмади. Бу туманда 18 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда 817 нафар бола қамраб олинган. Бу умумий боғча ёшидаги болаларнинг 2 фоизини ташкил этди. Шунингдек, тарбиячиларнинг малакасини оширишда ҳам камчиликларга йўл қўйилди. Туман бўйича мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларининг фақат 3 нафари, республика мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш курсида ўқишди. Холбуки, Шаҳрисабзда 30 нафар тарбиячи мазкур курсда ўз малакасини оширди². Таълим муассасалари ходимларини малакасини ошириш иши долзарблигини йўқотмади.

2003 йили Ўзбекистон қишлоқларида жами 4034 та мактабгача тарбия муассасасида 258,3 минг тарбияланувчилар бўлиб, ҳар 100 та ўринга 66 бола тўғри келди³.

Мактабгача тарбия муассасаларини ташкил этиш иши Сурхондарё вилоятининг Бандихон (3 боғча), Бойсун (9 боғча), Қумқўрғон (16 боғча), Музработ (18 боғча) туманларида талаб даражасида бўлмади.

Денов туманида болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш иши яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ердаги 57 боғчада 3195 нафар бола тарбияланди. Жарқўрғон, Узун, Шеробод ва Шўрчи туманларида ҳам бу борада олиб борилган ишлар талаб даражасида бўлди⁴ (7-иловага қаранг).

Қашқадарё вилоятида 2005 йил 387 мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда тарбияланувчилар 30,5 минг болани ташкил этди. Касалманд болаларни соғломлаштириш учун Шаҳрисабз туманидаги “Қуёш”, Яккабоғ туманидаги “Оймомо” махсус мактабгача таълим муассасаларида болалар махсус дастурлар асосида тарбияланди⁵. 2007 йилга келиб, вилоятда бу турдаги муассасалар 393 тага етказилиб, шундан 214 таси қишлоқларда фаолият кўрсатди. Тарбияланувчилар сони 12,1 мингтани ташкил қилди⁶. Шу йили Сурхондарё вилоятидаги 389 та мактабгача тарбия муассасасининг 279 таси қишлоқларда бўлиб, улардаги болалар сони 15,4 мингтага етди⁷. Аммо, бу боғча ёшидаги болаларни тарбия муассасаларига жалб этиш иши қониқарли даражада деб баҳолаш учун етарли эмас эди.

Сурхондарё вилоятида Қашқадарё вилоятига нисбатан мактабгача тарбия муассасалари сони кўпроқ бўлса-да, ҳар 100 ўринга болалар сонининг тўғри келиши бўйича орқада эди. Масалан, 2007 йил Сурхондарё вилояти қишлоқларида мактабгача тарбия муассасаларида ўринлар сони 24,8 минг, Қашқадарё вилоятида эса 16,2 минг ўрин бўлиб, ҳар 100 ўринга Сурхондарё вилоятида 62 бола, Қашқадарё вилоятида эса 75 бола тўғри келди⁸. Сурхондарё вилоятида болаларни тарбия

¹ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

² Ўша жойда.

³ Образование Узбекистана. – Ташкент, 2008. Ст. сб. – С.20.

⁴ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Qashqadaryo, 2006, 18 апрель.

⁶ Образование Узбекистана. – Ташкент, 2008. Ст. сб. – Б. 21-23.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Образование Узбекистана. – Ташкент, 2008. Ст.сб. – С. 25.

муассасаларига жалб этиш юзасидан керакли чора-тадбирлар олиб борилмаганлиги боис шу ҳолатлар келиб чиқди.

Қишлоқ болаларини мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш бўйича Қашқадарё вилояти кўрсаткичи, республикага нисбатан паст бўлиб, мамлакатда энг охириги ўринда турди. Ўзбекистон қишлоқларида 2007 йил 231,6 минг бола мактабгача тарбия муассасасига қатнади. Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 12,1 минг, Сурхондарё вилоятида 15,4 минг эди. Аммо, бу борадаги ишлар Сурхондарё вилоятида ҳам қониқарли эмас эди. Қишлоқларда мактабгача тарбия муассасаларига болаларни қамраб олиш республикада 11,0 фоиз, Қашқадарё вилоятида 4,8 фоиз, Сурхондарё вилоятида эса 7,4 фоиз эди¹. Демак, Ўзбекистон жанубий вилоятларида мактабгача тарбия муассасалари ишини ташкил этиш ишидаги муаммолар, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқ болаларининг боғчаларга жалб этилиши республикага нисбатан анча орқада бўлишига сабаб бўлди.

Мактабгача таълим тизими Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани қишлоқларида суст ривожланди. 2008 йилда бу туманда бор-йўғи 7 та боғча фаолият олиб бориб, уларда 520 та тарбияланувчи бор эди. Бу каби таълим муассасалари вилоятнинг Ғузор, Шаҳрисабз туманларида яхши ривожланди. Масалан, Шаҳрисабз туманида 71 та мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб борди².

Мактабгача таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаларидан бири болаларни мактабга тайёрлаш бўлиб, боғчаларда бу борада анъанавий усуллар билан бирга ноанъанавий усуллар ҳам қўлланилди. Болалар репетиторларга берилиб, қисқа муддатли гуруҳларда, маҳалла қошидаги тайёрлов гуруҳида, саводхонлик марказларида тайёрланди.

Президент И.А.Каримов таълим тизимини ислоҳ қилишда бошланғич синфларни ўқитиш ишини яхшилаш энг муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлайди: “Эски таълим тизимининг энг ёмон қусури бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараётганимиздир. Очик айтишимиз керак: билими саёз муаллимлар ҳам биринчи синфда дарс бераверади... Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бирик-тириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади”³.

Давр талабидан келиб чиқиб, бошланғич таълимга қўйилаётган талабларни чуқур англаган ҳолда Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларида бу соҳа фаолиятини жонлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қатъий ишлар олиб борилди. 1991-1992 ўқув йилида Сурхондарё вилояти қишлоқларининг жами ўқувчилари сони 286,8 минг бўлса, шунинг 124,1 мингини бошланғич синфлар ташкил этди. Кейинги йилларда улар сони янада ортди. Масалан, 1999-2000 йилда вилоят қишлоқлари мактабларида бошланғич синфларда таълим олаётган ўқувчилар сони 207,6 мингга ташкил этди. Жами қишлоқ ўқувчилари сони 391,8 минг эди⁴. Ўзбекистонда бу даврда фаолият олиб бораётган 9748 та мактабдан 171 таси бошланғич мактаблари бўлиб, 1-4 синфда таълим олаётганлар сони 2 млн 278660 эди⁵. Бу рақамлар таҳлили шундан далolat берадики, бошланғич синф ўқувчилари сони йиллар давомида ортиб борди. Бу эса соҳа фаолиятига ниҳоятда жиддий эътибор талаб қилди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов нутқлари, маърузалари ҳамда асарларида бу масала кун тартибига қўйилди.

1998-1999 йил Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги қишлоқ мактабларида 865 нафар бошланғич синф ўқитувчиси фаолият кўрсатиб, уларнинг 258 нафари олий, 7 нафари тўлиқсиз олий, 578 нафари ўрта махсус, 16 нафари ўрта, 19 нафари номуахассис кадрлар эди⁶. Мустақиллик йилларида бошланғич синф ўқитувчиларининг маълумотига жиддий эътибор қаратилди.

Бошланғич синфда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг билимини фанлар бўйича аниқлаш учун тест назоратлари ҳамда “Кичик олимпиадалар” ўтказилди. Масалан, Китоб туманидаги қишлоқ мактабларда бошланғич синф ўқувчиларнинг билими таҳлил этилганда, ўзлаштириш 82 фоиз, сифат ўзлаштириши эса 38 фоизни ташкил этди⁷. Агар бошланғич синфларга олий маълумотли муахассислар таълим берганида ўзлаштириш кўрсаткичи бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди.

¹ Образование Узбекистана. – Ташкент, 2008. Ст.сб. – С.28.

² Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси. “Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари”. – Қарши, 2008.

³ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.14.

⁴ Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилдлик. –Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. 12-жилд. – Б. 374.

⁶ Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁷ Ўша жойда.

Сурхондарё вилоятида ҳам бошланғич синфларда ўқитиш ишларини яхшилаш энг муҳим масалалар қаторидан жой олди. Масалан, вилоятда 1994-1995 ўқув йилида бошланғич синфларга дарс бераётган олий маълумотли ўқитувчилар сони 3344 нафарни ташкил этган бўлса, 1999-2000 ўқув йилида улар сони 4240 нафарни ташкил этди.

Сурхондарё вилоятида бошланғич мактаблар бу йилларда 6 тадан 9 тага етказилди. Вилоятда бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчилар сони 0,6 мингдан, 1,7 минг ўқувчига кўпайди¹. Ўқувчилар сонининг ортиши вилоятларда бошланғич мактаблар сонини кўпайтиришни тақозо қилди.

Умумтаълим мактабларининг 1-синфларига ўқишга келаётган ўқувчиларга ўқув қуроллари ва дарсликлар бепул тарқатилиши йўлга қўйилди. Масалан, 1999-2000 ўқув йилида Ўзбекистон бўйича 1-синфга қабул қилинган 671299 ўқувчи ҳам шундай имтиёздан фойдаланди. Уларга 1260 млн сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар бепул берилди². Давлат томонидан 1 синф ўқувчиларига ҳар қачонгидан ҳам кучли эътибор берилди.

1997 йилдан бошлаб кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларига бепул иссиқ кийим-бош тарқатиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон бўйича шу йили кам таъминланган оилаларнинг 398051 нафар фарзандига 1559 млн сўмлик кийим-бош тарқатилди³. Кам таъминланган оилаларнинг болаларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим масалалардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли “Ўзлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги, 1998 йил 13 майдаги 203-сонли “Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги ва 1999 йил 16 августдаги 390-сонли “Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорларининг қабул қилиниши соҳа ишини яхшилаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Стандарт – таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даража-сидир. Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари учун 24 та ўқув фанидан давлат таълим стандартлари (ДТС), ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши натижасида миллий кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни янги мазмун билан бойитиш имкони яратилади.

Давлат таълим стандартлари мукамал режа асосида ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич ўқув жараёнига татбиқ этиб борилди. Агар ўқувчи стандартларда белгиланган натижаларга эриша олмаса, ўқитувчи олдига қўйилган вазифани бажара олмаганлигини кўрсатади.

1999 йил 4 декабрда Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг “Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва янги ўқув дастурларини жойларга етказиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 428-сонли ҳамда 2002 йил 25 ноябрда “Вилоят халқ таълим бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида ўқувчилар билимининг давлат таълим стандартларига мослик даражасини аниқлаш тўғрисида”ги 511-М сонли буйруғи эълон қилинди⁴. Вилоят ДТС мониторинги бўлими ходимлари туман мактабларида бу соҳадаги вазифаларнинг қай даражада йўлга қўйилганлигини назоратдан ўтказганларида турли ҳолатларга дуч келди. Текширишлар шуни кўрсатдики, таълим муассасаларига “Таълим тараққиёти” ахборотномасининг 7 та махсус сонлари вилоят “Таълим таъминот” корхонаси томонидан керакли миқдорда етказиб берилди. Туман мактабларида ДТС таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича мактаб педагогик кенгашларида бир қанча масалалар ўрганиб чиқилган, тегишли қарорлар қабул қилинган, буйруқлар ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 3 майдаги йиғилишида 2001-2002 ўқув йили якуни бўйича Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли таълим муассасаларида ДТС ларини жорий этишнинг аҳволи масаласи муҳокама этилди. Учала вилоятдан мониторинг жараёнига жами 9117 нафар ўқувчи қамраб олинди. Мониторинг натижаларига кўра, ўзлаштириш самарадорлиги Тошкентда 75,8 фоиз бўлса, Сурхондарё вилоятида 75,3 фоизни ташкил этди⁵. Демак, Сурхондарё вилояти кўрсаткичи бошқа вилоятлар билан таққосланганда юқори даражада эканлиги намоён бўлди.

¹ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

² Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. –Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б. 19.

³ Оила ва жамият, 1999, 5-10 август.

⁴ Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

2002-2003 ўқув йилида Шаҳрисабз туманидаги 1-сонли интернатда ДТС лари жорий этилишининг қай даражада эканлигини аниқлаш учун текшириш ўтказилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди: мактаб ўқувчиларининг 443 нафаридан назорат иши олинганда, фанлар бўйича сифат кўрсаткичи 73,4 фоиз, ўзлаштириш эса 93,7 натижа берди. Ўқувчиларнинг дарслик билан таъминланиши 89,2 фоизни ташкил этди¹.

Бундай ҳолатнинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди. Хусусан, дарс таҳлилларида аксарият мактаб раҳбарининг эътибори, асосан, ўқитувчининг умумий педагогик маҳоратини ўрганишга қаратилди. Ўқитувчилар томонидан ДТС ни ўқув жараёнига татбиқ этиш юзасидан қўлланилаётган педагогик усулларнинг самарадорлиги, барча синф ўқувчиларининг билимини ДТС талаблари даражасига келтиришга қаратилган фаолиятлари мақсадга йўналтирилган ҳолда таҳлил этилмаган. Шунингдек, Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан қабул қилинган аксарият қарорларда ўқувчилар билимининг ДТС талабларига мос эмаслик ҳолатига танқидий нуқтаи назардан баҳо берилмади².

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимидаги ислохотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мактаб кутубхоналари фаолиятини яхшилаш борасида муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Таълим муассасаларини керакли дарслик ва адабиётлар билан етарли таъминламай туриб ислохотларни амалга ошириб бўлмайди. Республика таълим масканларининг дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминланиш масаласи соҳа ишини яхшилашнинг энг асосий шартларидан бирига айланди.

Таълим тизимидаги ислохотлар мамлакатимизнинг барча вилоятларида изчил амалга оширилди. Хусусан, халқ таълими тизимидаги муаммолардан бири ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашдир. 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида” ҳамда “Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиёт-ларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти туманларида муайян ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги ўзбек мактабларида 178 номдаги таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда 199 номдаги, тожик тилида ўқитиладиган мактабларда эса 138 номдаги дарсликларга буюртмалар берилди. Шунингдек, таълим муассасаларига бадий, методик қўлланмаларни олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кутубхоналар жамғармасидаги, ота-оналар томонидан сотиб олинган, фойдаланиш натижасида муқовалари эскирган, варақлари яроқсиз ҳолга келган дарслик, бадий ва ўқув қўлланмаларини таъмирлаш учун мактабларда “Муқовачилар” гуруҳ-лари ташкил этилди³. Бу тадбирлар дарсликлар сифатига бир қадар ижобий таъсир кўрсатди.

1998 йилдан бошлаб, мактаб дарсликларини асраб-авайлаш, уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида ўқув дарсликларнинг пуллик шакли жорий этилди. Эҳтиёжманд оилаларга ўқув дарсликларни сотиб олишда ҳомийлар яқиндан ёрдам бердилар. Масалан, 1998 йили ночор оилаларнинг 68 минг фарзандига ҳомий ташкилотлар томонидан дарсликлар совға қилинди. Жумладан, Касби туманида 2 млн 100 минг сўмлик, Ғузор туманида 321 минг сўмлик, Китоб туманида 495 минг сўмлик дарсликлар болаларга тарқатилди⁴.

Қашқадарё вилоятида 2000-2001 ўқув йиллари учун вилоят халқ таълими бошқармаси буюртмаси билан “Ўқитувчи”, “Ўзбекистон”, “Шарқ” нашриёт-ларида чоп этилган 126 номда 904870 нусхадаги 394656110 сўмлик дарслик-лар вилоятдаги савдо шаҳобчалари орқали ўқувчиларга сотилди.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб республикамізда ўқувчиларни дарслик-лар билан таъминлашнинг ижара тизими йўлга қўйилди. Қашқадарё вилоят-тидаги 11 туманнинг 823 мактабида дарсликлар ижара тартибида тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармасида чора-тадбирлар белгиланиб, мактабларда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилар аниқланди ва уларга дарсликлар

¹ Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

² Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

³ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁴ Қишлоқ ҳаёти, 1998, 18 август.

тарқатилди¹. Шаҳар ва туманларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида “Мактаб бозорлари” ва дарслик, бадиий адабиётлар билан савдо қилувчи расталар ташкил этилди.

Соҳадаги ишлар талаб даражасидагидек кўринади, аммо, чуқурроқ ўрганилса, ундаги муаммолар кўзга ташланади. Хусусан, энг асосий муаммолардан бири бу мактаб кутубхоналарини олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш масаласидир. Муборак тумани мактаб кутубхоначиларининг 14 фоизи олий маълумотли, аммо, улар кутубхоначилик ихтисослигига эга бўлмай, асосан, бошқа соҳа мутахассислари эди. Жумладан, Баҳористон мактаб кутубхоналарида ҳам бирорта олий маълумотли мутахассис бўлмай, кутубхоначиларнинг барчаси ўрта маълумотлидир. Шунингдек, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда ҳам камчиликлар мавжуд бўлди. Муборак туманида мактабларни дарсликлар билан таъминлаш 77,7 фоиз, Баҳористон туманида 75,6 фоиз, Қарши туманида 74,7 фоизни ташкил этди². Жанубий вилоятларнинг чекка туманларида кишлоқ мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш ишидаги камчиликлар ўқув жараёни ишига таъсир кўрсатди.

Хуллас, таълим тизимидаги ислохотлар жараёнларини ҳамда унинг муваффақиятини таъминловчи асосий омилларни ўрганиш объектив заруриятдир. Таълим муассасалари кутубхона жамғармаларини тўлдириш, барча ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш орқали ёшлар маънавиятини юксалтириш, билим савиясини жаҳон талаблари даражасига чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан мактабларда кутубхоналар ишини фаоллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, бу борада аниқ тавсия ва таклифлар бериш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш давр тақозосидир.

2000-2001 ўқув йилида Қашқадарё вилоятининг 1-синф ўқувчиларига, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига 87 млн. сўмлик дарсликлар бепул тарқатилди. 271 млн. сўмлик дарсликлар ва адабиётлар савдо ташкилотлари орқали аҳолига сотилди.

2002-2003 ўқув йили олдидан мактабларда дарслик ва ўқув қўлланмаларини сотиш юзасидан Қашқадарё вилоятида муайян ишлар олиб борилди. Вилоятдаги 14 туманнинг аҳоли зич яшайдиган жойларида ўқувчилар учун зарур барча ўқув қуроллари билан савдо қилувчи 29 та “Мактаб бозорлари” ҳамда 139 та савдо расталарида дарсликлар ва болалар бадиий адабиётларини сотиш йўлга қўйилди. Масалан, Муборак туманининг 6-мактабида 5266 минг сўмлик, Баҳористон туманининг 3 та мактабида 177 минг сўмлик, Қарши туман мактаб ўқувчиларига 240 минг сўмлик дарсликлар сотилди. Аммо, бу борада камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Муборак ва Қарши туманларининг баъзи мактаблари кутубхоналарида мавжуд дарсликлар, бадиий, илмий-оммабоп китобларни ҳисобга олиш ишлари олиб борилмади. 2002-2003 ўқув йилида Яккабоғ туманидаги ихтисослашган тиллар мактаб-интернати ўқувчиларининг дарслик билан таъминланиши 93 фоизни ташкил этди. Мазкур таълим муассасаси кутубхонасида 685110 сўмлик 2332 та бадиий, 121452 сўмлик 1280 та ўқув адабиётлари мавжуд эди³.

2001-2002 ўқув йилида Сурхондарё вилояти мактабларини дарслик билан таъминланиши 71,9 фоизни ташкил этди. Баъзи фанлар бўйича дарсликлар етишмади. Вилоят мактаблари 8-синфлари “Иқтисодий билим асослари” фанидан дарслик билан таъминланиши 45,7 фоизни ташкил этди⁴. Демак, турли фанлар бўйича ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш иши бир хил кечмади. Масалан, 2006 йил республика бўйича ўқувчиларни дарслик билан таъминланиш режаси 86,4 фоиз бўлса, Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 94,1 фоизни, Сурхондарё вилоятида эса 90,0 фоизни ташкил этди. Аммо, баъзи туман кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан анча орқада эди. Хусусан, бу кўрсаткич Ангор туманида 88,0 фоиз, Қумқўрғон туманида эса 85,0 фоиз бўлди⁵.

Кейинги йилларда кишлоқ мактабларида кутубхоналар иши яхшиланиб борди. Масалан, 2007 йил Нишон тумани Нуристон шаҳарчасидаги 35-умумий ўрта таълим мактаб кутубхонаси фаолияти ўрганилганда, иш тажрибаларида ўрганса арзигулик жиҳатлар борлиги аниқланди. Ушбу кутубхонада 1-9-синф ўқувчилари учун 12 мингдан зиёд дарсликлар ва 770 та бадиий адабиёт, 395 та ўқув қўлланмалар мавжудлиги аниқланди. Кутубхонада Президент асалари бурчаги ташкил этилиб, турли тарихий саналарга, дунё ва Ўзбекистоннинг муҳим воқеалари муносабати билан тадбирларни ўтказиш анъанага айланди⁶⁴.

¹ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

² Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

³ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁴ Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси

⁶ Кишлоқ ҳаёти, 2007, 21 декабрь.

2004 йил маълумотида кўра, Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлимига қарашли 110 та умумтаълим мактабларидан 38 таси, яъни 34 фоизи турли русумдаги компьютерлар билан таъминланди. 2005-2006 ўқув йилида Китоб туманидаги мавжуд 89 та умумтаълим мактабларининг 20 таси компьютер техникаси билан таъминланиши 26 фоизни ташкил этиб, вилоятда 11-ўринда турди. Демак, Қашқадарё вилояти туманлари мактабларининг янги замонавий техникалар билан таъминланишида қатор муаммолар мавжуд бўлди. Бу аввало моддий таъминот билан боғлиқ эди.

Умумтаълим мактаблари фаолиятида қатор муаммолар билан бирга ютуқлар ҳам қўлга киритиб борилди. Бу муваффақиятлар ўқувчиларнинг турли кўрик-танловлар ҳамда олимпиадаларда иштирок этганлигини яққол намоён этди. Масалан, 1998 йилда Швейцарияда ўтказилган “Олимпиада ўйинлари болалар нигоҳида” Халқаро кўригида Яккабоғ туманидаги 51-сонли мактаб ўқувчиси С.Аҳмедов ва Қамаш туманидаги боғча тарбияланувчилари Т. Суюнова ва Н.Номозовалар фаол иштирок этдилар.

Вилоят халқ таълими ходимлари республика “Истеъдод” маркази билан ҳамкорликда қобилиятли болалар билан алоҳида иш олиб бориши натижасида 6 ўқувчи “Улуғбек” номидаги стипендия, 22 нафар ўқувчи эса Қашқадарё вилоят “Қамолот” жамғармаси стипендиясига лойик деб топилди.

Қашқадарё вилояти туманларида ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада вилоятнинг Китоб туманида ана шу ишлар яхши йўлга қўйилди. Мазкур тумандан 2 нафар ўқувчи республика фан олимпиадасида ғолиб бўлиб, тест синовларисиз олий ўқув юрти талабаси бўлди. Маълумотлар таҳлил этилганда, ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш Ғузор, Яккабоғ, Косон, Қамаш, Деҳқонобод туманларида талаб даражасида эканлиги Баҳористон ва Муборак туманларида бу соҳадаги ишларга эътиборсизлик билан қаралганлиги маълум бўлди. Ушбу туман халқ таълими бўлими мудирлари ўқувчиларни фан олимпиадасига тайёрлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни олиб бормаганлиги туфайли уларнинг кўрсаткичлари жуда паст бўлди.

1997-1999 йилларда IV тур фан олимпиадасида Қашқадарё вилояти бешинчи ўринни олган бўлса, шундан 3 таси Китоб тумани лицей ўқувчилари, қолган икки ўқувчи эса Нишон ва Яккабоғ тумани ўрта таълим мактаб ўқувчилари эди.

1999 йил Китоб туман лицей ўқувчиси Абдусамиев Фаррух республика олимпиадасининг IV турида иштирок этиб биринчи ўринни, Яккабоғ туман лицей ўқувчиси Жўраев Улуғбек учинчи ўринни эгаллади. Қашқадарё вилоятининг Китоб, Яккабоғ туманларида лицей ўқувчиларининг тайёргарлик даражаси юқори бўлиб, улар турли олимпиада ва беллашувларда фахрли ўринларни эгаллади.

Китоб тумани халқ таълими бўлимига қарашли ўқув муассасаларида ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш масаласи ўрганилганда, бу соҳада ишлар ижобий ташкил этилганлиги маълум бўлди. Масалан, туман таълим муассасаларида олимпиада тест саволлари мавжуд бўлиб, ғолиб ўқувчиларни тайёрлаган ўқитувчи моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Китоб туманида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш учун 19 та ҳудудий марказлар ташкил этилди.

1999 йил Қашқадарё вилоятида ўқувчилар фан олимпиадасининг учинчи босқичи якунларига кўра, 40 нафар ўқувчи биринчи, 22 нафари иккинчи, 15 нафари учинчи ўринни эгаллади. Вилоятда фан олимпиадалари бўйича Ғузор тумани ўқувчилари биринчи, Китоб тумани иккинчи, Қарши шаҳри учинчи ўринни эгаллади. Мазкур туман ва шаҳар ўқувчилари ўзаро беллашувларда имтиёзли ўринларни қўлга киритди.

2006-2007 ўқув йилида ўтказилган республика фан олимпиадасининг вилоят босқичида Шаҳрисабз туманидан 4 ўқувчи биринчи ўринни эгаллади. Туманнинг ихтисослаштирилган мактаби 9-синф ўқувчиси М.Пардаева, 100-мактабнинг 9-синф ўқувчиси А.Сафарова, 90-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ш.Искандарова, 10-синф ўқувчиси С.Каримова вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади¹.

Сурхондарё вилоятининг мактаб ўқувчилари ҳам республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб бордилар. Республика фан олимпиадасида вилоят халқ таълими муассасалари ўқувчилари 17 фан бўйича иштирок этиб, умумий ҳисобда 5 ўринни эгаллашди².

¹ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси. Ўша жойда.

² Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 524.

Мустақиллик йилларида болаларни спортга жалб этиш, уларнинг турли мусобақаларга иштирокини таъминлаш юзасидан ҳам тинимсиз ҳаракатлар олиб борилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг I республика спартакиадаси 1992 йил 9 мартдан 30 апрелгача ўтказилди. Республика ўқувчилари ўртасидаги спартакиадалар, мусобақаларни ўтказиш анъанага айланиб борди.

Мазкур спартакиадани юқори савияда ўтказиш мақсадида республика Халқ таълими вазирлиги республика Давлат спорт қўмитаси билан келишган ҳолда спартакиада штаби тузилди. Спартакиада тўрт босқичда ўтказилди. Республика бўйича спорт анжуманида 1,8 млн. ўқувчи қатнашиб, 204 ўқувчи I спорт даражасини, 20 киши спорт усталигига номзод даражасини бажарди.

Қашқадарё вилоятида спорт мусобақаларининг биринчи босқичида 47117 ўқувчи иштирок этган бўлса, IV босқичида 222 нафар, Сурхондарё вилоятида I босқичда 168328, IV босқичда 203 ўқувчи иштирок этди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти мактаб ва ўрта махсус таълим муассасаларидан ҳам ўқувчилар I Республика спартакиадасида иштирок этди. Аммо спартакиаданинг вилоят босқичини ўтказишда бу икки вилоятда спорт мусобақаларини ташкил этиш, уларни маблағ билан таъминлаш борасида сустрекчиликларга йўл қўйилди.

I республика спартакиадасида ўқувчилар спортнинг 36 тури бўйича мусобақалашган бўлсалар, Қашқадарё вилоятидан 12 тур бўйича, Сурхондарё вилоятидан эса 9 тур бўйича ўқувчилар мусобақаларда иштирок этмади.

1992-1993 ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 19 та спорт мактаби бўлиб, уларда 7466 ўқувчи, Сурхондарё вилоятида 16 та спорт мактабида 7190 та ўқувчи таълим олди¹. Республиканинг чекка туманларида ҳам спорт мактабларини ташкил этиш ишига алоҳида эътибор қаратилди.

“Умид нихоллари” спорт мусобақаларининг вилоят босқичида ғолиб бўлган 137 нафар спортчи ўқувчилар 2002 йилнинг 25-30 апрель кунлари Фарғона вилоятида ўтказилган республика ўқувчиларининг “Умид нихоллари - 2002” финал мусобақаларида иштирок этдилар. Бу мусобақаларда Қашқадарё вилояти ўқувчилари 4 та олтин ва 1 та бронза медалини қўлга киритишди. Мусобақаларда Ғузор, Шахрисабз, Қарши, Деҳқонобод ва Қамаш туманлари ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Қашқадарё вилояти туманларида ўқувчиларни спортга жалб этиш, мусобақаларда иштирокини таъминлаш ишлари яхши олиб борилди.

Ғузор туманидаги Гагарин номи мактаб ўқувчилари Жиззах шаҳрида 1995 йил ўтказилган республика “Спорт фестивали”га иштирок этди. Шу йили мазкур туманнинг Лутфий номи мактаби XI синф ўқувчиси Зафар Ибрагимов ўз вази бўйича республика чемпиони бўлиб, Қарши давлат университети жисмоний тарбия факультетига имтиҳонсиз қабул қилинди². Спортда яхши натижаларни қўлга киритган ўқувчилар олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш имтиёзини қўлга киритишди.

Ғузор туман 29-хунар билим юртидан 1995 йил 35 ўқувчи Тошкент шаҳрида ўтказиладиган “Қувноқ стартлар” спорт мусобақасида иштирок этди.

Республика ўрта таълим мактабларининг спорт заллари билан таъминланганлик даражаси 51 фоиз бўлса, Қашқадарё вилоятида 42 фоиз, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 35 фоизни ташкил этди. Қашқадарё вилоятида 2002-2003 ўқув йилида 1083 та мактабнинг фақат 459 тасида, Сурхондарё вилоятида 822 та мактабнинг 288 тасида спорт заллари ишлаб турди. Футбол майдонлари Қашқадарё вилояти мактабларининг 95 фоизидида (8-иловага қаранг). Сурхондарё вилоятида эса 70 фоизидида мавжуд бўлди³. Сурхондарё вилояти туман мактабларини спорт зали билан таъминланганлик даражаси таҳлил этилганда, Ангор тумани мактабларида 29 фоиз, Узун тумани 26 фоиз, Бандихон тумани 15 фоиз, Олтинсой туманида эса 10 фоизни ташкил этди. Қашқадарё вилоятида бу борада Чироқчи ва Деҳқонобод тумани кўрсаткичлари паст бўлиб, 20 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатда рўй бераётган туб ислохотларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий шароитида ўрта бўғин мутахассис-ларига бўлган талаб бутунлай бошқача тус олди, қўйилган талаблар эса бугунги кунда таълим тизимида жуда кўп жиддий камчиликлар ва муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари яъни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг географик-демографик шароитлари ва мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олиб, касб-хунар билим юртлари ташкил этила бошланди.

¹ Ўз.РМДА, М-26-жамғарма, 1-рўйхат, 74-иш, 12-варақ.

² Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

³ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг тизим соҳасига айрим маълумотлар. –Тошкент, 2003. – Б. 28.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрда “1999-2005 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида”ги қарори жанубий вилоятларда академик лицей ва касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича вилоят дастурларини ишлаб чиқишига ҳуқуқий асос бўлди.

Натижада, 1998 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ касб-хунар лицейи ва Қарши 2-касб-хунар лицейи реконструкция қилиниб, касб-хунар коллежларига айлантирилди. 1998-1999 ўқув йилида 452 нафар ўғил-қиз қабул қилиниб, янги ўқув режа ва дастур асосида ўқув бошланди. 2005 йилда 7 та касб-хунар коллежи янги қурилиш ҳисобидан касб-хунар коллежига айлантирилди. Ислохотлар самарасида 2005 йилда Чим маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ишга туширилди. Коллежда мавжуд 9 та кафедра фаолият кўрсата бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473 сонли қарорига асосан, Қашқадарё вилоятида 1998-2006 йилларда 69 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар реконструкция қилинди ҳамда янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биргина, 2005 йилда Қашқадарё вилоятида ўрта махсус таълим тизимида 19 та қишлоқ хўжалиги йўналишида, 11 та маиший хизмат йўналишида, 12 та молия иқтисодиёт йўналишида, 6 та қурилиш ва коммунал хўжалиги йўналишида, 3 та тиббиёт соҳасида, 1 та банк соҳасида, 6 та педагогика соҳасида, 1 та технология соҳасида, 2 та санъат ва маданият соҳасида, 3 та ахборот технологияси соҳасида, жами 69 та касб-хунар коллежлари фаолият олиб борди¹.

Мустақиллик йилларида барча ўрта махсус ўқув юртларида янгиланишлар юз бериб, улар фаолиятида қатор ижобий ўзгариш ва бурилишлар ясалди. Термиз қишлоқ хўжалик техникуми Агротадбиркорлик коллежига айлантирилиб, янги ихтисосликлар ташкил этилди. 2001 йил Сурхондарё вилоятида 5350 ўринга мўлжалланган 10 та касб-хунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди².

Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш натижаси ўлароқ, яқин келажакда соғлом ва баркамол авлод сафларимизга дадил кириб кела бошлади. Бошқача айтганда, истиқлол йилларида ёшларнинг ўзини амалда намоён этиши учун имкониятлар янада кенгайди. Буларнинг барчаси таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани ва ҳаётимизда янги таълим моделининг кучли самарадорлигига эришаётганимиздан далилидир. Кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш билан бирга унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, моддий шарт-шароитларини яхшилашга пухта замин яратилди.

Ўрта таълимни янгилаш мақсадида ўрта махсус таълим тизимидаги дунё эътироф этган тажрибалар ҳам кенг ўрганилди. Шу сабабли, республикада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, хорижий мамлакатлар, жумладан, Германия, Ирландия, Дания, Япония каби ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш, Осиё тараққиёти банки, Япония халқаро ҳамкорлик банки, Германия техникавий ҳамкорлик маркази, Европа Иттифоқининг ТАСИС лойиҳалари, Германиянинг КФВ банки, Бельгия, Польша ва Корея ҳукуматлари ва бошқа қатор дунё таълими андозаларига яқинлашишига имкон яратди. Бундай имкониятлар натижасида Қашқадарё вилоятидаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларидан 7 таси Япония, 2 таси Осиё тараққиёт банки, 1 таси Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами асосида жиҳоз-ланди. Мисол учун Корея ҳукуматининг кредити лойиҳасига вилоятдаги 10 та ўқув муассасалари киритилди. Мазкур лойиҳага Косон саноат касб-хунар коллежи, Муборак саноат касб-хунар коллежи, Қамаш педагогика коллежлари киритилди. Лойиҳа 2004-2005 йилларда амалга оширилиб, миқдори 27 миллион АҚШ долларини ташкил этди. АҚШ ҳукуматида қарашли АКСЕЛС марказида “Таълим ҳамкорлик” дастури бўйича мамлакатимиз таълим тизими билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатди. 2001 йилга келиб, асосан АҚШ ва Ўзбекистондаги коллеж ва мактаб ўқувчиларининг тўғридан тўғри алоқаларини йўлга қўйиш, истеъдодли ўқитувчи кадрларни жаҳонга чиқариш фикри ва тажриба алмашиш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантирган ҳолда янги, янада мукамал таълимда ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилиб, ўтган 2000 йил дастури бўйича Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарёдан 20 нафар коллеж ва лицей ўқитувчилари АҚШ га тажриба алмашиш учун юборилди³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

¹ Қашқадарё вилояти ўрта махсус таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

² Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 535-536.

³ Қашқадарё вилояти ўрта махсус таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

тўғрисида”ги 473-сонли Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан жанубий вилоятларнинг барча туман халқ таълими бўлимларида тадбирлар ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига татбиқ этилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш ишлари туманларда бир хил кечмади. Масалан, 2004 йил Қашқадарё вилояти ўқувчиларининг касб-хунар коллежларига қабул режаси белгиланган муддатда бажарилмади. Бу борада Яккабоғ туман режаси 60 фоизга, Касби тумани 64,9 фоизга, Миришкор тумани 66,6 фоизга, Чирокчи тумани 72,2 фоизга, Косон тумани 75,5 фоизга бажарилди. Бундай ҳолатнинг келиб чиқишига туман халқ таълими бошқармаси, мактаб раҳбари ва касб-хунар коллежлари раҳбарларининг бу ишга масъулиятсизлик билан ёндашганликлари сабаб бўлди.

Касб-хунар коллежлари бўйича қабул режаси алоҳида таҳлил этилганда, аҳвол бундан ҳам ночорлиги намоён бўлади. Масалан, 2004 йил Қашқадарё вилоятининг Косон саноат касб-хунар коллежи қабул режаси 49, 9 фоизга, Яккабоғ иқтисодий касб-хунар коллежи қабул режаси 46,7 фоизга, Қарши компьютер касб-хунар коллежи қабул режаси 44,6 фоизга бажарилди¹. Туманларда мактаб ва лицейларни тугатган ўқувчилар кўрсаткичи бўйича Ғузор, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари яхши натижаларга эришди. Чирокчи, Қамаш, Кўкдала туманларида бу борадаги натижалар ижобий эмас эди.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим-тарбияга давлат аҳамиятига молик биринчи даражали масала сифатида қаралиб, узлуксиз таълимни йўлга қўйиш, соҳа ривожини таъминлайдиган ислохотларни амалга ошириш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва ижобий натижалар қўлга киритилди. Таълим тизимининг биринчи босқичи ҳисобланган мактабгача таълим муассасалари зиммасига болани мактабга жисмонан, маънан ва руҳан тайёрлаб бериш вазифаси юклатилди. Аммо, бу борада жанубий вилоятлар фаолияти таҳлил этилганда, қатор камчиликлар аниқланди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бу турдаги муассасалар сони мустақилликнинг дастлабки йилларида камайиб, уларга болаларни камраб олиш фоизи ҳам тушиб борганлиги кузатилади. Жанубий вилоятлар қишлоқларида болаларнинг боғчаларга қатнаш кўрсаткичи 30 фоизга ҳам бормади. Таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига жиддий эътибор қаратилиб, мактаблар учун янги бинолар бунёд этиш, уларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш долзарб вазифага айлантирилди.

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизими ишини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш юзасидан мисли кўрилмаган даражада улкан ишлар амалга оширилди. Таълим тизимининг барча босқичларида изчил ислохотлар олиб борилди. Республика миқёсида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни жанубий вилоятлар халқ таълимида ҳам чуқур сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Ушбу ислохотлар таълим мазмунини яхшилашга, таълим ва тарбия жараёнида илғор педагогик технологияларни кенг қўллашга эътибор қаратилди.

2. Ўзбекистон жанубий вилоятларида узлуксиз таълим тизимида умумтаълим мактабларига болалар дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришда асос бўлган сифатида алоҳида эътибор берилди. Мактаб моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, улар учун янги бинолар барпо этиш, ўқув инвентарларини етказиб бериш муҳим вазифалар қаторидан жой олди. Таълим тизимини ислоҳ қилишда бошланғич синфларни ўқитиш ишини ривожлантириш ва такомиллаштириш энг асосий масалалардан бири эканлиги ҳисобга олиниб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

3. Соҳада амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ, Давлат таълим стандартлари асосида мукаммал режалар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич ўқув жараёнида татбиқ этилди. Таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш янги сифат даражасида кўпайтирилди. Аммо, баъзан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида таълим муаммоларини ДТС талабларидан келиб чиқиб, танқидий нуктаи-назардан баҳолаб бериш етишмади. Лекин, бу каби майда хатоликлар жанубий вилоятларда таълим тизими ислохотларининг ижобий натижаларни қўлга киритишида тўсқинлик қила олмади.

4. Жанубий вилоятлар таълим муассасалари фаолиятининг мониторинг натижалари соҳа моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши таҳлил этилганда, бошланғич синфларни ўқитиш, мактабларни дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ишларидаги ижобий натижалар ўқувчилар-нинг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи, спорт мусобақаларида кўплаб муваффақиятларга эришишига хизмат қилди.

¹ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

Қишлоқ таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш: хусусияти ва муаммолари

Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотлар янги тафаккурга эга педагог кадрлар тайёрлаш сиёсати ишлаб чиқилишини тақозо қила бошлади. Таълим муассасаларидаги ўқитувчи кадрларнинг ҳар бири ўз мутахассислиги бўйича ҳозирги замон талабларига мос равишда фаолият юритишлари давр талабига айланди. Шунингдек, таълим тизимининг барча босқичларини, асосан, олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш таълим самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга эканлиги намоён бўла бошлади.

“Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. ...Таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо, замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”¹, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари таълим муассасаларини педагогик кадрлар билан таъминлаш Қарши давлат университети ҳамда Термиз давлат университети муҳим роль уйнайди. Термиз давлат университети Сурхондарё вилояти таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлашда асосий ўрин тутди. Ушбу университетда 13 та факультет ва 55 та кафедрада 450 дан зиёд профессор-ўқитувчи фаолият олиб борди. 1991-1992 йил ушбу ўқув юртида 7811 та талаба таҳсил олди. Университетда турли ихтисосликлар бўйича талабалар ўқийди². Тарих, она тили ва адабиёт, математика, физика, жисмоний тарбия, мусиқа, чет тили, биология каби фанлардан олий маълумотли ўқитувчилар тайёрланди. Қарши давлат университети ҳам Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш юзасидан жиддий ишларни олиб борди. Университетдаги физика-математика, кимё-география, биология-тупроқшунослик, касбий таълим, ўзбек филологияси, хорижий тиллар, тарих, педагогика, жисмоний маданият факультетларида олий маълумотли ўқитувчилар тайёрланди. Мустақиллик йилларида университетда ҳар ўқув йилида 1000 дан зиёд мутахассислар тайёрлаб чиқарилди. Мутахассисларни жаҳон стандарти талабларига мувофиқ тайёрлашда катта эътибор қаратилди. Янги замон талабларидан келиб чиқиб, кафедраларда ўқитиладиган фанлар, уларнинг ўқув дастури, ўқув қўлланмалари ва дарсликлари қайтадан тайёрланиб, нашр этилди. Масалан, университетнинг биология факультетида 70 дан ортиқ илмий мақола, 4 та рисола, 4 та дарслик ва ўқув қўлланма, 2 та монография тайёрланди³.

Мустақиллик йилларида давлат томонидан умумтаълим мактабларини турли фанлар бўйича ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш иши кун тартибидаги долзарб масала қилиб қўйилди ва ушбу соҳага бўлган эътибор янада кучайтирилди. Сурхондарё вилоятида 1991-1992 ўқув йилида жами 18030 нафар олий маълумотли ўқитувчилар фаолият олиб борган бўлса, 2000-2001 ўқув йилида улар сони 22144 тага етди. Олий маълумотли ўқитувчиларнинг асосий қисмини 5-11-синф фани ўқитувчилари ташкил этди, уларни фан бўйича тақсимланса, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, физика ва математика фанлари ўқитувчилари кўпчиликти ташкил қилди. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида 5-11-синф ўқитувчилари сони жами 18551 бўлса, шундан 3049 нафарини ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, 2556 нафарини математика фани ўқитувчилари ташкил этди⁴.

Олий маълумотли ўқитувчилар сони туманлар бўйича таҳлил этилганда, бу борада олиб борилган ишлар турлича эканлиги маълум бўлди. 1999 йил Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида 4810 дан зиёд педагог кадрлар фаолият олиб борди. Шундан 3320 киши олий маълумотли бўлиб, умумий ўқитувчилар сонининг 69 фоизини ташкил этди⁵. Мактаб ўқитувчилари орасида олий маълумотли мутахассислар кўпайиб борди.

Қишлоқ таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш юзасидан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан муайян чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, 1995 йил 22 декабрда Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ўртасида кадрлар масаласи бўйича битим имзоланиб, ҳар икки томоннинг мажбуриятлари келишиб олинди.

¹ Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори (Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи.) –Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 13.

² Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 531.

³ Қарши Давлат университети. (Тузувчи проф.О.Жўрақулов) –Тошкент: Шарқ. 2002.–Б.5.

⁴ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

Вилоятнинг Баҳористон тумани мактабларида педагог кадрлар танқис-лиги бошқа ҳудудларга нисбатан кучли бўлганлиги сабабли халқ таълими бўлими ихтиёрига бир гуруҳ ёш ўқитувчилар йўлланма билан ишга жўнатилиб, уларни турар-жой, томорқа ери билан таъминлаш юзасидан қатъий чоралар белгиланди. Шунингдек, уларнинг иш ҳақларига 50 фоизгача қўшимча иш ҳақи берилди. Давлат томонидан мактаб ўқитувчиларини ижтимоий ҳимоялаш иши йилдан йилга яхшиланиб, уларнинг имтиёзлари кўпайтирилиб борилди. Масалан, 1996 йил Қашқадарё вилояти педагог ходимларни ижтимоий суғурта маблағидан қилинган сарф-харажат 14 млн сўмдан ошиб кетди¹.

Сурхондарё вилояти таълим муассасаларида ўқитувчи кадрларга бўлган талаб ортиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Сурхондарё вилоятининг фаоллар йиғилишида сўзлаган нутқида вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларига 1589 нафар ўқитувчи етишмаслигини таъкидлади. Вилоят умумтаълим мактабларида ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж 1997 йилда 1976, 1998 йилда 1306 та, 1999 йилда эса 1589 тани ташкил этди. Ёш мутахассисларни мактабларга жалб этиш иши ҳам тўхтовсиз олиб борилди. 1999 йил 1055 нафар, 2000 йил эса 900 нафар мутахассислар мактабга жалб этилди².

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб барча таълим муассасаларида ўқитувчилар танлов асосида ишга олинди³. Педагог кадрларни танлашда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларига риоя қилинди. 2000 йил Қашқадарё вилояти халқ таълими соҳасига 1225 нафар ўқитувчи янги талаблар асосида ишга қабул қилинди.

2001-2002 ўқув йилида Қашқадарё вилояти таълим муассасаларида жами 49173 ўқитувчи фаолият олиб борди. Уларнинг 33848 нафари олий (68,8%), 1292 нафари тўлиқсиз олий (2,6 %), 14016 нафари ўрта махсус (28,6 %) маълумотли эди. Шу ўқув йилида хорижий тил ўқитувчиларига бўлган талаб катта бўлди. Вилоятдаги 1082 мактабдан 98 тасида мутахассислар бўлмаганлиги сабабли чет тили ўқитилмасдан келинди. Умуман, шу ўқув йилида вилоят таълим муассасаларига 689 та турли фан ўқитувчилари етишмади⁴.

2003-2004 ўқув йилида Сурхондарё вилояти умумтаълим мактабларида жами 37,0 минг ўқитувчи фаолият олиб бориб, шундан 58,4 фоизи олий, 37,2 фоизи ўрта махсус маълумотли эди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлда “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 321-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда таълим тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мукамал шаклини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2004-2005 ўқув йилида Қашқадарё вилояти мактаблари учун 1431 нафар ўқитувчига буюртма берилди. Масалан, математика фанидан 133 ўқитувчи, 320 инглиз тили, 96 тарих, 112 она тили ва адабиёти фани ўқитувчисига буюртма берилди.

2001-2004 йилларда вилоят мактабларига 2045 олий маълумотли педагог мутахассислар ишга қабул қилиниб, уларнинг 215 нафари Ғузор тумани, 297 нафари Косон тумани, 170 нафари Шаҳрисабз тумани мактабларига, 164 нафари Яққабўғ туманига ишга жойлаштирилди. Ёш мутахассислар мактабларга ишга жойлаштирилиб, уларга ишлаш учун барча шароитлар яратиб берилди. Туман мактабларининг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжи ўрганилганда, Нишон тумани мактабларига 26, Шаҳрисабз туманига 73, Дехқонобод туманига 130, Чирокчи тумани мактабларига 140 нафар мутахассислар кераклиги маълум бўлди⁶. Қашқадарё вилоятининг Чирокчи ва Дехқонобод тумани мактабларини олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш иши қониқарсиз даражада бўлиб қолаверди.

2003-2004 ўқув йилда Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларида фаолият олиб борган 54,9 минг ўқитувчидан 43,9 минг кишлоқларга тўғри келди. Сурхондарё вилоятидаги 37,8 минг ўқитувчидан 33,9 минг кишлоқларда ишлади.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари кишлоқларида ўқитувчилар сонининг ўсиши эмас, балки баъзи ҳолларда пасайиб борганлиги кузатилади. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида Қашқадарё вилояти мактабларида жами 46,2 минг ўқитувчи фаолият олиб борган бўлса, 2006-2007 ўқув

¹Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

²Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 524.

³Ўз.РПДАҚВФ, 829-жамғарма, 10-рўйхат, 29-иш, 52-варак.

⁴Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

⁵Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим тизими. Статистика тўплами.фактлар ва рақамлар. 2000-2006.–Тошкент, -№ 5. 2007.–Б.84.

⁶Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

йилида 44,9 мингтага тушди. Сурхондарё вилоятида эса бу рақамлар 36,0 мингдан, 35, 1 мингтага камайди¹ (9-иловага қаранг). Оғир иқтисодий шароит туфайли кўплаб мактаб ўқитувчилари ўз жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Мактаб ўқитувчилари орасида олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчилар жуда озчиликни ташкил этди. Ушбу ўқув йилида вилоятдаги 21920 нафар ўқитувчининг 4344 таси олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчиси эди.

2001-2002 ўқув йилида Сурхондарё вилояти бошланғич мактабларининг фақат 8 тасини олий маълумотли мутахассис бошқарди. Мазкур ўқув йилида Сурхондарё вилояти мактабларида фаолият олиб борган 34799 нафар ўқитувчидан 21920 нафари олий, 631 тўлиқсиз олий, 11434 нафари ўрта махсус маълумотли эди² (10-иловага қаранг). Бу даврда бутун республикада бўлгани каби умумтаълим мактабларида ҳам ўрта махсус маълумотли кадрлар салмоғи анча юқори бўлди.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида турли сабабларга кўра, умумтаълим мактабларда олий маълумотли ўқитувчилар сонининг камайиши кузатилади. Бу аввало, халқ таълими муассасаларида ўқитувчининг ойлик маоши камлиги, республикада бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги оғир иқтисодий танглик кўплаб ёшларнинг енгил ҳаёт илнжида шаҳарга ўзларини уриши, педагогларнинг бошқа ташкилотларга ишга ўтишлари билан изоҳланади.

Сурхондарё вилояти таълим муассасаларида 2001-2002 ўқув йилида олий маълумотли ўқитувчилар 21920 нафардан, 2005-2006 ўқув йилида 20398 тага камайди. Бу ўқув йилларида вилоятда тўлиқсиз олий маълумотли ўқитувчилар сони кўпайиб борганлиги кузатилади. 2001-2002 ўқув йилида вилоятнинг таълим муассасаларида 634 нафар тўлиқсиз олий маълумотли педагог фаолият олиб борган бўлса, 2005-2006 йилларда улар сони 1983 нафарга етди. Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида ўқитувчилар сони Қашқадарё вилоятига нисбатан кам эди. Масалан, 2003 йил Қашқадарё вилоятида қишлоқларда яшовчи аҳоли сони 1722,2 минг бўлса, Сурхондарё вилоятида бу 1476,5 минг эди. Шунга мувофиқ, 2003-2004 ўқув йилида Қашқадарё вилояти қишлоқ таълим муассасаларида 43,9 минг ўқитувчи бўлса, Сурхондарё вилояти қишлоқларида 33,9 минг ўқитувчи фаолият олиб борди. Шунингдек, вилоятда ўқитувчиларни маълумотлари бўйича табақалаганда ҳам тафовутлар мавжудлиги маълум бўлди. 2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистон мактаблари ўқитувчиларининг 68,9 фоизи олий маълумотли бўлса, 25,6 фоизи ўрта махсус маълумотли эди. Қашқадарё вилоятида бу 65,9 ва 29,5 фоизни, Сурхондарё вилоятида 56,2 ва 39,7 фоизни ташкил этди³. Демак, ҳар иккала вилоятда олий маълумотли ўқитувчилар кўрсаткичи республика кўрсаткичидан орқада бўлди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти Ўзбекистонда табиий иқлим шароити иссиқ, тоза ичимлик суви ва газ танқислиги кучли вилоятлар сирасига киради. Аксарият ҳолларда, республика педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртларини битириб чиққан ёшлар Қашқадарё ва Сурхондарё каби чекка вилоятларга келиб ишлашни хоҳламадилар. Бу эса ўз ўрнида олий маълумотли ўқитувчилар сонининг камайишига жиддий таъсир кўрсатди.

2000 йил Қашқадарё вилояти таълим муассасаларига математика, физика, чет тили, бошланғич таълим фанлари бўйича 1379 нафар педагог етишмаслиги вилоят фаоллар йиғилишида бир неча бор таъкидланди. Шундан, Дехқонобод туманига 159 нафар, Шаҳрисабзга 91 нафар, Яқкабоғ туманига 112 нафар ўқитувчи етишмади⁴. Бу борада вилоят халқ таълими бўлимлари етарли чора-тадбирларни амалга оширмади. Хусусан, мактабдан кетиб қолган ўқитувчиларни қайтариш, четдан мутахассис кадрларни таклиф этиш чораларини кўриш, бунинг учун уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш, қўшимча имтиёзлар бериш йўллари излаб топишлари лозим эди.

Мустақиллик йилларида таълим тизимини такомиллаштириш, иш сифатини яхшилаш, ўқитувчилар ўртасида ўзаро рақобатни йўлга қўйиш мақсадида республика, вилоят ва туман миқёсидаги турли кўрик-танловлар ташкил этилиб, уларда ўқитувчиларнинг фаол иштироки таъминлаб борилди. Масалан, 1996 йил 26-27 ноябрда Қашқадарё вилоятида “Методист-96” кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур танловда Яқкабоғ туманидан Замонов Турғун 67,2 балл билан биринчи, Қарши туманидан Мирзаев Азамат 65,6 балл билан иккинчи, Қамати туманидан Ирисова Сайёра 64,8 балл билан учинчи ўринни эгалладилар⁵. 1997 йили Касби тумани М.Турсунзода номли мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Фахриддин Жониев республика

¹ Образование Узбекистана. (Ст.сб.). – Ташкент, 2008. – С. 53-54.

² Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

³ Образование Узбекистана. (Ст.сб.). – Ташкент, 2008. – С. 8-9.

⁴ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жамғарма, 10-рўйхат, 98-иш, 14-варак.

⁵ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумотлар папкаси.

кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади¹. Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқ мактаблари ўқитувчилари ҳам турли кўрик-танловларда фаол иштирок этди.

2001-2002 ўқув йилида “Ижодкор ўқитувчи” танловида Қашқадарё вилояти ўқитувчилари фахрли ўринни эгаллади. Шаҳрисабз туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси М.Муйиддинова, У.Юсупов туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Н.Панжиев, Қарши тумани 17-мактаб ўқитувчиси М.Зариповалар танловнинг республика босқичида иштирок этдилар². Қарши туманидаги Ойбек номли 12-ўрта мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Фароғат Маматова “Ўқитувчи-2004” кўрик-танловида қатнашиб республикада фахрли 2-ўринни эгаллади³.

2007-2008 ўқув йилида Касби тумани 31-сонли ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Б.Холмирзаев, 2-сон ўрта мактаб биология фани ўқитувчиси В.Шариповалар “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этдилар⁴.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақларини ошириш, шунингдек, иш ҳақларига устамалар белгилаш, уларни дам олишлари учун керакли шарт-шароитлар яратиш, коммунал тўловларда, уй-жойларни хусусийлаштириш борасида бир қатор имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги “Ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 409-сонли қарор қабул қилинди. Шу йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Фармони билан 1-октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” сифатида белгиланиб, мамлакат миқёсида кенг нишонлана бошлади.

Давлат томонидан ўқитувчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли бу соҳа мутахассисларининг эл ичидаги обрўи ортиб борди. Республика ёшлари ўртасида ўқитувчилик касбига қизиқиш кучайди. 1998-1999 ўқув йилида ўқитувчиларнинг мактабдан кетиб қолиш жараёни бутунлай тўхтади. Шунингдек, педагогика институтлари ва университетларга кириш учун абитуриентлардан тушаётган аризалар сони йилдан йилга кўпайиб борди. 1999-2000 ўқув йилида республика педагогика институтлари қабул комиссияларига 4906 ўринга 17631 та ариза тушди. Энг кўп аризалар тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим методикаси каби факультетларга кириш учун топширилди⁵. Бу ҳолат вилоятларда олий маълумотли кадрлар сонининг ортишига ижобий таъсир кўрсатди.

2005 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” ги 275-сонли Қарорига мувофиқ биргина Касби туманида 1278 та ўқитувчига устама ҳақлар белгиланди⁶. Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришда устама ҳақларнинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки, бу ҳолат ўқитувчилар ўртасида рақобатни кўчайтиришга, таълим сифатини оширишга хизмат қилди.

2006 йил Қашқадарё вилояти Қарши тумани касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ўқитувчиларга 103 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 141 нафар хотин-қиз ўқитувчиларга 12 минг сўмдан сарф қилинган маблағ ҳисобидан ёрдам берилди⁷. 2007-2008 ўқув йилида Касби туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ёрдамида ижтимоий ҳимояга муҳтож педагог ходимларга 346 минг сўмлик моддий ёрдам, 25 та ўқитувчига соғлигини тиклаш учун сихатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Шунингдек, 150 нафар ўқитувчига Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди⁸.

Мустақиллик йилларида қишлоқ ўқитувчиларининг фидокорона меҳнати давлат томонидан муносиб тақдирлаб борилди. Масалан, биргина 1991-2004 йиллар давомида Қашқадарё вилояти бўйича 141 нафар ўқитувчи давлат мукофоти билан, 690 нафари “Республика халқ таълими аълочиси” ва 706 нафари “Қашқадарё вилоят халқ таълими фидойиси” нишони билан

¹ Ўз.РПДАҚВФ, 846- жамғарма, 1- рўйхат, 16-иш, 6-9-варақ.

² Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.

³ Ўз.РПДАҚВФ, 846- жамғарма, 5- рўйхат, 4-иш, 51- варақ.

⁴ Касби туман халқ таълими бўлимининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури” доирасида амалга оширилган ишлар ҳисоботидан.

⁵ Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгилашиш йўлида. —Тошкент: Ўқитувчи, 2000. — Б. 19.

⁶ Касби туман халқ таълими бўлимининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури” доирасида амалга оширилган ишлар ҳисоботидан.

⁷ Нахшаб, 2006, 12 ноябрь.

⁸ Касби туман халқ таълими бўлимининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури” доирасида амалга оширилган ишлар ҳисоботдан.

тақдирланди¹. 1993-1994 йилларда Қарши тумани мактаб ўқитувчиларидан 17 нафари “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими аълочиси”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” унвон ва кўкрак нишонлари билан тақдирланди². Шунингдек, туман ўқитувчиларидан 2 нафари “Шуҳрат ордени”, 1 нафари “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди³. Малакали, фидойи ўқитувчиларнинг меҳнати давлат томонидан муносиб баҳоланиб борилди.

1996 йил Қашқадарё вилояти халқ таълими вакилларида 29 таси “Республика халқ таълими аълочиси”, 21 таси “Қашқадарё вилояти халқ таълими фидойиси” кўкрак нишони, 42 таси вилоят халқ таълими бошқармасининг, 6 таси вилоят ҳокимлигининг, 288 таси туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг “Фахрий ёрлиқлари” билан тақдирланди. Шу йили Косон туманидаги М.Искандаров номи 26-мактабнинг ўқитувчиси Гулбодом Эштурдиева 1-синф ўқувчилари учун лотин ёзувидаги “Алифбе” ва она тили дарслигини ҳаммуаллифликда яратди. Унга туман ҳокимлиги томонидан 20000 сўм пул мукофоти берилди. Бу каби тадбирлар ўқитувчилар ташаббускорлигини оширишга хизмат қилди.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида илғор педагогларнинг тажрибаларини оммалаштириш бўйича ҳам тадбирлар олиб борилди. 1996 йил Косон тумани халқ таълими бўлими томонидан “Таълим ва ҳаёт” мавзусидаги 7 та илғор тажриба махсус китобча тарзида чоп этилиб, анъанавий август кенгаши иштирокчиларига тарқатилди. Қашқадарё вилояти бўйича 1997 йили педагоглардан 30 нафари яратган дастур, дарслик ва қўлланмалар ўқув жараёнида фойдаланиш учун нашр этилди⁴. 1998 йил Чирокчи туман методисти У.Маҳмудов ва ўқитувчи Х.Сиддиқовлар муаллифлигида лотин ёзувида “Синф раҳбарлари учун тарбиявий ишлар журнали” яратилди.

Таълим муассасалари кадрлар сифатини яхшилаш мақсадида педагог кадрлар аттестациясидан ўтказиб турилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 27 январдаги қўшма буйруғи билан умумий ўрта таълим, ўрта таълим педагог кадрларни 2006-2007 йилларда аттестациядан ўтказиш режалаштирилди. Шунга мувофиқ Қашқадарё вилоятида 2006 йилнинг март, май ойларида 10515 нафар, сентябрь-декабрь ойларида 13145 нафар ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш режалаштирилди⁵.

Таълим муассасалари фаолиятини ижобий ташкил этилиши кўп жиҳатдан соҳа кадрларининг малакасига ҳам боғлиқдир. Истиқлолнинг дастлабки йилларида педагогик малакасини ошириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурияти туғилди. Масалан, малака ошириш институти тингловчиларидан сўровнома олинганда, уларнинг 48 фоизи олийгоҳларда олган билимлари билан мактаб ҳаётига киришгач етарли бўлмай қолганлигини эътироф этдилар. Бу даврда ўқитувчи кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларининг мактаблар билан алоқаси етарли даражада бўлмаганлиги натижасида ёш кадрларнинг мактаб ўқитувчисига қўйилаётган замон талабларига жавоб бера олмаслик ҳолатлари кўриниб қолди.

Ёш ўқитувчилардан нафақат ўзлари ўқитадиган фан бўйича билим ва кўникмага эга бўлиши, балки уларда болалар билан ишлаш, хусусан, ўқувчилар психологик ҳолатини тўғри таҳлил қила билиши, ҳозирги замон янгиликларидан бохабар бўлиб, уларни амалиёт билан боғлай олиши каби малакалар ҳам мужассамлашуви талаб этилди.

Малака ошириш курслари тингловчиларининг 53 фоизи курсларда ўқитишнинг самарали усуллари йўқлигини қайд этган бўлсалар, тингловчиларнинг 62,9 фоизи курслардан қоникмаганликларини маълум қилдилар. Малака ошириш курси тингловчилари дарс берувчи профессор-ўқитувчиларга ўта талабчанлик билан қараб, улардан янги маълумотларни ўзлаштириш умидида бўлдилар. Аммо, профессор-ўқитувчилар орасида малака ошириш курсларида дарс беришга иккинчи даражали ишлар сифатида қаралиши соҳа ишини такомиллаштиришга тўсқинлик қилди.

1991-1994 йиллар давомида Қарши туманидан 1200 нафар ўқитувчи қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларидан ўтказилди⁶. 1994-1995 ўқув йилида Косон туманидан 56 нафар ўқитувчи ўз малакасини оширди⁷. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши йиллар давомида тубдан яхшиланиб борилди.

¹ Qashqadaryo, 2004, 15 декабрь.

² Ўз.РПДАҚВФ, 846- жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 66-варақ, 57-иш, 17-варақ.

³ Ўз.РПДАҚВФ, 846- жамғарма, 5-рўйхат, 4-иш, 51-варақ.

⁴ Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумотлар папкаси.

⁵ Qashqadaryo, 2006, 11 апрель

⁶ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жамғарма, 1-рўйхат, 4-иш, 51- варақ.

⁷ Ўз. РПДАҚВФ, 851- жамғарма, 1-рўйхат, 60-иш, 68-78-варақлар.

Бу даврда энг долзарб масалалардан бири, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш бўлди. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш учун қишлоқ мактабларида махсус ишчи гуруҳлар фаолият олиб борди. Биргина, Қамаш туманида 1994-1996 йиллар давомида 3 мингдан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилар лотин алифбоси бўйича қайта тайёрловдан ўтиб, ҳужжат олди¹.

2000 йил 21 октябрда Республика халқ таълими вазирлиги хайъат мажлисининг “Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари халқ таълими тизимидаги қўпол хатолар ва жиддий камчиликлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Тизимдаги йўл қўйилган хатоликлар муҳокамага олиб чиқилди. Масалан, 1998 йил Қашқадарё вилояти микёсида таълим соҳаси бўйича 47 та шикоят аризалари тушган бўлса, 1999 йили улар 76 тага етган. Бу аризаларининг 22 таси Яккабоғ туманидан эканлиги эътироф этилди. Шунингдек, вилоятда 2000 йилнинг 10 ойида аризалар сони 105 тага етди². Шикоят аризалари таълим тизими раҳбарлари орасида ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, ўзибўларчилик кўпайиб бориши, ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирози сабаб ёзилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Таълим-тарбия ишини яхшилашнинг асосий шарти сифатида кадрлар сиёсати белгиланди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари таълим муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш иши яхшиланиб, мутахассислар сони йилдан йилга ортиб борди. Аммо, таълим муассасаларида баъзи ихтисосликлар бўйича кадрлар танқислиги сезилиб турди. Қишлоқ мактабларини чет тили, физика, тарих каби фанлар бўйича ўқитувчилар билан таъминлаш жиддий муаммолардан бири бўлди. Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан давлат томонидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилиши натижасида иш ҳақлари оширилиб, ўқитувчиларга коммунал тўловлар, уй-жойларни хусусийлаштиришда имтиёзлар белгиланди.

¹ Маърифат, 1996, 2 октябрь.

² Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумотлар папкаси.

III БОБ. ҚИШЛОҚЛАРДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ҲОЛАТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларида маданий-маърифий муассасалар муаммолари: ҳолати ва ташкилий ўзгаришлар

Қишлоқ аҳолиси сиёсий онги ва маънавий маданиятини ривожлантириш давлатнинг энг мураккаб ва муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси, аввало, аҳоли маънавияти билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди, илгари унутилган маънавий қадриятларни қайта тиклаш имконияти туғилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай дейди: “Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар ўз йўлига ...аммо, маънавий ислохотлар куллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда”¹!

Миллий маънавиятни тиклаш ва қишлоқни маънавий жихатдан янгилаш давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айлантирилди. Қишлоқнинг ўтмиш маданий-маърифий мероси, халқ миллий анъаналари ва қадриятларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, тарғиб этиш зарурияти келиб чиқди.

Тарихда ўтган ҳар бир авлод ўзига ҳақ яратилган энг халқчил, энг мукаммал ижод намуналарини ўрганиб, сайқаллаштириб мазмунан бойитган ҳолда, ўзидан кейингиларга мерос қолдиради. Бу борада кейинги йилларда Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқларнинг маданий-маиший қиёфасини яхшилаш бўйича хилма-хил ишлар амалга оширилди. Бунда, албатта маданий-маърифий муассасалар ҳам бевосита иштирок этди.

Маданий-маърифий муассасалар ўз хусусиятига қўра, маънавият ўчоқлари бўлиб, улар халқ ижодини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Халқ куй-қўшиқлари, ўйинлари каби ижод намуналарини тўплаш, ўрганиш ва ривожлантириш ишида маданий-маърифий муассасаларнинг алоҳида ўрни бор. Маданий-маърифий муассасалар миллий халқ ижоди ранг-баранглигини асрашда иштирок этишлари давр талабига айланди.

Тарихий, маданий, маърифий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари, халқ ижодининг янгидан янги қирралари, бугунги маданият муассасаларида амалга оширилаётган ишларда, ижодий учрашувларда, танловларда, бахшилар ижросидаги халқона оҳангларда яққол намоён бўлади. “Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тикланишга йўл очилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маданий-маърифий ислохотлар белгилаб олинди. Халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормокда”², - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Мустақиллик йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг вазифалари тубдан ўзгартирилиб, ташкил этилган ҳар бир тадбир кишиларнинг аниқ эҳтиёжи ва қизиқишларига мувофиқ ташкил этилди. Шу ўринда жаҳон тажрибасидан ҳам унумли фойдаланилди. Жумладан, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида турли клублар фаолияти аҳолининг аниқ эҳтиёжларини қондириш билан бирга ўзлари ҳам фойда олишга йўналтирилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор муносабатларини таркиб топтириш жараёни маданий-маърифий муассасалар фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, 1991 йилдан бошлаб маданий-маърифий муассасалар ярим хўжалик ҳисобига ўтказилди. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини рўйбга чиқариш мақсадида ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш, илмий-техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини ўтказиш, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга қаратилган турли ижодий уюшмалар, жамғармалар, ассоциациялар, жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги давлат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б. 167.

² Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.429.

клуб муассасаларининг намунали Низоми ишлаб чиқилди. Низомда таъкидланганидек, клублар маданият органлари томонидан ташкил этилиб, Маданият ишлари вазирлиги билан келишилган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар қарори билан тугатилди.

Ижтимоий ислохотларнинг бош масалаларидан бири - қишлоқ маданиятининг қадимий анъаналарини тиклаш ва замонавий талаблар даражасида ривожлантириш вазифалари қўйилиши, демократик давлат барпо этиш жараёнида жамоа ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий мавқеи қонуний жиҳатдан эътироф этилиши, қишлоқ маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинди. Мустақил Ўзбекистон шароитида қишлоқни маданий ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб масала эканлигини кўрсатади¹.

1991 йил Сурхондарё вилоятида 158 та клуб муассасаси, 428 та кутубхона, 14 та маданий ва истироҳат боғи фаолият олиб бориб, уларда 575 та тўғарак, шундан 510 таси бадий ҳаваскорлик тўғараги ва ансамбллари ишлаб турди. Шунингдек, бу даврда вилоятда 33 та автоклуб бўлиб, улар доимий клуб муассасалари бўлмаган аҳоли пунктларида маданий тадбирлар ўтказиш билан шуғулланди. Автоклублар турли шаклларда, яъни маъруза, концерт, варақалар, фотоқўرғазмалар ва турли хил мавзудаги суҳбатлар ўтказди. Хусусан, Шеробод, Сариосиё, Шўрчи, Термиз автоклублари қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатди².

Мустақилликнинг дастлабки йилларида моддий қийинчиликларга қарамай, республика Маданият ишлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳоким-ликлари билан ҳамкорликда маданий-маърифий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди. 1992 йили Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Шўрчи туманларида ҳар бири 45 минг китобга мўлжалланган янги кутубхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1992 йил Сурхондарё вилоятида маданий-маърифий муассасалар эҳтиёжи учун жами 17 млн. 301 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ушбу маблағ янги китоблар хариди, газета ва журналлар обунаси, жорий таъмир-лаш учун сарфланди. Бу маблағлар вилоят маданий-маърифий муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун етарли маблағ эмас эди. Вилоятнинг Қизирик, Музработ, Қумқўрғон туманларида замонавий маданият уйлари бинолари мавжуд эмас. Янги бинолар қурилиши учун лойиҳалар тайёрланган бўлса-да, қурилиш ишларини бошлаш турли сабаблар билан пайсалга солиб келинди. Бойсун, Шеробод, Денов туманларида қишлоқ кутубхоналарининг бинолари анча эскирган бўлиб, уларда ҳеч бир маиший қулайликлар мавжуд бўлмади³. Автотранспортлар ва улар учун зарур эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли автоклублар ва библиобуслар фаолияти етарли йўлга қўйилмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги фаолияти ва тузилишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида 1992 йил 9 июнда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг “Вилоят маданият ишлари бошқармасининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан жойларда турлича йўл тутилиб, баъзи туман ҳокимликлари ўзбошимчалик билан асоссиз равишда маданий-маърифий муассасалардаги иш ўринларини қисқартирдилар. Масалан, Халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг 1992 йил 12 июнда бўлиб ўтган XV чақириқ XI сессиясида қабул қилган № 82-7/11-15 қарорига биноан тумандаги қишлоқ кутубхоналардан 14,5 ўрин, туман маданият тармоғидан 14,5 ўрин, болалар мусиқа мактабидан 3 ўрин қисқартирилди⁴. Бойсун, Термиз туманларининг қишлоқ кутубхоналари ва клуб ўринлари тўғридан тўғри улар ўрнашган халқ депутатлари қишлоқ кенгашлари ихтиёрига ўтказиб юборилди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарё вилояти қишлоқларида ҳам муайян ишлар олиб борилди. Масалан, 1992 йилда биргина Қарши туманида 3 та маданият уйи, 3 та автоклуб, 13 та қишлоқ кенгашлари ҳузуридаги клуб, 2 та болалар кутубхонаси, 33 та тармоқли кутубхоналар фаолият олиб борди. Шу йили А.Икромов жамоа хўжалиги қишлоғида қишқи клуб биноси, “Навбахор” қишлоғида 400 ўринли қишлоқ клуби фойдаланишга топширилди⁶.

¹ Содиқова М. Истиқлол шароитида қишлоқ маданияти ва жамоат ташкилотлари. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 4.

² Ўз.РПДАСВФ, 454-жамғарма, 4-рўйхат, 191-иш, 19-варақ.

³ Ўз.РПДАСВФ, 454-жамғарма, 4-рўйхат, 192-иш, 17-варақ.

⁴ Ўз.РПДАСВФ, 454- жамғарма, 4- рўйхат, 192-иш, 9-варақ.

⁵ Ўша жойда. 9-10-варақ.

⁶ Ўз.РПДАҚВФ, 846- жамғарма, 1- рўйхат, 2-иш, 23-32-варақлар.

Қишлоқ клублари ва улардаги аъзолар сони йилдан йилга ортиб борди. 1993 йил Сурхондарё вилоятида 160 та клубда 7261 аъзо фаолият олиб борди¹. Шеробод туманида “Феруза” ва “Илҳом” клуби фаолият олиб борди. “Илҳом” клуби қизиқувчилари орасида адабиёт ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича маъруза ўқилиб, ўзаро давра суҳбатлари уюштирилди. “Феруза” клуби аъзолари асосан хотин-қизлардан иборат бўлиб, клубда қизларни оилага тайёрлаш, ишлаб чиқаришга жалб этиш, ёшларга одоб-ахлоқ сирлари ўргатилди. Клуб томонидан “Муҳаббат оила негизи”, “Аёллар олам негизи”, “Дастурхонимиз файзли” каби кечалар ташкил этилди².

Бойсун туманида 1993 йил “Қаратэ” ва “Харбий ватанпарварлик” каби клублар фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ўсмир ёшларни ҳаётга жисмонан бакувват қилиб тайёрлаш юзасидан тадбирлар ўтказиб борилди.

Сурхондарё вилоятининг маданият муассасаларида 1993 йил халқ дорилфунунлари ташкил этилиб, уларда тингловчиларнинг сиёсий иқтисодий билимларини ошириш, уларни фан-техниканинг янги ютуқлари билан таништириш юзасидан ишлар олиб борилди. Бу дорилфунунлар Шеробод, Жарқўрғон, Термиз, Қумқўрғон ва Шўрчи туман маданият уйлари қошида ташкил этилди³.

Қашқадарё вилояти бўйича 156 та маданий-маърифий муассасалар ишлаб турди. Шу йили Чирокчи туман қишлоқларида 20 та маданий-маърифий муассасалар бўлиб, шундан 13 таси қишлоқ тарғибот-ташвиқот маркази эди. Маданий-маърифий фаолиятни йўлга қўйишда Муборак, Касби, Баҳористон, Яккабўғ, У.Юсупов туманларида ишлар яхши ташкил этилмади⁴ (11-иловага қаранг).

Қишлоқ маданият уйлари ташкил этиш иши Ғузор, Косон, Қамаш ва Китоб туманларида яхши йўлга қўйилган эди. Аммо, Қарши, Чирокчи, Баҳористон туман қишлоқларида раҳбарларнинг ўз вазифаларига совуққонлиги, моддий маблағ танқислиги сабабли маданият уйлари очилмади. Маданий-маърифий муассасалар зиммасига аҳолига турли маданий дам олиш тадбирларини уюштириш, бадий ҳаваскорлик тўғаракларининг чиқишларини ташкиллаштириш каби вазифалар юклатилди.

Масалан, 1993 йил Сурхондарё вилоятида пахта йиғим-терими мавсумида дала шийпонларида 1440 та кўчма кутубхона, 33 та автотарғибот-ташвиқот марказлар фаолият кўрсатди. Кўчма кутубхоналар китобхоналарни қишлоқ хўжалиги, бадий адабиёт, санъат, техникага оид адабиётлар билан таништириш мақсадида “Янги адабиётлар”, “Қундалиқ хабарлар”, “Бугун оламда нима гап?”, “Илғор тажриба - ҳаётга”, “Пахта - Ўзбекистон бойлиги” мавзуларида китоб кўргазмалари, суҳбат, библиографик шарҳлар ўтказилди. Биргина Ангор туман кутубхона ходимлари дала шийпонларида 89 та кўчма кутубхоналар ташкил этди⁵. Шўрчи туман маданият ишлари бўлими пахта йиғим-терими мавсумида жадвал асосида 3 та автотарғибот-ташвиқот марказни бирлаштириб, агитпоезд ташкил этди. Хусусан, агитпоезд маърузачилар, ашула ва рақс дасталари, дорихона сотувчилари, автолавкалар билан икки ярим ой ичида 52 та тадбир ўтказиб, пахтакор ва ҳашарчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатди. Концертлардан тушган пуллар кийим-кечак, ёнилғи олиш учун сарфланди.

Соҳа ишини яхшилашнинг асосий шартларидан бири унинг моддий таъминотини яхшилашдир. Сурхондарё вилояти маданий-маърифий муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1993 йилда бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Термиз туман марказий кутубхонаси туман марказидан 30 км узоқликдаги жамоа хўжалигига қарашли бинога жойлаштирилган эди. Кутубхона туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда марказга кўчирилди⁶. Бу каби тадбирлар Қашқадарё вилоятида ҳам амалга оширилди. Масалан, 1991-1994 йиллар давомида вилоятнинг Деҳқонобод туманида 12 та, Қамаш туманида 3 та, Қарши туманида 1 та, Муборак тумани қишлоқ-ларида 4 та кутубхона бинолари қайта таъмирланди⁷. 1994 йил Қашқадарё вилоятида 494 кутубхона фаолият олиб борди. Шу йили вилоят бўйича ностационар, яъни кўчма кутубхоналар 810 та бўлиб, шундан 778 таси қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатди⁸. Шу йили Қашқадарё вилояти Маданият бошқармаси кенгашида кутубхоналар фаолиятига доир 4 та масала муҳокама қилинди. Муҳокамаларда асосан Деҳқонобод туманида “Оммавий

¹ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 80-иш, 25-варақ.

² Ўз.РПДАСВФ, 454-жамғарма, 4-рўйхат, 200-иш, 35-варақ.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 45-варақ.

⁵ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 79-иш, 18-варақ.

⁶ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 79-иш, 2-варақ.

⁷ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 137-иш, 4-варақ.

⁸ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 137-иш, 3-варақ.

кутубхоналарга раҳбарлик”, Шаҳрисабз туманида “Кутубхоналарда мустақиллик даври адабиётлари”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари” юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари, Яккабоғ ва Қамаш туманлари кутубхона ходимларининг малакасини оширишга доир масалалар юзасидан фикрлар алмашинди¹. Қўрилган тадбирларнинг барчаси вилоятда кутубхона ишини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

1994 йил Ғузор тумани “Қишлоқ маданият маркази” тармоғига 4 та кутубхона киритилиб, улар тумanning Гулшан, Ғалча, Яккадарахт каби қишлоқларида фаолият олиб борди². Аммо, мазкур тумanning бошқа қишлоқларида бу каби маданият масканлари фаолиятини йўлга қўйиш эътибордан четда қолдирилди.

1994 йил Сурхондарё вилоятида жами 53 та қишлоқ маданият уйи фаолият олиб борди. Шулардан 10 таси Денов туманида, Жарқўрғон, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида 7 тадан қишлоқ маданият уйлари ташкил этилди. Музработ туманида эса фақат 1 та маданият уйи мавжуд бўлди³. Шунингдек, вилоят туман қишлоқларида тарғибот-ташвиқот марказларини ташкил этиш ишлари жойларда турлича қўриниш олди. Масалан, Сариосиё ва Денов туман қишлоқларида жами 20 та тарғибот-ташвиқот маркази ташкил этилган бўлса, Бандихон, Музработ, Шеробод туманларида бирорта тарғибот-ташвиқот маркази фаолият қўрсатмади. Шунингдек, Қизирик туманида 1 та, Бойсун, Термиз ва Шўрчида фақат 3 тадан тарғибот-ташвиқот марказлари ташкил этилди. Шу йили вилоят бўйича 57 та қишлоқда тарғибот-ташвиқот марказлари ишлаб турди⁴. Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида 1994 йили Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Сариосиё, Ангор, Жарқўрғон, Денов, Қизирик каби туманларида обуна ишлари яхши олиб борилди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият шакллантирилиши ўз ўрнида маданий-маърифий муассасалар фаолиятини ҳам тубдан ислоҳ этишни талаб этди. Ҳозирги замон талабларига жавоб бермаган маданий-маърифий муассасалар қискартириб борилди. Мазкур муассасалар фаолиятини йўлга қўйишда маҳалла эҳтиёжи ва талабига катта эътибор қаратилди. 1995 йил Ўзбекистонда фаолият олиб борган 7225 та кутубхонадан 5986 таси қишлоқларга тўғри келган бўлса⁵, 2004 йилга келиб бу қўрсаткичлар 5953 ва 4933 та бўлди⁶.

Моддий қийинчиликлар туфайли кутубхоналарда китоб ва журналлар сони ҳам камайди. Мазкур кутубхоналарда 1995 йил 50,8 млн нусха китоб ва журнал бўлса, 2004 йил улар 35,6 млн нусхага тушиб қолди. Шунингдек, китобхонлар сони ҳам шу йилларга тааллуқли равишда 4,7 млн дан 3,7 млн га тушди. Бу каби ҳолатнинг келиб чиқишига бир қатор омиллар сабаб бўлди. Аҳоли маиший турмуш даражаси кўтарилиб, компьютер, турли видео воситалари кенг тарқалиши, кўплаб ахборотлар аҳоли онига техника ёрдамида кириб бориши туфайли китобларга эътибор камайди. Китоблардаги маълумотларни китобхон компьютер орқали интернетдан олиш имконияти яратилди. Бу жараён нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёга хос ҳисобланади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят кутубхоналарида, хусусан, қишлоқ кутубхоналарида ҳам “Президент фармонлари - ҳаётга”, “Шу куннинг нафаси: воқеалар, янгиликлар, шарҳлар”, “Ўз элим - ўз тилим” мавзуларида суҳбатлар, “Ўзбекистон ва жаҳон”, “Туркистон умумий уйимиз” мавзуларида кечалар ташкил этилди.

Қишлоқ кутубхоналарининг кўпчилиги Қамаш (55 та), Китоб (53 та), Ғузор (41 та), Чироқчи ва Шаҳрисабз туманлари (40 та) ҳисобига тўғри келди. Бу борада Баҳористон (13 та), Муборак (14 та), У.Юсупов туманларида (17 та) ишлар талаб даражасида йўлга қўйилмади. Шунга мувофиқ кутубхоналарда аъзолар сони ҳам кам эди. Кутубхонада аъзолар сони Баҳористон туманида 4233 киши, У.Юсупов туманида 5001 кишини ташкил этди⁷. Муборак тумани кутубхоналарида фақат 1 та олий маълумотли кутубхоначи иш олиб борди, холос⁸. Қишлоқ кутубхоналарининг бирортасида олий маълумотли кутубхоначи фаолият олиб бормади.

Мустақилликкача Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқ кутубхоналари жамғармалардаги китобларнинг 70-80 фоизини рус тилидаги адабиётлар ташкил этди. Кейинги йилларда кутубхона жамғармаларини ўзбек тилидаги тарихий, бадий ва замон талабларига мос адабиётлар билан бойитиш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилди.

¹ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 137-иш, 5-варақ.

² Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 137-иш, 22-варақ.

³ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 80-иш, 27-варақ.

⁴ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 80-иш, 27-варақ.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистика тўплами 2004. –Тошкент, 2005.– Б. 135.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 394-иш, 5-варақ.

⁸ Ўша жойда.

Қишлоқ аҳолисини, асосан, маҳаллий миллат вакиллари ташкил этганлиги туфайли улар рус тилидаги адабиётлардан деярли фойдаланмадилар. Масалан, қишлоқ кутубхоналардаги рус адабиётининг нодир асарлари аксарият ҳолларда бирор марта ҳам ўқилмади. Қишлоқ кутубхоналари жамғармалардаги 80-85 фоиз адабиёт ўқилмай жойида эскирди.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида кутубхона ишини яхшилашдаги энг жиддий муаммолардан бири кадрлар масаласи бўлиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида "...ҳар қандай соҳанинг ривожини мутахассислар савияси ва фидойилигига кўп ҳолларда боғлиқ. Хусусан, зиёхоналарда ҳам ишни тўғри ташкил этиш ва хизмат самарадорлигини ошириш асосан кутубхоналарга боғлиқ. ...Зиёхоналарда мутахассислар қўнимсизлиги ҳамон ҳукм сурмоқда. Бунинг энг асосий сабаби кутубхоналарда рағбат йўқлигидир"¹.

Қишлоқ кутубхоналарининг кўпчилиги Денов (48 та), Сариосиё (39 та), Жарқўрғон (33 та) туманлари ҳисобига тўғри келди. Вилоятдаги 14 туманнинг 10 тасида болалар кутубхонаси фаолият олиб борди. Бойсун, Шўрчи, Шеробод, Қумқўрғон тумани қишлоқларининг бирортасида ҳам болалар кутубхонаси мавжуд эмас эди. Сурхондарё вилоятининг 3 та туманида, (Олтинсой, Музробод, Сариосиё туманларида) кўзи ожизлар учун кутубхона фаолият олиб борди. Бойсун, Шўрчи, Шеробод, Қумқўрғон тумани қишлоқларида бирорта ҳам болалар кутубхонаси мавжуд эмас эди. 1996 йили Сурхондарё вилояти қишлоқларида 4 та кутубхона ташкил этилди. Жумладан, Бойсун туманида 2 та, Бандихон ва Қумқўрғон туманларида 1 тадан тармоқ қишлоқ кутубхоналари очилди².

1996 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди³. Қарорда республика маданий-маърифий муассасалар ишини ривожлантириш юзасидан энг зарур чора-тадбирлар белгиланди. 1996 йил Сурхондарё вилояти қишлоқ кутубхона ходимларининг малакасини ошириш ишлари Ангор, Шеробод, Олтинсой, Қизириқ, Сариосиё туманларида яхши йўлга қўйилди. Кутубхоналарда "Иш ўрганувчиларга ёрдам" бурчаги ташкил этилди. Ангор туманида кутубхона ходимлари малакасини ошириш мақсадида "Иш ҳужжатларидан намуналар", "Оммавий тадбирлар ўтказиш усуллари", "Сўраган эдингиз" каби кўرғазмалар ташкил этилди⁴. Маданий-маърифий муассасалар ишини жонлантириш мақсадида, ушбу соҳа ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам олиб борилди.

Сурхондарё вилоят қишлоқларида кутубхона ходимларига маиший ком-мунал тўловларда имтиёзлар бериш, моддий рағбатлантириш учун катта эътибор қаратилди. Масалан, Қумқўрғон ва Шеробод тумани кутубхоналарига 1996 йили қишқи ёкилғи учун маблағ ажратилди. Узун тумани кутубхона ходимлари хонадонларининг электр энергияси тўловлари тўлаб берилди. Олтинсой тумани кутубхоналарида ҳам бу каби тадбирлар қўлланиб, ҳар бир ходимга 400 киловатт электр чироғи пули давлат томонидан тўланиб, ҳар бир мутахассисга бир тоннадан бепул кўмир берилди⁵.

Эълон қилинган қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан қатъий тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, ходимлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича ҳам ишлар олиб борилди. Шу йили Қашқадарё вилоятида ҳам кутубхона ходимларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Касби тумани марказий кутубхона ходимларидан 5 кишининг уйи бепул хусусийлаштирилиб берилди. Мазкур туманнинг Т.Малик, Ш.Рашидов, Наврўз жамоа хўжаликларидаги қишлоқ кутубхона ходимлари маошларига хўжалик ҳисобидан 30% кўшимча иш ҳақи берилди⁶.

1996-1997 йиллар кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари олиб бориш жараёнида Шеробод, Қумқўрғон, Шўрчи туман болалар кутубхоналари табиий газ билан иситишга мослаштирилди⁷. Шунингдек, Термиз ва Денов тумани марказий кутубхонаси жорий таъмирланиб, 3, 4, 56, 10, 11, 13-сон, Ангор туманида 18-сон, Сариосиё туманида 1-, 2-сонли қишлоқ кутубхоналари таъмирланди⁸.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида кўчма клублардан ҳам фойдаланилди. 1996 йили Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолисида 8 та автоклуб хизмат кўрсатди. Аммо, уларни техник

¹ Каримбеков К., Қораев Ш. Маънавият ҳисси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б. 22-91.

² Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 409-иш, 4-варақ.

³ Халқ сўзи, 1996, 28-сентябрь.

⁴ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 409-иш, 38-варақ.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1- рўйхат, 394-иш, 27-варақ.

⁷ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1- рўйхат, 409-иш, 56-варақ.

⁸ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1- рўйхат, 409-иш, 40-варақ.

аппаратлар билан таъминлаш талаб даража-сида бўлмади. Улардан фақат Денов туманига қарашли автоклубда компью-тер бор эди. Кинопрокат фақат Бойсун туман автоклубида ишлаб турди¹.

Ўзбекистон тарихининг турли тарихий воқеалари ва шахсларнинг юбилейларини нишонлашда клублар ва кутубхоналар асосий ташаббускор муассаса бўлди. Хусусан, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини республика миқёсида нишонлаш бўйича қатор тадбирлар ўтказилди. Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада тадбирлар ишлаб чиқилди. Масалан, Ангор тумани клуб муассасалари томонидан “Улуғ саркарда” номли деворий кўргазма ташкил этилиб, концерт дастурлари тайёрланди. Шўрчи тумани кишлоқ клубларида Амир Темур юбилейига бағишлаб “Темур тузуклари” деб номланган деворий кўргазма тайёрланиб, давра суҳбатлар, учрашув ва концертлар уюштирилди².

Ат-Термизий номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси томонидан кишлоқ кутубхоналарида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган ишлар режаси ишлаб чиқилди. Вилоят кутубхонасининг услубият бўлими томонидан кишлоқ кутубхоналарида мазкур юбилей бўйича оммавий тадбир ўтказишга бағишлаб “Буюк соҳибқирон” номли услубий тавсиянома тайёрланиб тарқатилди³.

1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштиришни ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Маданий-маърифий муассасалар, хусусан, кутубхоналар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий тарғибот марказларига айланиши лозим эди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қамаш тумани Гулистон кишлоғидаги 9-тармоқ кутубхонасида, Тўқбой жамоа хўжалигидаги Тўқбой кишлоғида жойлашган 52-тармоқ кутубхонасида, Чим жамоа хўжалиги Ўртачим кишлоғидаги 12-тармоқ кутубхонасида, Қорабоғ жамоа хўжалигидаги 24-тармоқ кутубхоналарида олиб бориладиган тадбирлар ва китоб кўргазмалари миллий истиклол ғояларини тарғиб этиш ва маънавий-маърифий ислохотларни халқ онгига сингдириш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди⁴.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида тарғиб этишда маданий-маърифий муассасалар, хусусан, клублар зиммасига алоҳида вазифалар юкланди.

1995 йил Ўзбекистон бўйича 3710 та клуб муассасаси фаолият олиб борган бўлса, 2956 таси кишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган эди. 2004 йил бу кўрсаткич 2444 та ва 2021 тани ташкил қилди⁵. Демак, статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, клуб муассасалар сони ортиши билан эмас, балки камайганлиги ҳам кузатилади.

Бу жараён Ўзбекистон жанубий вилоятларида ҳам кузатилади. Масалан, 2004 йил Қашқадарё вилоятида 148 та клуб муассасаси фаолият олиб борган бўлса, 2007 йилда улар сони 121 тага тушиб қолди⁶. Бу ҳолатнинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди. Клуб муассасалар сонининг камайишига маблағ масаласи жиддий таъсир кўрсатди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди раҳбарларнинг совуққонлиги клуб муассасалари ишининг орқага кетишига сабаб бўлди⁷ (12-иловага қаранг).

Сурхондарё вилоятида аҳвол бундан ҳам ночор эди. Вилоятнинг баъзи туманларида бирорта ҳам маданият уйлари ва клуб муассасалари ташкил этилмади. Масалан, Қумқўрғон, Олтинсой, Қизирик туманларида кишлоқ маданият уйлари фаолият олиб бормади.

2001 йил Қашқадарё вилоятида маданий-маърифий муассасалар фаолияти Чирокчи туман мисолида ўрганилганда, туманда 1 та маданият уйи, 3 та кишлоқ маданият уйи, 4 та автоклуб, 10 та кишлоқ клуби фаолият олиб борилганлиги аниқланди. Аммо, мазкур туман маданий-маърифий муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш талаб даражасида бўлмади. Туман марказий кутубхонаси аҳолидан анча узоқ бўлган, шароити йўқ жойга кўчирилган эди. Туманнинг Й.Охунбобоев номли фуқаролар йиғинида жойлашган кишлоқ клубининг ҳатто ўз биноси ҳам йўқ. Шунингдек, Чирокчи туман маданий-маърифий муассасаларни кадрлар билан таъминлаш масаласида ҳам муаммолар мавжуд эди⁸.

Сурхондарё вилоятининг барча туман кишлоқларида клублар ташкил этилиши талаб даражасида деб бўлмади. Масалан, 2002 йил вилоятнинг Шеробод, Термиз, Узун, Бандихон

¹Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 409-иш, 41-варақ.

²Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 232-иш, 7-8-варақлар.

³Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 232-иш, 9-варақ.

⁴Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 1040-иш, 36-варақ.

⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси йиллик статистика тўплами – 2004. – Тошкент, 2005. – Б.137.

⁶Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архиви (Клуб муассасалари, маданият ва истироҳат ҳамда хайвонот боғларининг 2008 й асосий кўрсаткичлари).

⁷Ўша жойда.

⁸Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 1160-иш, 24-варақ.

тумани кишлоқларида клуб муассасалари фаолият олиб бормади. Бу борада Олтинсой туманида (8 та), Сариосиё туманида (7 та) ишлар намунали ташкил этилган эди. Кишлоқ маданият уйлари очиш бўйича Денов (9 та), Жарқўрғон (7 та), Шўрчи (7 та) ва Шеробод (5 та) туманларида фаол ҳаракат олиб борилди. Аммо, вилоятнинг Бойсун, Қизирик, Қумқўрғон, Олтинсой туманларида биронта кишлоқ маданият уйи ташкил этилмади¹.

Сурхондарё вилоят кишлоқларидаги кутубхоналар асосан Денов, Сариосиё, Жарқўрғон, Шўрчи, Узун ва Термиз туманлари ҳисобига тўғри келди. Вилоятда 100 дан зиёд кишлоқлар мавжуд бўлиб, шундан фақат 18 тасида болалар кутубхонаси фаолият олиб борди.

Ўзбекистон жанубий вилоятларидаги клубларнинг аксарияти мослаштирилган биноларда фаолият юритди. Масалан, Қашқадарё вилоятидаги 112 та клуб муассасалари мослаштирилган биноларда жойлаштирилган бўлиб, 85 таси таъмирдан чиқарилди. Аммо, 8 та клуб бинолари авария ҳолатда бўлди. Шундан 4 таси Қамаш тумани кишлоқларида эди. Бу даврда клуб муассасаларини техник воситалар билан таъминлашда муаммолар мавжуд бўлди. Масалан, Қашқадарё вилояти клуб муассасаларининг бирортасида компьютер техникаси мавжуд эмас эди².

Кейинги йилларда кишлоқ маданий-маърифий муассасалари сони янада камайиб борди. Масалан, 2008 йил Сурхондарё вилояти кишлоқ маданият уйлари 25 та, клублар сони 62 тага тушиб кетди. Қашқадарё вилоятида эса 78 та кишлоқ маданият уйлари ва 14 та клуб муассасалари фаолият олиб борди³.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари кишлоқларининг бирортасида маданият саройи йўқ эди.

Фаолият олиб бораётган клуб муассасаларнинг аксарияти бадиий ҳаваскорлик тўғрақларига ихтисослаштирилди. Клублар фаолиятининг хилма-хиллигига эътибор берилмади. Масалан, Сурхондарё вилоятида клуб аъзоларининг аксарияти бадиий жамоалар ва тўғрақларга қатнашди. Сурхондарё вилоятида 2007 йил 716 та клуб уюшмалари рўйхатга олинган бўлиб, аъзолари 7658 нафар эди. Шундан, 6721 нафари бадиий тўғрақда иштирок этди. Вилоятда техника ижодиёти тўғрақлари сони бор-йўғи 4 тани ташкил этиб, бу Музработ ва Олтинсой клублари ҳиссасига тўғри келди. Бошқа туманларда бу турдаги тўғрақлар ташкил этилмади. Вилоятда касбий ва соҳа тўғрақлари сони 45 та бўлиб, уларда аъзолар сони 571 нафарни ташкил этди.

Фаолият юритаётган клуб муассасалари ишида бир қанча камчиликлар ва ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эди. Энг асосий муаммо соҳани малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласи эди. Клуб муассасаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмади. Сўнгги йилларда Тошкент маданият институтини клуб мутахассислиги бўйича битирган ёшларнинг кишлоқ клубларига келиб ишлаши амри маҳол бўлиб қолди. Бу эса мутахассис кадрлар танқислигини кучайтирди.

2006 йил Сурхондарё вилояти клубларида 669 та ходим бўлиб, шундан фақат 68 нафари олий маълумотли, 48 нафари маданият ва санъат йўналиши бўйича ўрта махсус маълумотли мутахассис, 381 нафари эса умумий ўрта маълумотлиларни ташкил этди.

Бандихон, Жарқўрғон тумани клуб муассасаларида фақат 2 нафардан олий маълумотли ходим фаолият олиб борди. Қизирик, Ангор, Музработ тумани кишлоқларида маданият ва санъат йўналиши бўйича фақатгина 1 та мутахассис фаолият олиб борди⁴.

Клуб муассасалари жойлашган биноларнинг 1 таси (Жарқўрғон тумани) авария ҳолатида, 84 таси капитал таъмирга муҳтож эди. Оммавий тадбир, концерт ва байрамларни юқори савияда ўтказишда клуб муассасаларига миллий мусиқа асбоблари, сахна либослари, овоз ёзиш студиялари ва овоз кучайтириш аппаратуралари, автоклуб (автотранспорт) лар етишмади, мавжудлари ҳам эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди.

Сурхондарё вилояти бўйича 2006 йил 37 та клуб муассасаси таъмирланди. Шу йили клуб муассасалари учун маҳаллий бюджетдан 424882,0 минг сўм, ҳомий ташкилотлардан 1300,0 минг сўм, концертлардан 2715,0 минг сўм, ўтказилган пуллик тадбирлардан 1005,1 минг сўм маблағ сарфланди⁵. Аммо, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси ҳар доим ҳам бажарилавермади. Масалан, 2006 йил Узун тумани кишлоқ клуб муассасаларининг пуллик хизмат кўрсатиш режаси

¹ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 1164-иш, 27-варақ.

² Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви. “Қашқадарё вилояти клуб муассасаларида 2005 йил 9 ой давомида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида маълумотнома”

³ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 653-иш, 63-варақ.

⁴ Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви 2006 йил ҳисоботи.

⁵ Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви “Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги клуб муассасалари ва улардаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг 2006 йилдаги иш фаолияти” тўғрисидаги ҳисоботи.

600 минг сўм қилиб белгиланган бўлиб, режа фақат 150 минг сўмлик қилиб бажарилди. Шерободда 500 минг сўм ўрнига 50 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди¹.

Автоклублар асосан қишлоқ аҳолисига хизмат қилиб, Сурхондарё вилояти бўйича 2006 йили 31 та автоклублар фаолият олиб борди. Вилоятнинг туманларига 2-3 тадан автоклуб тўғри келди. Аммо вилоятда мавжуд автоклубларнинг 12 таси фойдаланишга яроқсиз эди².

2006 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди³. Ушбу қарор асосида аҳолига кутубхона хизматини кўрсатишни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарадиган Ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, миллий ва хорижий нашрлар жамғармаларини шакллантириш каби масалаларни ҳал этиш лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича маданият ва спорт ишларини яхшилаш учун ажратилган маблағ яхшиланиб борилди. Хусусан, 2006 йил маданият ва спорт ишлари учун республика бюджетидан 32591,3 млн. сўм маблағ ажратилди. Шундан, 7292,3 млн. сўм театр-томоша ташкилотларига, 1538,9 млн. сўм маданий ёдгорликларини таъмирлаш ишларига, 1144,1 млн. сўм маданий-маърифий муассасалар таъминотида ва бошқаларга ажратилди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йил 6-июндаги “Ўзбекистон ёшлари - наркоманияга қарши” шиори остида, гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги тадбирларида Сурхондарё вилояти туманлари қишлоқларида ҳам тадбирлар амалга оширилди. Шу йили 19 июнда Шўрчи туман марказий маданият уйига қарашли 1-сонли Сауртепа қишлоқ клубида гиёҳванд моддаларсиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” шиори остида маҳалла болалари ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди. Бу каби тадбирлар Қизилқум, Узун тумани қишлоқларида ҳам ўтказилди⁵.

Хуллас, Ўзбекистонда маданий-маърифий муассасалар давлатнинг моддий қўллаб-қувватлаши орқали ўз фаолиятини юритмоқда.

Маънавий-ахлоқий тарбияга ёшлар муҳтожлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистонда кейинги йилларда маданий-маърифий муассасалар аудиторияси ёшлар ҳисобига тўлдириб борилди.

Маданий-маърифий муассасалар янги шароитларда ишлашга тўла мослаша олмаётганлиги туфайли қисқартиришлар йўлидан борилди. Чунки маданият ходимларининг кўпчилиги ўзларига берилган имкониятдан етарли даражада фойдаланишмади. Уларга пуллик хизмат кўрсатиш ва қўшимча маблағ топишга кенг йўл очилган бўлса-да, етарли тажриба бўлмаганлиги сабабли ижодий изланишлар олиб бормадилар. Бу эса қишлоқ маданият ўчоқларининг қисқаришига асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон қишлоқларида маданий-маърифий муассасалар ишини ташкил этиш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маданий-маърифий тадбирлар миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, миллий кадриятларни қайта тиклаш, аҳоли маънавиятини юксалтиришга қаратилди.

2. Ўзбекистон қишлоқлари маданий-маърифий муассасалар фаолияти бозор муносабатларига ўтиш даврига хос бўлган мураккабликлар, қийинчиликларни бошидан кечирди. Кишилар эҳтиёжи, давлат талабига жавоб бермайдиган маданий-маърифий муассасалар қисқартирилиб, соҳада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган нодавлат сектори вужудга келтирила бошланди. Натижада, маданий-маърифий муассасалар томонидан аҳолига ҳам пуллик хизмат кўрсатилмоқда.

3. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш аввало, уларнинг тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга боғлиқ бўлиб қолди. Бунда давлат маблағи билан бирга қўшимча маблағлар ишлаб топиш давр талабига айланди.

4. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятида асосий эътибор, асосан, бадиий хаваскорликка қаратилиб, халқ ижодиётининг бошқа йўналишлари, хусусан, техника тўғараклари, касб ва соҳалар бўйича тўғараклар очиш ва оммани жалб этиш ишлари бироз суст олиб борилди.

5. Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда маданий-маърифий муассасаларнинг ташкил этилиши ва улар учун бинолар қурилишида ўтган ўн йилликларда маълум бир тартибда амал қилинмади. Баъзи туман қишлоқларида бир неча маданият уйлари

¹ Ўша жойда.

² Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архивининг маълумот папкаси.

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилдлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. 12-жилд. – Б. 587-588.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архиви “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2006 йилдаги иш фаолияти бўйича маълумотнома”.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архиви.

барпо этилган бўлса, баъзи туманларда бирорта ҳам бу турдаги муассаса фаолият олиб бормади.

3.2 Мустақиллик шароитида қишлоқларда анъанавий халқ ижодининг ривожланиши

Ўзбекистон жанубий вилоятлари азалдан халқ оғзаки ижоди, миллий мусика, миллий урф-одатлар яхши сақланган воҳалардан ҳисобланади. Барча маданий тадбирларни бадий ҳаваскорлик жамоаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу турдаги жамоалар фаолиятини ривожлантириш учун мустақиллик йилларида кенг имкониятлар яратилди. Бадий-ҳаваскорлик жамоалари йилдан йилга ўз маҳоратларини ошириб, репертуарларини янгидан янги, турли-туман ва ранг-баранг куй-қўшиқлар билан бойитиб, ўзбек халқ санъати ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиз: “Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларга садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир”¹.

Мустақиллик йилларида халқ ижоди намуналарини ўрганиш, тарғиб этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Масалан, Қаҳҳор бахши Қодиров шундай ҳикоя қилади: “Совет даврида дўмбирамизни ҳадик билан чалиб, қўрқув билан замонга мослаб, эркин ҳолда дoston куйлаш мавқеидан жудо бўлгандик. Истиқлол туфайли аждодларимиздан қолган бой меросимизни куйлаш бахтига муяссар бўлдик. Бунини исботи сифатида мустақиллик шарофати билан 1997 йилда АҚШда бўлиб, у ерда ўзимизнинг ижрочилик маҳоратимизни намоиш этдим. Терма ва дoston-ларда аждодлар меросидан қолган буюк мерос билан бирга замонавий мавзулар ҳам ўрин олган. Бугунги кунда репертуаримда 40 дан ортиқ дoston бўлиб, шундан 15 тасини ўзим кашф этдим”². Бу масалага давлат миқёсида ҳам эътибор кучайтирилиб, мазкур ишларни янада юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 январдаги “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тўғрисидаги Қарори³, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 14 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси фахрий унвонини белгилаш тўғрисида”ги Фармони⁴, “Бойсун баҳори” халқаро очик фольклор фестивали ҳамда Китоб туманининг Қайнар қишлоғида ўтказилган “Асрлар садоси” халқаро фольклор фестивали халқ оғзаки ижодини янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. Натижада, бахши-шоирлар, халқ ҳунармандларининг турли кўрик-танловлари республика миқёсида ўтказилиши анъанага айланди.

Анъанавий халқ ижодини ривожлантиришда ҳаваскорлик тўғрақларининг алоҳида ўрни бор. Ҳаваскорлик уюшмаларининг 60 фоиздан ортигини мактаб ўқувчилари, маданий-маърифий тадбир иштирокчиларининг эса 70 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қилди. Болалар ва ўсмирлар уюшмалари сони кейинги йилларда кўпайиб борди. Масалан, 1989 йили 55684 нафар болани бирлаштирган 3716 та уюшма рўйхатга олинган бўлса, 1992 йили уюшмалар сони 4666 тага, аъзолари сони эса 76107 нафарга кўпайди².

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам бадий-ҳаваскорлик жамоалари сони йилдан йилга кўпайиши кузатилди. Масалан, Сурхондарё вилоятида 2004 йил 595 та бадий-ҳаваскорлик жамоалари рўйхатга олинган бўлса, 2008 йил улар сони 608 тага етди. Қашқадарё вилоятида улар сони 328 тадан 352 тага кўпайди³.

Қишлоқларда бадий-ҳаваскорлик жамоалари билан бирга халқ ашула ва рақс дасталари тузилишида кенг имкониятлар яратилди. Масалан, 1992 йил Сурхондарё вилоятида мавжуд 9 та ашула ва рақс дастасидан 7 таси қишлоқ жойларда фаолият олиб борди “Наврўз” (Шўрчи тумани), “Парвоз” (Қизирик тумани), “Боботоғ гуллари” (Қумқўрғон тумани), “Дилнавоз” (Жарқўрғон тумани) каби ашула ва рақс дасталари шулар жумласидандир. Ушбу йилда вилоятда фақат битта халқ анъанавий цирк санъати (дорбозлар) жамоаси рўйхатга оlinиб, бу жамоа Шеробод тумани “Шеробод” давлат хўжалигида Б.Пардаев раҳбарлигида фаолият олиб борди⁴.

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 328.

² Сухбат 1.Тадқиқотчининг Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани “Ўзбекистон халқ бахшиси” Қаҳҳор бахши Қодиров билан шахсий суҳбатидан.

³ Халқ сўзи, 1998, 13 январь.

⁴ Халқ сўзи, 2000, 15 март.

² Основные показатели работы и анализ развития сети и деятельности культурно-просветительных учреждений за 1988-1989 гг. – С. 9; 1998-1999 йилдаги маданий-маърифий муассасаларининг асосий кўрсаткичлари. – Ташкент, 1999. – Б. 8.

³ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архивининг маълумотлар папкаси.

⁴ Ўз.РПДАСВФ, 454-жамгарма, 4-рўйхат, 192-иш, 30-31-варақлар.

Мустақиллик йилларида фольклор-этнографик ижодий жамоалари фаолияти кенг тарғиб этила бошланди. Бундай жамоалар асосан қишлоқларда ташкил этилди. 1992 йил Сурхондарё вилоятида жами 14 та фольклор-этнографик дастаси фаолият олиб бориб, уларнинг 13 таси қишлоқ жойларда ташкил этилган эди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир фуқаро, қандай миллатга мансублигидан қатъий назар, тенг ҳуқуқли эканлиги қайд этилган бўлиб, ҳар бир миллат вакиллари ўз маданият марказларини ташкил этиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган. 1992 йили Қашқадарё вилоятида рус, татар, туркман, корейс, араб ва тожик миллий маданият марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Улар ўз ўрнида шу миллат вакилларининг бадиий-ҳаваскорлик дасталарини ҳам туздилар. Масалан, Деҳқонобод туманида “Тожиқ”, Баҳористон туманида “Туркман” бадиий-ҳаваскорлик дасталар иш олиб борди. “Туркман” маданият маркази Туркменистон Республикаси билан маданий алоқаларни йўлга қўйди².

Мустақиллик йилларида халқ ижодиёти вакилларининг турли кўрик-танловларини ўтказиш анъанага айланди. Масалан, аскиячи ва қизиқчиларнинг Қашқадарё вилояти бўйича дастлабки кўрик-танлови 1992 йил 4 июлда Яккабоғ туман маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Кўрик-танловда I ўринни Ғузур туманидан Ҳусан Қурбонов эгаллади³. Шунингдек, 1992 йил 25-26 декабрда Нарпайнинг Октош шаҳрида Ислон шоир Назармат ўғли таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб ўтказилган бахши-шоирлар республика кўригида Чирокчи туманидан Шомурод бахши Тоғай ўғли иштирок этиб, фахрли III ўринни эгаллади⁴.

Бахши шоирлар аждодларимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган халқ оғзаки ижоди, маданият ва санъатини янада бойитишда алоҳида хизмат кўрсатганлар. Истиқлол Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси бахши-шоирлар ҳақида маълумотлар тўплаш, уларнинг тазкирасини тузиш, улар ижодини тарғиб этиш учун кенг имкониятлар очди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида халқ ижодининг турли йўналишлари бўйича кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб борилди. Масалан, 1993 йил 4 мартда Қашқадарё вилояти Ғузур туманида “Алла” ижрочиларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. “Алла” қўшиғи ўзбек халқ оғзаки ижодининг нодир намуналаридан ҳисобланиб, республиканинг турли ҳудудларида уни ижро этишнинг ўзига хос усуллари шаклланди. Ҳар бир ижрочи ўзи яшаб турган ҳудудларга хос бўлган урф-одатларни намойиш қилди. Кўрик-танловда I ўринни Қамаш тумани, II ўринни Китоб тумани, III ўринни эса Ғузур тумани эгаллади. Шунингдек, 1993 йил 22 мартда Қашқадарё вилояти Қамаш тумани Қамай қишлоғида бахши-шоирларнинг анъанавий вилоят кўрик-танлови ҳам ўтказилиб, танловда деҳқонободлик Қаҳҳор бахши I ўрин, Абдумурод бахши II ўрин ва III ўринни Сафар бахши Назаровлар эгаллашди⁵.

Миллий урф-одатлар, маросим ва анъаналарни тарғиб этиш, унутилиб кетган қўшиқлар, рақслар ва миллий либосларини қайта тиклашда халқ ижодий жамоаларининг ўрни катта бўлди. Бу каби ижодий жамоалар сони кўпайиб борди. Масалан, 1993 йил Сурхондарё вилоятида 107 та бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва дасталари бўлиб, уларда 1666 нафар қатнашчи фаолият олиб борди⁶.

Бойсун туманида “Шалола” ашула ва рақс дастаси томонидан “Лолача”, “Ҳадурси”, “Ҳалинчак”, “Яхши йигит” каби халқ лапарлари қайта ўрганилиб, янгича талқинда ижро этилди. Бу борада “Бойсун” фольклор-этнографик халқ дастаси ва “Қуралай” болалар фольклор-этнографик дасталари ҳам халқ анъаналарини тарғиб этиш ва сақлашга муносиб ҳисса қўшди. “Бойсун” ва “Қуралай” фольклор-этнографик дасталари Наврўз байрамининг вилоят ва республика миқёсида нишонлаш тадбирларида фаол иштирок этди. Шунингдек, “Бойсун” дастаси 1993 йилнинг май ойида Туркия Республикасининг Сельчук шаҳрида бўлиб ўтган халқаро фольклор фес-тивалида иштирок этиб, ўзбек миллий рақс ва қўшиқларини намойиш этди⁷.

Сурхондарё вилояти маданият ишлари бошқармаси 1995 йил бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш бўйича махсус тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан жойларда муаяйн ишлар олиб борилди. Шу йили Ангор тумани маданият ишлари бўлимига қарашли марказий кутубхона қошида “Нилуфар”, болалар мусиқа мактаби

¹ Ўша жойда.

² Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 18-варақ.

³ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 7. 1-рўйхат, 19-иш, 13-варақ.

⁴ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 16-варақ.

⁵ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1-рўйхат, 76-иш, 8-варақ.

⁶ Ўз.РПДАСВФ, 454- жамғарма, 4- рўйхат, 200-иш, 33-варақ.

⁷ Ўша жойда.

қошида “Ғунча” ашула ва рақс, маданият уйи қошида “Чор қошиқ” ва “Бойчечак” фольклор-этнографик жамоалари ташкил этилди¹.

Бадий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш иши, айниқса, Жарқўрғон туманида яхши йўлга қўйилди. 1995 йил туманда 10 та бадий ҳаваскорлик жамоаси ташкил этилди. “Сурхон” ширкат хўжалигидаги “Парвоз”, Т.Шобиров жамоа хўжалигидаги “Дилрабо”, Алишер Навоий жамоа хўжалигидаги “Хумор”, А.Боймуродов жамоа хўжалигидаги “Гулдаста” дасталари шулар жумласидандир².

Режага киритилган тадбирларни амалга ошириш масаласи вилоят маданият ишлар бошқармаси кенгашида доимий муҳокама қилиб борилди. Масалан, Бойсун туманида бадий-ҳаваскорлик дасталарини тузиш ишларининг бориши хусусидаги масала кенгашда муҳокама қилинди ва унинг ютуқ ва камчиликлари атрофлича таҳлил этилиб, қарорлар қабул қилинди.

Жарқўрғон туманидаги “Сурхон” ширкат хўжалигининг “Сурхон гуллари” халқ ашула ва рақс дастаси 1995 йилда пахта йиғими мавсумида теримчиларга ҳисобот концертларини берди. Даста иштирокчиларидан ака-ука Нормирзо ва Нурмуҳаммад Сатторовлар, Феруза Мардонова, Нуриддин Тоштемиров, Ойша Қурбонова, Дилфуза Қурбонова, Чарос Норбетова, Насиба Алиханова, Азиза Боймуродова каби иқтидорли ёшлар пахтакорларга ўз санъатларини намойиш этди. Бу даста шу йили адиб Собир Термизий мукофотининг соҳиби бўлди³.

Бундай тадбирлар Қизирик туманида ҳам ўтказилди. Туман маданият уйи санъаткорлари Эргаш, Нигмат, Гилямбоб, Истара деҳқон фермер хўжаликлари пахтакорлари ҳузурида ўз куй-қўшиқлари ва рақсларини ижро этдилар. Ангор туманида маданият ходимлари икки гуруҳга бўлиниб, пахтакорларга “Ҳорманг энди, пахтакорлар” деб номланган бадий композиция намойиш этдилар⁴.

Сурхондарё вилояти бадий-ҳаваскорлик дасталарининг моддий таъминотини яхшилаш юзасидан вилоят ҳокимлиги ғамхўрлик қилиб борди. Масалан, 1995 йили Шўрчи туман маданият уйи тармоқ муассасаларига 35000 сўмлик мусика асбоблари ва 20000 сўмлик турли кийим-кечаклар олиб берилди. Олтинсой тумани маданият ишлари бўлими бадий ҳаваскорлар учун 70000 сўмлик халқ чолғу асбоблари сотиб олинди⁵.

Кўрилган тадбирлар натижасида 1995 йил Сурхондарё вилоятидаги бадий-ҳаваскорлик жамоалари сони 610 тага, ундаги аъзолар сони 7966 нафарга етди. Вилоятдаги энг фаол дасталардан бири Шўрчи туманидаги “Кумуш тола” халқ ашула ва рақс дастаси бўлиб, иштирокчилар “Наврўз - 95”, “Оилавий ансамбль”, “Пианиночилар танлови”, “Ёш мусиқачи - 95”, “Истеъдод - 95” республика кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллади⁶.

1995 йили Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллигини нишонлаш бўйича Сурхондарё вилоятининг Ангор, Жарқўрғон, Шўрчи, Шеробод, Қумқўрғон туманларида бир қатор хайрли ишлар бажарилди. Масалан, Жарқўрғон туман “Сурхон гуллари” ашула ва рақс халқ дастаси байрамга атаб, ўз концерт дастурларини ишлаб чиқди, Шўрчи туманида маҳаллий рассомлар ўртасида кўрик-танлов ташкил этилди, Қумқўрғон туман Наврўз маданият ва истироҳат боғида “Бир пиёла чой устида” деб номланган тадбир ўтказилди, Қизирик тумани қишлоқларида маданият ходимлари томонидан “Ҳар бир киши юртим деб, элим деб, ёниб яшамоғи керак” деб номланган кечалар ташкил этилди⁷.

Қишлоқ маданият ходимлари Ўзбекистонда ўтказиладиган йирик байрам тантаналарининг асосий иштирокчисига айланиб борди. Мустақиллик байрамига бағишланган байрам тадбирлари, Наврўз тантаналарида фаол иштирок эта бошлади. Шунингдек, йирик тантаналарда иштирок этувчи ижодий жамоалар турли кўрик-танловлар йўли билан аниқланди. Масалан, мустақилликнинг 4 йиллик тантаналарида иштирок этиш ҳукукини Жарқўрғоннинг “Сурхон гуллари” ашула ва рақс халқ дастаси раққоса кизлар гуруҳи ҳамда Денов туманнинг “Навнихол” ашула ва рақс халқ дастаси негизида ташкил этилган 70 кишилик бадий-ҳаваскорлик гуруҳи қўлга киритиб, пойтахтдаги катта байрамда ўз санъатларини намойиш қилиш имкониятига эга бўлдилар⁸.

¹ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1-рўйхат, 232-иш, 52-варак.

² Ўша жойда.

³ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1-рўйхат, 232-иш, 38-варак.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 232-иш, 53-варак.

⁶ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 232-иш, 54-варак.

⁷ Ўз.РПДАСВФ, 454- жамғарма, 4- рўйхат, 216-иш, 20-варак.

⁸ Ўз.РПДАСВФ, 454- жамғарма, 4- рўйхат, 216-иш, 20-варак.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти бадиий жамоалари 1995 йили республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда ҳам фаол қатнашди. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб аския ва кизикчиларнинг “Барҳаёт сиймолар” номли кўрик-танловининг биринчи боскичи 1995 йил 6 апрелда Деновда ўтказилди. Унда Сурхондарё вилоятидан 200 га яқин кизикчи ва аскиячилар, бадиий- хаваскорлик жамоалари иштирок этдилар. Мазкур танловда Денов туманидан Олия Бахромова, Сариосиё туманидан Жума Қаюмовлар I ўринни, Жарқўрғон туманидан Камол Тоштемиров, Қизирик туманидан Равшан Рўзиқулов ва Раъно Рўзиқуловалар II ўринни, Бойсундаги Наим Ортиқов ва Денов туманидан Зухриддин Тўраевлар III ўринни эгалладилар¹.

Замонавий кўшиқ ижрочиларнинг кўрик-танловларида Сурхондарё вилояти ёш ижрочилари ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалладилар. Масалан, замонавий кўшиқ ижрочиларнинг “Истеъдод - 95” республика кўрик танловида Шўрчи туманидан Нурмуҳаммад Ҳайитов қатнашиб II ўринни эгаллади. Деновлик Ақром Турсунов эса республика Маданият ишлари вазирлигининг дипломи ва фахрий ёрлиғи билан тақдирланди².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзусида кўшиқлар кўрик-танловлари ўтказиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилиниши муносабати билан барча кутубхоналарда, клуб муассасаларида кўрик-танловнинг Низомини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ишлари олиб борилди. Ушбу кўрик-танловни муваф-фақиятли ўтказишга бағишланган йиғилишлар ҳам ташкил этилиб, иштирок-чи жамоалар ва яққохон хонандаларга ҳар томонлама имкониятлар яратилди.

1996 йил 11 январда Сурхондарё вилояти ҳокимлигида вилоятда кўшиқлар кўрик-танловини ўтказишга бағишланган катта йиғилиш ўтказилиб, унда турли ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Ушбу кўрик-танловнинг биринчи боскичи 1996 йилнинг 5 январидан 15 февралигача болалар боғчалари, мактаблар, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар, жамоа хўжаликларида бўлиб ўтиши таъкидланиб, тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларнинг вазифалари белгилаб борилди. Биргина Шўрчи туманида ўтказилган кўрик-танловда 70 дан зиёд бадиий жамоалар ва ижрочилар қатнашди ва бунда 150 дан зиёд асарлар ижро этилди. Хусусан, Жарқўрғон туманидан танловда 32 та мактаб, 6 та жамоа хўжалиги ижрочилари ҳамда 1 та фольклор жамоаси иштирок этди³.

Ўзбек халқ мусиқа санъатини ривожлантириш, янги анъаналар билан бойитиш бўйича ҳам республика миқёсида тадбирлар ўтказилди. Масалан, миллий мусиқа санъатининг асосий таркибий қисми ҳисобланган мақом санъатини ўрганиш, халқ орасида тарғиб этишда ушбу санъат тури бўйича ўтказилган кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўлди. Масалан, буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, мақомчилар гуруҳи ва миллий халқ чолғу асбоблари ансамбллари кўрик-танловининг республика боскичи Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилди. Мазкур кўрик-танловда Бойсун тумани маданият уйи мақомчилари дастаси фахрли III ўринни эгалладилар⁴.

Фольклор-этнографик ижодий жамоалари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кўплаб ташкил этилди. Масалан, фольклор-этнографик халқ дасталари халқ орасида миллий урф-одатлар, миллий кўшиқ ва рақсларнинг асосий тарғиб этувчисига айланди. 1995 йил Сурхондарё вилоятида 15 та шу турдаги дасталар фаолият олиб бориб, Бойсун тумани маданият уйида ташкил этилган “Бойсун” фольклор-этнографик халқ дастаси улар орасида энг таниқлиси бўлди. Даста иштирокчилари 30 кишидан иборат бўлиб, уларнинг концерт дастури Ўзбекистон телевиденияси орқали бир неча маротаба намойиш этилди⁵.

Қашқадарё вилоятида жами 18 та бадиий жамоа “Халқ дастаси” унвонини олган, шундан, 17 таси тумани кишлоқларида фаолият олиб борди. Қашқадарё вилоятида фаолият олиб борган халқ дасталарининг 7 таси мустақиллик йилларида “Халқ дастаси” унвонини олди. Дасталарда иштирокчилар сони турлича бўлиб, 8 дан 24 нафаргача киши хизмат қилди. Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Чирокчи ва Китоб туманларида иккитадан “Халқ дастаси” жамоаси фаолият олиб борди. Вилоятдаги энг дастлабки халқ дасталаридан бири Шаҳрисабз туманида ташкил этилган

¹ Ўз.РПДАСВФ, 454- жамғарма, 4- рўйхат, 216-иш, 44-45-варақлар.

² Ўша жойда. 46-варақ.

³ Ўз.РПДАСВФ, 454- жамғарма, 1- рўйхат, 223-иш, 8-варақ.

⁴ Ўз.РПДАСВФ, 454- жамғарма, 4- рўйхат, 216-иш, 46-варақ.

⁵ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 232-иш, 59-варақ.

“Халқ театри” ашула ва ракс ансамблидир. Бу жамоа 1995 йили “Халқ дастаси” унвонига сазовор бўлди¹.

Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида “Халқ дастаси” унвонини олган жами 10 та ашула ва ракс дасталари фаолият олиб борди. Уларнинг аксарияти мустақилликкача “Халқ дастаси” унвонини олган. Улардан фақат Т.Шобуров жамоа хўжалигидаги “Дилрабо”, Сариосиё туман маданият уйи қошида ташкил этилган “Шодиёна” ашула ва ракс дастаси истиқлол йилларида “Халқ дастаси” унвонини олди.

Сурхондарё вилоятида “Бойсун” ашула ва ракс дастаси вилоятда биринчи бўлиб ушбу унвонга эга бўлди². 1996 йил 26 июнда Жарқўрғон туманидаги “Дилрабо” фольклор-этнографик дастаси Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида ўтказилган “Алла ва бешик удумлари” ижрочиларининг республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти бахшилари Ўрта Осиё микёсида ўтказилган кўрик-танловларда аксарият ҳолда фахрли ўринларни эгаллади. “Туркистон - умумий уйимиз” бахши-шоирларнинг халқаро кўрик-танловида кумқўрғонлик Исмоил Анваров I ўринни олиб, биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо мукофот билан тақдирланди. Бахши-шоирлар ватан олдидаги хизматлари учун муносиб тақдирланиб борилди. Сурхондарё вилояти бахшиларидаан бойсунлик Шоберди Болтаев ҳамда қизириқлик Мардонкул Хушбоқовлар “Республика маданий-маърифий ишлари аълочиси” нишонига тақдим этилди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил “Оила йили” деб эълон қилиниши тўғрисидаги Фармони ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг “Оила манфаатларини таъминлаш” борасидаги 1998 йил 13-февралда қабул қилинган 40-сонли қарорига биноан, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари вилоят илмий-услугият маркази томонидан йил мобайнида кўрик-танловлар, семинар ва кўргазмалар ўтказишга алоҳида эътибор берилди.

1998 йил 4 май куни “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб Термиз шаҳар “Глиэр” номли болалар мусиқа мактабида 35 ёшгача бўлган ёш бахши-шоирлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Вилоят кўрик-танловида ғалиб чиққан бахшилар 1998 йил 8 май куни Қарши шаҳрида ўтган Республика кўрик-танловида иштирок этиб, Кумқўрғон туманидан Зулхумор Шерназарова II ўринни, Шеробод туманидан Шодмон Эгамбердиев, Бандихон туманидан Сафар Шайдилов ва Музработ туманидан Расул Умиров III ўринга сазовор бўлишди⁴.

Қашқадарё вилояти дostonчилик санъатини ривожлантиришда Чирокчи, Деҳқонобод туман қишлоқлари муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолат инобатга олиниб, бахши-шоирларнинг кўрик-танловлари кўпинча қишлоқларда ташкил этилди. Масалан, 2001 йил 2 май куни Чирокчи тумани Чиял жамоа хўжалигининг Тукмор қишлоғида бахши шоир Азим бахши Хўжаев хотирасига бағишланган “Инсон хотираси мукаддас” деб номланган бахши шоирларнинг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда I ўринни Ёдгор бахши Хўжаев, II ўринни деҳқонободлик Қаҳҳор бахши Раҳимов, III ўринни чирокчилик Санжар Чубаев эгаллади⁵.

Сурхондарё воҳаси бутун жаҳон томонидан қадимги цивилизация ўчоқларидан бири сифатида тан олинган. Унинг моддий ва маънавий қадриятларини ўрганишга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб борди. 2001 йилда Бойсун тумани ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилди⁶. Бутун жаҳонда 19 та ана шундай маскан ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган.

2002 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг “Бойсун баҳори” Халқаро очик фестивалини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. Буйруқда белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан Сурхондарё вилоятида тайёргарлик ишлари олиб борилди. Мазкур фестивал 2002 йил 25 майда Бойсун туманида ўтказилиб, унда хорижнинг Англия, Франция, Япония, Россия каби ўнга яқин мамлакатидан санъатшунос-фольклоршунослар, тарихчилар, либос дизайнерлари иштирок этди⁷.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комис-сиясининг таклифига кўра, ўтказилган “Бойсун баҳори” халқаро очик фольклор фестивалининг дастури тўрт йўналишдан иборат бўлди:

1. Фольклор бадий жамоаларининг танлови.

¹ Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архивининг маълумотлар папкаси.

² Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 1164-иш, 17-варақ.

³ Ўз.РПДАҚВФ, 454-жамғарма, 4-рўйхат, 223-иш, 44-варақ.

⁴ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 653-иш, 57-варақ.

⁵ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 1040-иш, 5-варақ.

⁶ Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б. Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 551.

⁷ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 1161-иш, 11-варақ.

2. Анъанавий чолғу дасталари.
3. Халқ дасталари ижрочилиги.
4. Замонавий либослар дизайнлари танлови¹.

“Бойсун баҳори” халқаро очик фольклор фестивалини ўтказишдан асосий мақсад энг асл фольклор мусиқаси, кўшиқ ва рақслари намуналарини кенг оммага етказиш, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари сингдирилган халқаро маданий ва ижодий алоқаларни кенгайтириш, халқ ижодиётининг ўзига хос анъаналарини топиш, саралаш ва сақлаб қолиш, ёш авлодни халқ маросим ва урф-одатларига, мусиқа маданиятига, бадий хунармандчиликка ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат эди. Бу анжуман нафақат Бойсун санъати, урф-одатлари, балки кўпдан кўп юртлар, халқларнинг ноёб дурдоналарини ўрганиш, халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий урф-одатларини тарғиб-ташвиқ қилишда ғоят аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг 2002 йил 16 январда “Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги 6-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасининг 2002 йил 14 февралда 18-сонли буйруғи чиқарилди. Байрам тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ижодий ва ишчи гуруҳи тузилиб, режалар ишлаб чиқилди.

2002 йил Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги “Булбулиғўё” фольклор-этнографик халқ дастасининг дастури энг яхши Наврўз дастури деб баҳоланди².

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида жами 44 та фольклор-этнографик халқ дасталари фаолият олиб бориб, улардан 6 таси халқ дастаси унвонини олди. Сариосиё туманида 1974 йил ташкил этилган Зевари фольклор-этнографик дастаси 1994 йили Халқ дастаси унвонини олди. Бойсун фольклор-этнографик дастаси эса 1986 йил ташкил этилган бўлиб, 1988 йил халқ дастаси унвонини олган эди. Шунингдек, вилоятдаги Қуралай, Булбулиғўё, Қўнғирот, Жалойир фольклор-этнографик жамоалари ҳам халқ дастаси унвонига сазовор бўлди³.

Қашқадарё вилояти ҳам ўзбек халқи удумларини яхши сақлаб келган воҳалардан бири сифатида танилиб, вилоятда қатор фольклор-этнографик ансамбллари ташкил этилди. Бу фольклор-этнографик жамоаларининг барчаси мустақиллик йилларида ташкил этилди. Вилоятдаги 8 та фольклор-этнографик ансамбллариининг фақат биттаси Қарши шаҳрида фаолият олиб бориб, вилоятда биргина 1996 йил 4 та фольклор-этнографик ансамбли тузилди⁴ (13-иловага қаранг).

Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани бекаму кўст сақлаб келинаётган халқ анъаналари ҳудудларидан бири ҳисобланади. 2002 йил июнь ойида Китоб туманида фольклор жамоаларининг Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Анжуманда Қарши туманининг Ҳилола фольклор жамоаси ғолиб бўлиб, 2003 йилнинг май ойида Бойсун туманида ўтказилган “Бойсун баҳори” халқаро фестивалда иштирок этди⁵. Кўрик-танловда Ўзбекистон халқ бахшилари Шомурод бахши Тоғаев, Қаҳҳор бахши Раҳимов, Мусурмон бахши Келдиёровлар катнашдилар⁶.

Кўрик-танловларни ўтказиш жараёнида соҳа ишини йўлга қўйиш, ривожлантириш, истиқболдаги режаларни ишлаб чиқиш мақсадида маданият ходимларининг семинарлари ҳам ўтказилди. Деҳқонobodлик Абдуқаҳҳор бахши, Абдумурод бахши, Баҳром бахшилар Ўрта Осиё минтақасида ўтказиладиган танловларнинг доимий иштирокчиларига айланди.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида халқ ижоди ишини яхшилаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш мақсадида турли анжуманлар ҳам ўтказиб турилди.

2005 йил 10 март куни Қашқадарё вилояти маданий-маърифий ишлари вилоят илмий-методик маркази томонидан “Фольклор миллий руҳ, миллий мусиқа демакдир” мавзусида маданият уйи директорлари, бадий раҳбарлари ҳамда маданият ва истирохат боғлари директорларининг илмий-амалий семинари ташкил этилиб, анжуманда вилоятнинг энг чекка қишлоқларидаги клублар ва маданият уйлариини марказлаштириш ва уларда маданий-маъри-фий тадбирларни ўтказиш самарадорлигини ошириш, ёшларни маданий тадбирларга жалб қилиш, миллий халқ ўйинлари ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш, маданият муассасалари аҳолининг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш учун талаб ва истакларини ўрганиб, тадбирлар ишлаб чиқиш каби масалалар кун тартибига долзарб қилиб қўйилди⁷.

¹ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 1163-иш, 25-варақ.

² Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 1167-иш, 13-варақ.

³ Ўз.РМДА, М-7- жамғарма, 1- рўйхат, 1164-иш, 20-варақ.

⁴ Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 11-рўйхат, 43-иш.

⁵ Ўз.РМДА, М-7-жамғарма, 1-рўйхат, 1293-иш, 21-варақ.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви, “Қашқадарё вилояти клуб муассасаларида 2005 йил 9 ой давомида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида маълумотнома.”

Сурхондарё вилоятида ўтказиладиган “Бойсун баҳори” анъанавий очик фольклор фестивали кейинги йилларда ҳам мунтазам ўтказиб турилди.

2005 йил 18-22 май кунлари “Бойсун баҳори” IV анъанавий очик фольклор фестивали ўтказилиб, унда республикадан 450 нафар санъаткор иштирок этди. Мазкур фестивалда Қашқадарё вилоятдан “Чироқчи чироқлари” жамоаси, “Халқ пазандачилиги” танловида иштирок этган Сафар Курбонов “Чиял яхнаси” таоми учун ЮНЕСКО нинг “Фахрий дипломи” билан тақдирланди. Шунингдек, вилоят бахшиларида Шомурод бахши Тоғаев ва Очил бахши Чоршанбиевлар худди шундай дипломлар билан тақдирланди¹.

2005 йил 16 мартда Қарши шаҳрида фольклор-этнографик жамоаларининг анъанавий “Кўҳна замин оҳанглари” вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Танловдан мақсад ўзбек халқи, воҳамизнинг олтин мероси бўлиши фольклор асарларини кенг миқёсда тарғиб қилиш, шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган фольклор-этнографик жамоаларининг ижодий маҳоратларини ошириш ҳамда ривожлантириш, халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий анъаналар, удумлар, халқ кўшиклари ва рақсларини ўрганиш, уни ривожлантириш, ёшларда миллий урф-одатларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш бўлди. Танловда олий ўрин Қарши туманининг “Эгачим” фольклор дастасига, I ўрин Чироқчи туманининг “Чироқчи чироқлари” ҳамда Қарши туманининг Момогул фольклор-этнографик халқ жамоаларига, II ўрин Муборак туманининг “Занжирсарой” ҳамда Шаҳрисабз туманининг “Тоғ гули” фольклор-этнографик жамоаларига берилди².

2005 йил Бухоро шаҳрида республика фольклор-этнографик жамоаларининг кўрик-танловига Қашқадарё вилоятдан “Эгачим” дастаси иштирок этиб, фахрли II ўринни эгаллади ва Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган халқаро “Шарқ тароналари” фестивалида иштирок этиш учун йўлланма олди³.

Фольклор-этнографик жамоаларига бўлган қизиқиш йилдан йилга ортиб борди. Масалан, биргина 2005 йили Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида “Алпомиш”, Нишон туманида “Нурафшон”, Қамаш туманида “Маҳаллада дув-дув гап”, Косон тумани Оброн қишлоғида “Обиравон” фольклор-этнографик ансамбллари ташкил этилди.

Сурхондарё вилоятида ҳам бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва тўғарақлари сони кўпайиб борди. Вилоят бўйича ашула ва рақс ансамбллари сони 80, фольклор-этнографик жамоалари сони 50 дан ошди. Вилоятдаги фольклор-этнографик ансамблларнинг кўпчилиги, яъни 8 таси Бойсун, 7 таси Термиз туманига тўғри келди. Ашула ва рақс ансамбллари эса Денов, Шўрчи туманларида бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ бўлди⁴ (14-иловага қаранг).

Бадиий жамоалар ўртасида доимий кўрик-танловлар ўтказилиб турилди. 2006 йил 3 июлда Сурхондарё вилояти М.Уйғур номидаги мусиқали драма театрида “Мақом жамоалари” ва “Катта ашула ижрочилари” вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Бойсун тумани маданият уйи қошида ташкил этилган мақом жамоаси биринчи, Шўрчи тумани маданият уйининг мақомчилар жамоаси учинчи ўринни эгаллади⁵. Шўрчи туман марказий маданият уйи қошидаги “Хилол” миллий дорбозлар гуруҳи 2006 йил 28 мартдан 1 апрелгача Тошкентда ўтказилган “Миллий дорбозлар ва анъанавий цирк санъати” жамоаларининг Республика фестивалида муваффақиятли иштирок этди⁶.

2008 йил 15 майда Фарғона шаҳрида “Миллий дорбозлар ва анъанавий цирк санъати жамоаларининг Республика фестивали”да Шўрчи туман “Хилол” халқ миллий дорбозлар гуруҳи иштирок этиб, “Энг яхши дастур ижрочиси” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди⁷. Ўзбекистонда миллий мусиқий чолғу асбоблар кўرғазмалари ҳам ўтказилиб турилди. Масалан, 2008 йил 25-27 январь кунлари Тошкент шаҳрида “Миллий мусиқий чолғулар кўрғазмаси” бўлиб, унда Бойсун фольклор-этнографик халқ жамоаси аъзоларидан Н. Хурсанов, М.Аҳмедова ва Б.Худойкуловлар ўзлари ясаган мусиқа асбоблари билан кўрғазмада фаол иштирок этдилар⁸. Бундан ташқари, 2008 йил 30 апрель куни Қумқўрғон туман маданият уйида ёш бахши ва ўлан ижрочиларининг “Бобомдан мерос наволар” мавзусида вилоят фестивали ўтказилди.

¹Ўша жойда.

²Ўша жойда.

³Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви. “Қашқадарё вилояти клуб муассасаларида 2005 йил 9 ой давомида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида маълумотнома.”

⁴Ўз.РПДАСВФ, 143-жамғарма, 11-рўйхат, 43-иш.

⁵Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жорий архивининг маълумотлар папкаси.

⁶Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архиви. “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2006 йилдаги иш фаолияти бўйича маълумотнома”.

⁷Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архиви. “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2006 йилдаги иш фаолияти бўйича маълумотнома”.

⁸ Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архивининг маълумотлар папкаси.

Фестивалнинг энг яхши ижрочи бахши номинацияси бўйича Олтинсой туманидан К.Муҳаммадиев, Музработ туманидан М.Холтўраев, энг ёш ижрочи номинацияси бўйича Денов туманидан Э.Маматмуродов, Қумқўрғон туманидан К.Мусурмонов, энг яхши дoston ижрочиси номинацияси бўйича Қумқўрғон туманидан А.Бобоқулов, энг яхши терма ижрочиси номинацияси бўйича Қизирик туманидан Ч.Жумаевлар ғолиб деб топилди¹.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида бадий-ҳаваскорлик жамоалари ишини яхшилаш юзасидан семинар йиғилишлари кейинги йилларда ҳам ўтказиб турилди. 2008 йил 9 февралда Ангор туман Занг қишлоқ маданият уйида “Клуб ишининг янгича услуби” мавзусидаги ўқув семинари ўтказилди. 2008 йил 21 апрелда Шўрчи туман маданият уйида “Бадий ҳаваскорлик жамоалари ишини ривожлантириш, тажриба ва муаммолар” мавзусида туман бадий жамоаларининг семинари бўлиб ўтди².

2008 йил 30 апрелдан 5 майгача Қашқадарё вилояти Китоб туманининг Қайнар ва Қоратепа адирларида “Ўзбекистон маданият ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан “Асрлар садоси” фестивали ўтказилди. Фестивалда Ўзбекистондаги таниқли фольклор-этнографик жамоалар ва ўндан ортик ижрочи бахшилар ҳамда анъанавий ижрочилик бўйича ўттиздан ортик ва 8 та ижрочи гуруҳлар иштирок этди. Учта йўналиш бўйича кўрик-танлов ҳамда миллий либосда халқ амалий санъати ва ҳунармандларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, фестивалда Фарғона ва Қашқадарё дорбозлар гуруҳи ҳам ўз дастурлари билан иштирок этди³.

Мустақиллик йилларида халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналаридан бўлган бахшичилик санъатини ривожлантириш, ёшларимизни қадимий халқ кўшиқлари, анъаналари, удумларини унутмасликлари мақсадида кўплаб кўрик-танловлар ўтказилиб, ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида бахшичилик тўғараклари ташкил этилди. Сурхондарё вилоятида 4 та Халқ бахшиси унвонига сазовор бўлган бахшилар ижод қилади. Улар Бойсун туманидан Шоберди Болтаев, Қизирик туманидан Абдуназар Поёнов, Денов туманидан Бобораим Маматмуродов, Музработ туманидан Қора Умировлардир. Вилоятда кўплаб ёш бахшилар ҳам ўз ижодлари билан кўплаб муваффақиятларга эришдилар. Жумладан, 2006 йил музработлик ёш бахши Илҳом Норов “Ниҳол” мукофоти совриндори бўлди.

Бахшичилик санъати намоёндалари фаолияти мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилди, улар ҳақида асарлар ёзилиб кинофильмлар яратилди. 1992 йил Абдуназар бахши Поёнов, Қаҳҳор бахши Қодир ўғли, Хушвақт бахши Мардонқуловдан ёзиб олинган дostonлардан парчалар АҚШда инглиз тилида чоп этилди⁴. Ёзувчи Нормурод Норқобилов Абдуназар бахши ҳақида “Жўшқин дарё” номли бадиа ёзди. 2005 йилда у “Фан” нашриётида чоп эттирди. Абдуназар Поёновнинг терма ва дostonларидан парчалар ленталарга ёзилиб, кино сифатида ЮНЕСКО ташкилотига юборилди. Профессор, санъатшунослик фанлари доктори Рустамбек Абдуллаевнинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан чоп этилган “Бойсун традиционал мусиқа маданияти” номли китобида Абдуназар бахши ижоди ҳақида маълумотлар киритилди. Абдуназар бахши 2006 йилда “Ўзбекистон Республикасининг 15 йиллиги” нишони билан тақдирланди.

Қизирик туманидан Панжи бахши Тожиев 1999 йилда “Алпомиш дostonининг 1000 йиллиги”га бағишлаб ўтказилган халқаро бахши-шоирлар ва оқинларнинг кўрик-танловида фахрли ўринни эгаллади⁵.

“Бахши-шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо “Бахшили эл - яхшили эл” деб таърифланади. Қодир шоир ва Шоберди бахши каби дostonчиларнинг номларини эътироф билан тилга оламиз⁶”, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Бахшилар ўз ижро услуби билан бир-биридан фарқ қилади. Шунга мувофиқ улар турли дostonчилик мактабларига бириккан. Ўзбекистон жанубида асосан Шеробод, Чироқчи, Бешқўтон, Бойсун, Қамай каби дostonчилик мактаблари вакиллари ижод қилди. Улар орасида айниқса Шеробод ва Чироқчи дostonчилик мактаби вакиллари халқ анъаналарини чуқурроқ сақлаб мустақиллик йилларида ҳам самарали ижод қилишмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архивининг маълумотлар папкаси.

² Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасининг жорий архивининг маълумотлар папкаси.

³ Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасининг жорий архиви, 2008 йил ҳисоботи.

⁴ Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архивининг маълумотлар папкаси.

⁵ Ёргашев А., Хушмуродова И. Истиқлол ва фольклор. – Тошкент, 2006. – Б. 26.

⁶ Маърифат, 1999, 10 ноябрь.

Ўзбекистон Жанубий вилоятларида мустақиллик йилларида Махманов Шомурод Тоғаевич, Ражабов Махматмурод Исмоилович, Шомурод бахши Болтаев, Чоршанбиев Очил бахшилар энг машҳур бахши-шоир сифатида тилга олиниб келинди¹.

Мустақиллик йилларида анъанавий халқ ижодига бўлган қизиқиш ортиб борди. Бунда маданий-маърифий муассасалар алоҳида ўрин эгаллайди. Халқ ижодини тарғиб этиш маданий-маърифий муассасаларда турли микёсда ва ҳар хил усулда амалга оширилди. Қишлоқ жойларда халқ ижодининг анъанавий кўринишларидан фойдаланиш ва тарғиб этиш шаҳарга нисбатан осонроқ кечди. Тадқиқ этилаётган масала юзасидан қуйидаги хулосага келинди:

1. Ўзбекистон қишлоқлари маданий-маърифий муассасалари бозор муносабатларига ўтиш даврига хос бўлган мураккабликлар, қийинчиликлар-ни бошидан кечирди. Кишилар эҳтиёжи, давлат талабига жавоб бермайдиган маданий-маърифий муассасалар қисқартирилиб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган нодавлат сектори вужудга келтирилди. Шунингдек, маданий-маърифий муассасаларда ҳам пуллик, ҳам бепул хизмат турлари мавжуд бўлди. Қишлоқ маданий-маърифий муассасаларида ашула ва рақс, рубоб, доира уюшмалари, бичиш-тикишга ўргатиш каби тўғараклар асосий иш усуллари бўлиб қолди. Янги ижодий уюшмалар ҳам шаклланди. Масалан, фольклор-этнографик уюшмалари, асосан, туман ва қишлоқ маданий-маърифий муассасалар ҳузурида ташкил этилди.

2. Маънавий-ахлоқий тарбияга асосан ёшлар муҳтож бўлади. Шу туфайли Ўзбекистонда кейинги йилларда маданий-маърифий муассасалар аудиторияси ёшлар ҳисобига тўлдириб борилаяпти.

3. Маданий-маърифий муассасалар янги шароитларда ишлашга тўла мослаша олмаётганлиги туфайли қисқартиришлар йўлидан борилди. Чунки, маданият ходимларининг кўпчилиги ўзларига берилган имкониятдан етарли даражада фойдаланишмади. Уларга пуллик хизмат кўрсатиш ва қўшимча маблағ топиш учун кенг йўл очилган бўлса-да, етарли тажриба бўлмаганлиги сабабли ижодий изланишлар олиб бормадилар. Бу эса қишлоқ маданият ўчоқларининг қисқаришида асосий омил бўлиб хизмат қилди.

4. Мустақиллик йилларида анъанавий халқ ижодига бўлган эътибор кучайди. Ижоднинг бу йўналиши айниқса қишлоқ жойларида ривожланди. Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида янгидан янги ижодий жамоалар тузилиб, улар ўртасида турли кўрик-танловлар ўтказилди.

¹ Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архивининг 2008 йилги маълумотлар папкаси.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ва маданий ҳаётнинг йўлга қўйилишини қишлоқлар мисолида таҳлил этилиши натижасида қуйидаги асосий **хулосаларга** келинди:

1. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ижтимоий ва маданий соҳалар тубдан ислоҳ қилиниб, улар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, маданий ҳаётини ривожлантириш юзасидан қатъий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиб борилди.

2. Республика аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиши ҳисобга олиниб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айлантирилди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг қишлоқ аҳолиси ижтимоий ҳимоясини ташкил этишда ўзига хос омиллари мавжуд бўлди. Чунки, барча тарихий даврларда қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисига нисбатан тез ўсиб бориши кузатилади. Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси сонининг кўпайиши бўйича Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида юқори кўрсаткич қайд этилади. Давлат аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндашишига ҳамда моддий ёрдамга бўлган аҳоли қатламларининг эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олишга эътибор қаратди.

3. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий ҳимоя тизими ишини ташкил этишда қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бу каби ҳолатлар соҳа ходимларининг ўз вазифаларига маъсулият билан ёндашмаганликларида, тизим ишини ривожлантириш бўйича етарли тажриба ва билимга эга эмаслигида яққол намоён бўлди. Ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилишлари туфайли муҳтож оилалар четда қолиб, моддий ёрдамга эҳтиёжи бўлмаган кишилар давлатдан моддий ёрдам олганлар, аммо Ўзбекистон ҳукумати томонидан ижтимоий ҳимоя тизимидаги камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, оммавий-ижтимоий ҳимоялаш тартибидан ишончли ижтимоий қафолатлар ва ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида ўтиш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқилди ва соҳа фаолиятида туб бурилиш ясалди.

4. Ижтимоий таъминот бўлимлари ишини йўлга қўйиш юзасидан ҳам қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қишлоқларда ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, ўқитиш, касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш энг муҳим вазифалар қаторидан жой олди. Шунингдек, ижтимоий таъминот масаласи турли вазирликлар, ҳокимлик йиғинларида узлуксиз муҳокама қилиниб, ютуқ ва камчиликлар қайд этиб борилди. Соҳа ишини янада ривожлантириш мақсадида ходимлар ўртасида долзарб мавзуларда семинарлар, беллашув ва кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланди.

5. Аҳолини иш билан таъминлаш бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги жиддий муаммолардан бири эканлиги ҳисобга олиниб, қишлоқларда ҳам янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Қишлоқларда “Бандлик” дастури режаларининг бажарилиш мониторинги ташкил этилиб, доимий назорат олиб борилди. Бандлик хусусида мурожаат қилган фуқароларнинг аризалари аксарият ҳолларда қондириб борилди.

6. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизими сифат жиҳатдан бутунлай янги поғонага кўтарилиб, жаҳон стандарти талабларига мувофиқ ташкил этилди. Республикада узлуксиз таълимни йўлга қўйиш, соҳа ривожини таъминлайдиган ислохотларни амалга ошириш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, бу борадаги давлат сиёсатида қишлоқ мактаблари муҳим ўрин эгаллади. Мактабгача таълим муассасалари зиммасига болани мактабга жисмонан, маънавий ва руҳий тайёрлаб бериш вазифаси юклатилди. Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқланди-ки, мактабгача тарбия муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш иши Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ночор аҳволда бўлган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу турдаги муассасалар сони камайиб, уларга болаларни қамраб олиш фоизи ҳам тушиб борганлиги кузатилади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқларида болаларнинг боғчаларга қатнаш кўрсаткичи 30 фоизга ҳам бормади. Хусусий болалар боғчаларини ташкил этиш эътибордан четда қолди.

7. Ўзбекистонда таълим-тарбия ишини яхшилашнинг асосий шарти сифатида кадрлар сиёсати белгиланди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари таълим муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш иши яхшиланиб, мутахассислар сони йилдан-йилга ортиб борди. Аммо, таълим муассасаларида баъзи ихтисосликлар бўйича кадрлар танқислиги кучли сезилиб турди. Қишлоқ мактабларини чет тили, физика, тарих каби фанлар бўйича ўқитувчилар билан таъминлаш жиддий муаммолардан бирига

айланди. Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан давлат томонидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилиши натижасида иш ҳақлари оширилиб, ўқитувчиларга коммунал тўловлар, уй-жойларни хусусийлаштиришга имтиёзлар белгиланди.

8. Ўзбекистонда маданий-маърифий муассасалар давлатнинг моддий қўллаб-қувватлаши орқали ўз фаолиятини юритди. Маданий-маърифий муассасалар аудиторияси ёшлар ҳисобига тўлдириб борилди. Аммо маданий-маърифий муассасалар янги шароитларда ишлашга тўла мослаша олмаётганлиги сабабли қискартиришлар йўлидан борилди. Бу даврда маданий-маърифий муассасалари бозор муносабатларига ўтиш даврига хос бўлган мураккабликларни бошидан кечирди. Кишилар эҳтиёжи, давлат талабига жавоб бермайдиган маданий-маърифий муассасалар қискартирилиб, соҳада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган нодавлат сектори вужудга келтирила бошланди. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятининг асосий эътибори асосан бадиий ҳаваскорлик тўғракларига қарати-либ, халқ ижодиётининг бошқа йўналишлари, хусусан, техника тўғраклари, касб ва соҳалар бўйича тўғрақлар очиш ва оммани жалб этиш ишлари бироз суст олиб борилганлиги аниқланди. Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда маданий-маърифий муассасаларнинг ташкил этилиши ва улар учун бинолар қурилишида ўтган ўн йилликларда маълум бир тартибга амал қилинмади. Баъзи туман қишлоқларида бир неча маданият уйлари барпо этилган бўлса, баъзи туманларда бирорта бу турдаги муассаса фаолият олиб бормади.

9. Мустақиллик йилларида анъанавий халқ ижодига бўлган қизиқиш ортиб борди. Халқ ижодини тарғиб этиш ишлари барча жойларда ҳар хил миқёсда ва турли хил усулда амалга оширилди. Қишлоқ жойларда халқ ижодининг анъанавий кўринишларидан фойдаланиш ва тарғиб этиш шаҳарга нисбатан осонроқ кечди ва қишлоқларда янгидан-янги ижодий уюшмалар шаклланди. Масалан, фольклор-этнографик уюшмалари асосан туман ва қишлоқ маданий-маърифий муассасаларида ташкил этилди. Мустақиллик йилларида маданий-маърифий муассасаларда муайян ишлар амалга оширилди. Ҳатто, бу турдаги муассасалар маълум бир ишлаб чиқариш жараёнлари билан шуғулланувчи маданият корхонасига айланди.

10. Мустақиллик йилларида халқ ижоди намуналарини ўрганиш, тарғиб этиш ва ривожлантириш юзасидан кўплаб тадбирлар ишлаб чиқилди. Халқ ижодиётининг турли йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айлантирилди. Ҳар йили бадиий ҳаваскорлик жамоалари, аскиячи ва қизикчилар, бахшиларнинг танловлари ўтказилди. Бу турдаги танловлар халқ ижодиёти анъаналари яхши сақланганлиги боис, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтди. “Бойсун баҳори”, “Асрлар садоси” анъанавий фольклор фестиваллари шулар жумласидандир. Ўзбекистонда халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бахшичилик санъатини ривожлантириш ишига ҳам жиддий эътибор берилди. Бахшилар асосан қишлоқларда етишиб чиқишлари инobatга олиниб, қишлоқларда бахши-шоирларнинг тўғраклари ташкил этилди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан кўплаб шоирлар “Халқ бахшиси” фахрий унвонига сазовор бўлди. Бахши шоирлар нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўплаб халқаро кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этдилар.

Диссертация иши натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги **таклиф** ва **тавсия**ларни илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– Ўзбекистонда қишлоқлар турли тарихий даврда турлича ривожланди. Илк қишлоқларнинг вужудга келиши ва унинг шарт-шароитлари, ўрта асрларда қишлоқ жамоаларининг аҳволи, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон қишлоқларининг яхлит тарихини яратиш ва уни нашр эттириш шарт;

– маданий-маърифий муассасалар иш фаолиятини янада жонлантириш мақсадида уларга нодавлат ва нотижорат ташкилотларни кўпроқ жалб этиш лозим;

– шу кунга қадар Ўзбекистон бахшичилик санъати ва унинг намоёндалари фаолиятини тарихий нуқтаи назардан махсус тадқиқ этилмади. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, Ўзбекистон жанубий вилоятлари бахшичилик мактаблари тарихи бўйича махсус рисола ёзиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар: XII қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзлаган нутқи. – Т: Ўзбекистон, 1992. – 38 б.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т: Ўзбекистон, 1993. –364 б.
- 1.4. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи. –Т: Ўзбекистон, 1994. – 72 б.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.–Т: Ўзбекистон, 1996. Т.3. –366 б.
- 1.7. Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охиригача етказайлик. Асарлар. 2-жилд. –Т: Ўзбекистон, 1996.
- 1.8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.–Т: Ўзбекистон, 1997. Т.5.– 384 б.
- 1.9. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. (Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи.) Баркамол авлод орзуси. –Т: Шарқ, 1997. – 69 б.
- 1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т: Ўзбекистон, 1998. Т.6. – 429 б.
- 1.11. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т: Ўзбекистон, 1998. –479 б.
- 1.12. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.–Т: Ўзбекистон, 1999. Т.7. –410 б.
- 1.13. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т: Маънавият, 2008. –176 б.
- 1.14. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш–бизнинг олий мақсадимиз. –Т: Ўзбекистон, 2009. Т. 17. – 280 б.
- 1.15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 1.16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.–Т: Ўзбекистон, 2010. –80 б.
- 1.17. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т: Ўзбекистон, 2010. –56 б.
- 1.18. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
- 1.19. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилдлик. 12-жилд. –Т: Давлат илмий нашриёти, 2006. –712 б.

II. Архив ҳужжатлари ва материаллари:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎЗРМДА)

- 2.1.1. ж.М-7.– Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ишлари
- 2.1.2. ж.М-26.– Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

2.2. Сурхондарё вилояти Давлат Архиви (СВДА)

- 2.2.1. ж.331.– Сурхондарё вилоят Ижтимоий таъминот бўлими

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президент Девони архиви Сурхондарё вилояти филиали (Ўз ПДАСВФ)

- 2.3.1. ж.143.– Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
- 2.3.2. ж.454.– Сурхондарё вилоят маданият бошқармаси

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президент Девони архиви Қашқадарё вилояти филиали (Ўз РПДАҚВФ)

- 2.4.1. ж.829.– Қашқадарё вилояти ҳокимлиги
- 2.4.2. ж.846.– Қарши туман ҳокимлиги
- 2.4.3. ж.848.– Қасби туман ҳокимлиги
- 2.4.4. ж.850.– Қамаш туман ҳокимлиги
- 2.4.5. ж.851.– Косон туман ҳокимлиги
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг жорий архиви.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси жорий архиви.
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси жорий архиви.
- 2.8. Сурхондарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви.
- 2.9. Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви..
- 2.10. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви.
- 2.11. Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви.

III. Ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари:

- 3.1. Основные показатели работы и анализ развития сети и деятельности культурно-просветительных учреждений за 1988-1989 гг. С-9 1998-1999 йилдаги маданий-маърифий муассасаларининг асосий кўрсаткичлари. –Т., 1999.
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг тизим соҳасига айрим маълумотлар. –Т., 2003.
- 3.3. Қасби туман халқ таълими бўлимининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури” доирасида амалга оширилган ишлар ҳисоботидан.

IV. Статистик тўпламлар:

- 4.1. 4.2. Социальное развития и уровень жизни населения Узбекистана. (Ст. сб). – Т., 2008.
- 4.3. Образование Узбекистана. Статистический сборник. –Т., 2008.
- 4.4. Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим тизими. Статистика тўплами. Фактлар ва рақамлар. 2000-2006.– Т., № 5. 2007.–122 б.
- 4.5. Қашқадарё вилояти социологик тадқиқоти, (ҚВХРС) Таҳлил, март, –Қарши., 2007.– 97 б.
- 4.6. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви.
- 4.7. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви.

V. Қарорлар:

- 5.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1992 йил 29 январь. – № 36.
- 5.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1996 йил май. – № 182.
- 5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1997 й июль. – № 333-380.
- 5.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. 1997 й. 19 сентябр.
- 5.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. 1998 й. 17 март.
- 5.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1999 йил июнь. – № 278-317.
- 5.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1999 йил декабрь. – № 516-553.
- 5.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 2003 йил сентябрь. – № 382-418.
- 5.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. 2003 йил. октябр.

VI. Адабиётлар:

- 6.1. Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгиланиш йўлида. –Т: Ўқитувчи, 2000.–208 б.
- 6.2. Йўлдошев Ж.Ф. Таълимимиз истиқлол йўлида. –Т: Шарқ, 1996. – 224 б.
- 6.3. Жўраев А. Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт. –Т: Мехнат, 1992.–136 б.
- 6.4. Каримбеков Қ., Қораев Ш. Маънавият ҳисси. –Т: Ўқитувчи, 2000.
- 6.5. Маврулов А. Маънавий соғломлаштириш даври. –Тошкент: “O’zbekiston”, 1992 –195 б.
- 6.6. Мўминова Г. Ижтимоий ҳимоя- давлат йўналишининг бош йўналиши. – Қарши: Насаф, 2007. – 36 б.
- 6.7. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. –Т: Мухаррир. 2009.–432 б.
- 6.8. Исломов М., Маматқазин А., Дадабоев Ю., Мамадалиев А. Қишлоқ ва бозор: ўтиш даври аграр-иқтисодий муаммолари. – Тошкент: Мехнат, 1992.–111 б.
- 6.9. Нурмухаммедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. –Т: Ўқитувчи, 1993.
- 6.10. Нурмухаммедова М. Х., Культура Узбекского села: проблемы и суждения. –Т: Ўзбекистон, 1993.
- 6.11. Отабоев Ш., Турсунов Э., Мўминов Б. Оила, маҳалла, экология ва саломатлик муаммолари. –Т., 2008.–100 б.
- 6.12. Содиқова М., Истиқлол шароитида қишлоқ маданияти ва жамоат ташкилотлари. –Т: Фан, 2005. –84 б.
- 6.13. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Т: Шарқ, 2004. –608 б.
- 6.14. Турсунов С.Н. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой маиший шароитларини яхшилаш муаммолари. (1946-1965 йиллар). –Т: Термиз Давлат Университети, 1994. –32 б.
- 6.15. Умаров У. Қишлоқда иқтисодий маърифий ислохотларнинг ҳуқуқий масалалари. –Т: Фан, 1995. –25 б.
- 6.16. Қиличева К. Ўзбекистон қишлоқ мактабларининг жойлашиш хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар. –Т., 1995.–32 б.
- 6.17. Усмонова М., Кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш. –Т.: Фан, 1994. – 22 б.
- 6.18. Эргашев А., Хушмуродова И. Истиқлол ва фольклор. –Т., 2006. –84 б.
- 6.19. Эргашева Ю. Культура Узбекистана: тенденции и проблемы развития. –Т: Фан, 1997. – 210 с.
- 6.20. Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида (Сиёсий-фалсафий таҳлил) –Т: Шарқ, 1998. –159 б.
- 6.21. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-жилд. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т: Шарқ, 2000.– 560 б.
- 6.22. Қишлоқ жойлар демографияси: монография. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. – Т., 2005. –140 б.
- 6.23. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. (Амалий қўлланма) –Т: Ilm Ziya, 2009. –312 б.
- 6.24. Қарши Давлат университети. (Тузувчи проф.О.Жўрақулов) –Т: Шарқ, 2002.–32 б.
- 6.25. Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика, опыт, перспективы.–Тошкент, 1993.–56 б.
- 6.26. Холматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. –Т., 2000. –24 б.

VII. Хорижий адабиётлар:

- 7.1. Kaser, Michael; Mehrota, Santosh. The Central Asian Economias after International Affairs. –London, 1992.
- 7.2. Brzezinski Zb. The cold war and its after-math // Foreihg Affairs.–N.Y., 1992.
- 7.3. Nadi E. Ethnicity and Isiam in Central Asia // Central Asia survey. Abingdon, 1993.
- 7.4. Lubin N. Central Asian: Issues and challenges for United States politicly.//The nev geopolitics of Central Asia and its borderlands. Ed. Bu Ali Banuazizi and Muran Weiner, J. 8.Touris and Co. Ltd. – I.W.Y. 1994.
- 7.5. Olcott M. Facing the future: twelve myths about Central Asia // Proceedigs of the Central Asian Conference on Regional Cooperation 5-7 June, Lake Issyk-Kul Bishkek, 1995.

- 7.6. Zonnert G. Nationalism between Modernisation and Demodernisation // Canadian Review of Studies in Nationalism. Charlottetown. 1998. Vol 15, - № 1\2.
- 7.7. Виноградова Л. Экономическая интеграция в СНГ и опыт третьего мира // Мировая экономика и международные отношения. – Москва. 1995. - № 9. – С.22-28.
- 7.8. Колесников В. Узбекская модель развития // Эксперт Евро Азии. – Москва. 1995. - № 9. – С. 34-39;
- 7.9. Жуков С. Казахстан, Киргизстан, Узбекистан в социально-экономических структурах современного мира // Мировая экономика и международные отношения. – Москва. 1997. - № 9. – С.45-60.

VIII. Фойдаланилган Интернет сайтлари:

surxon.gov.uz.
www.statistics.uz

IX. Автореферат ва диссертациялар:

- 8.1. Абдуллаев Т.Я. Повышения культурного уровня сельской молодежи в новых социальных условиях. (На материале Узбекистана): Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. –Т., 1991. – 29 б.
- 8.2. Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истикболлари. (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида): Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Т., 2010. – 31 б.
- 8.3. Исмоилова З.У. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида қишлоқ турмуш тарзи янгиланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий омиллари: Фалсафа фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Т., 1999. – 23 б.
- 8.4. Маврулов А.А. Культура Узбекистана на современном этапе: общее состояние. Проблемы. Тенденции развития (середина 70-х-1990 гг) Автореф. дис. ... докт. ист. наук. –Тошкент., 1993. – 55 б.
- 8.5. Мусабаев К.А. Сельская интеллигенция Кыргызстана. (1985-2005 гг.): Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Бишкек, 2007. – 24 б.
- 8.6. Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмоли учун саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспекти: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. автореф. –Т., 2006. – 25 б.
- 8.7. Насыров Р.А. Социальное развитие села Узбекистана (1965-1985): Автореф. дисс. ... д-ра ист. наук. –Т., 1994.
- 8.8. Нарбеков А. Развитие сельских учреждений культуры Узбекистана и их место в формировании нового человека. (1975-1985 гг). Автореф. дис.... докт. ист. наук. –Тошкент., 1991. – 24 б.
- 8.9. Рамазонов И. Шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг ҳаёт шароитларини яқинлаштириш муаммолари: Фалсафа фанлари д-ри ... дисс. автореф. –Т., 1992. – 24 б.
- 8.10. Тилаев Э.Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (Жанубий вилоятлар мисолида): Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Т., 2010. – 26 б.
- 8.11. Узоков Б.Н. Социальные аспекты развитие орошаемого земледелия в Узбекистана в 60-е нач. 70-х гг (на материалах южных областей). Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Тошкент: 1992. – 17 с.
- 8.12. Хаджиева М.Д. Социальное развитие села Узбекистана в конце 70-х и начале 80-х годов: опыт и проблемы. Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Тошкент: 1992. – 26 с.
- 8.13. Худойбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири: Иқтисод фанлари д-ри ... дисс. автореф. –Т., 1997. – 32 б.
- 8.14. Хўшбоқов П.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши: муаммо ва зиддиятлар (Самарқанд вилояти мисолида) Автореф. дис.... т.ф.н. – Тошкент: 2007. – 32 б.
- 8.11. Кувватова Н.Қ. XX асрнинг 20-80 йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти. (Қашқадарё вилояти мисолида): Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Т., 2010. – 28 б.
- 8.12. Эшматов М.Э. Қишлоқ ёшлари жисмоний ва маънавий қиёфасига экологик вазиятнинг таъсири: Фалсафа фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Т., 1994. – 24 б.
- 8.13. Эргашева Ю.А. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы): Автореф. дисс. ... д-ра ист. наук. –Т., 1998. – 34 б.
- 8.14. Эгамбердиев Р.И. Қишлоқ жойларда саноат корхоналарини жойлаштиришнинг асосий йўналишлари. (Наманган вилояти мисолида): Иқтисод фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Т., 2006. – 24 б.
- 8.15. Эрматов Ш.А. Ўзбекистонда қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар: Сиёсий фанлар номзоди... дисс. автореф. –Т., 2007. – 36 б.
- 8.16. Янгибоев Б.Я. Ўзбекистон қишлоқ жойларида истеъмол бозорининг социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш: Иқтисод. Фанлари д-ри ... дисс. автореф. –Т.- Самарқанд, 1993. – 28 б.

IX. Даврий матбуот:

9.1. Журналлар:

- 9.1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. Хабарнома – № 15. 1994 й., июль-сентябрь.
- 9.1.2. Алиев Ғ. Тараққиётнинг муҳим омили // *Huquq va burch*. – 2009. – № 2.
- 9.1.3. Бегимкулов З. Пенсиялар қалб ардоғида // *Саховат*. – Тошкент, 1998. – № 1.
- 9.1.4. Ваҳобов А. Қишлоқда ижтимоий соҳа // *Иқтисод ва ҳисобот*. – Тошкент, 1996. – № 2.
- 9.1.5. Дадабоев Ш. Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ этиш ва кадрлар тайёрлаш муаммолари // *Иқтисодиёт ва таълим*. – Тошкент, 2005. – № 4.

- 9.1.6. Маҳмудов О. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда молиявий лизингни қўллаш имкониятлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1997. – № 2.
- 9.1.7. Норбоев Т. Қишлоқда ижтимоий ҳимоялаш // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1996. – № 11.
- 9.1.8. Рўзи Ш. Реабилитация марказлари иш бошлади // Саховат. – Тошкент, 1998. – № 4.
- 9.1.9. Сайдуллаев И. Амалиёт ишларимиз мезони // Мулоқот. – Тошкент, 2005. – 1 февраль.
- 9.1.10. Фаол ҳаракатлар дастури // Саховат. – Тошкент, 1999. – № 4.
- 9.1.11. Умиров Б. Эзгуликка интилган аёл // Саховат. – Тошкент, 2000. – № 2.
- 9.1.12. Ўрмонов Т. Қишлоқ мактаблари шароитида иқтидорли болалар билан ишлаш // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2003. – № 6.
- 9.1.13. Эргашев Б. Халқ фаровонлигини ошириш йўлида // Биржа. – Тошкент, 2009. – 27 январь.

9.2 Газеталар:

- 9.2.1. Ақромов Р. Қишлоқ мактаби истикболи // Маърифат. – Тошкент, 1996. – 25 май.
- 9.2.2. “Айломиш достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тўғрисида”ги Президент Қарори. // Халқ сўзи. – Тошкент, 1998. – 12 январь.
- 9.2.3. Аҳмад Хўжа. Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштириш – устувор вазифа // Қишлоқ ҳаёти. – Тошкент, 1997. – 31 январь.
- 9.2.4. Жовлиев Б. Муаммолар ечим топмоқда, аммо... // Маърифат, 2002, 24 июль.
- 9.2.5. Каримов И. Қишлоқларда жаҳон тиллари ўргатилмоқда // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 2002. – 30 апрель.
- 9.2.6. Кубаев Ш. Таълим равнақи ва самарадорлиги учун // Qashqadaryo, 2004, 15 декабрь.
- 9.2.7. Раҳмонова Б. Аттестация-маҳорат синови // Qashqadaryo, 2006, 11 апрель.
- 9.2.8. Раҳмонова Б. Боғчанинг боласи // Qashqadaryo, 2006, 18 апрель.
- 9.2.9. Сафаров М. Қишлоқ истикболи-юрт истикболи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2008. – 5 январь.
- 9.2.10. Султонов М. Қишлоқларда замонавий мактаблар // Маърифат. – Тошкент, 1996. – 17 июль.
- 9.2.11. Обиддин Абдували. Миришкорнинг илғор мактаби // Маърифат. – Тошкент, 2006. – 1 февраль.
- 9.2.12. Остонов С. Юртимиз ободлиги ва ҳаётимиз фаровонлиги қишлоқларимиз тақдири ва келажагига боғлиқ // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 2008. – 20 декабрь.
- 9.2.13. Пирматов Ж. Касб-хунар инсон зийнати // Маърифат. – Тошкент, 2006. – 1 февраль.
- 9.2.14. Таълимнинг долзарб вазифалари // Маърифат. – Тошкент, 1998. – 18 август.
- 9.2.15. Темиров Т. Мактаб таълими равнақи учун // Qashqadaryo, 2004, 29 май.
- 9.2.16. Умар Ёрқул. Аҳоли фаровонлиги ошмоқда // Қишлоқ ҳаёти. – Тошкент, 2009. – 20 январь.
- 9.2.17. Эргашев И., Мустақиллик ва қишлоқни юксалтириш омиллари // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 1996. – 18 январь.
- 9.2.18. Худоёров И. Қишлоқ тараққиётининг янги босқичи // Миллий тикланиш. – Тошкент, 2008. – 11 декабрь.
- 9.2.19. Ҳақбердиев А. Истиклолдан нур олган Алақўйлак // Қишлоқ ҳаёти. – Тошкент, 2007. – 11 сентябрь.
- 9.2.20. Шукуров О. Бахтлитепанинг бахтиёр одамлари // Қишлоқ ҳаёти, 2008, 6 июнь.
- 9.2.21. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси фахрий унвонини белгилаш тўғрисида”ги Президент Фармони. // Халқ сўзи. – Тошкент, 2000. – 15 март.
- 9.2.22. Қамаши мактабларининг истикболи // Маърифат, 1996, 2 октябрь.
- 9.2.23. Қишлоқда замонавий мактаблар // Қишлоқ ҳаёти, 1996, 17 июль.

ИЛОВА 1

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисининг ўсиши (минг киши) ¹

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Ўзбекистон Республикаси	1230 2,5	126 56,3	130 76,2	134 77,1	137 90,7	141 38,4	144 70,2	147 79,1	150 49,1	153 22,2	155 87,8	158 28,9	160 87,2	163 26,1	165 79,4
Сурхондарё	1077 ,5	111 9,2	116 5,8	120 5,6	121 5,0	125 5,9	129 3,3	133 1,7	135 1,8	139 1,9	142 1,4	144 7,5	147 6,5	150 2,9	152 9,3
Қашқадарё	1251 ,6	129 6,8	134 4,1	138 4,5	142 6,0	145 8,5	150 2,2	154 1,4	157 6,9	161 5,5	165 3,4	168 7,7	172 2,2	175 6,7	178 9,5

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистонда рўйхатга олинган ногиронлар сони¹

	2004		2005		2006		2007	
	киши	Ҳар 10.000 аҳолига	киши	Ҳар 10.000 аҳолига	киши	Ҳар 10.000 аҳолига	киши	Ҳар 10.000 аҳолига
Ўзбекистон	239364	111,2	290671	110,5	292074	109,5	29429	108,6
Қашқадарё	18075	76,0	17597	72,7	17781	72,2	17763	70,8
Сурхондарё	16339	86,2	17720	92,1	18827	96,2	19524	98,0

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. (Ст. сб). 2008. – Т. 2008. – С. 78-79.

Сурхондарё вилояти меҳнат бозори
Ишсизлар сони, меҳнат биржасига мурожаат қилганлар¹ (1993-2002йй)

	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Вилоят бўйича жами	7574	6780	8613	9202	11501	12520	16062	17227	20004	21170
Ангор	363	368	693	539	505	698	1085	1161	1051	1302
Бандихон	16	32	51	118	242	258	299	302	334	390
Бойсун	927	613	848	764	1004	1081	1032	970	1207	1205
Денов	652	580	528	849	1079	2376	2474	2669	2744	3295
Жарқурғон	427	438	432	526	718	882	1148	1282	1453	1581
Қизириқ	214	104	120	156	189	212	461	528	723	864
Қумқурғон	516	338	480	492	865	826	1063	1181	1602	1489
Музработ	361	230	404	354	505	522	713	847	1006	1071
Олтинсой	331	289	371	595	590	689	994	1085	1251	1511
Сариосиё	342	218	480	1086	960	974	1208	1254	1607	1409
Термиз	259	209	191	321	242	337	584	747	908	798
Узун	592	588	923	666	1220	1215	1540	1530	1951	1609
Шеробод	501	547	819	553	771	836	1150	1338	1272	1504
Шўрчи	666	470	543	529	782	907	1234	1205	1591	1782

¹ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумоти

Қишлоқ уй-жой жамғармасининг тақсимланиши¹
 (Уй-жойлар умумий майдони, млн.кв.м)

	Жами уй-жой жамғармаси									
	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Ўзбекистон	169,4	180,5	184,5	189,3	198,9	205,8	214,3	220,8	225,9	231,4
Қашқадарё	14,1	19,4	20,3	20,5	20,8	21,2	22,9	21,2	21,7	22,4
Сурхондарё	14,3	14,7	15,1	15,4	16,3	16,4	17,2	17,7	18,2	18,6

¹ Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. (Ст. сб). 2008. – Т., 2008. – С.163.

Ўзбекистон қишлоқларида аҳоли жон бошига турар-жой майдонининг ўртача тўғри келиши¹ (қв. м)

	Жами уй-жой жамғармаси									
	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Ўзбекистон	12,1	12,6	12,6	12,7	13,1	13,3	13,6	13,8	14,0	14,1
Қашқадарё	9,8	13,1	13,3	13,1	13,1	13,0	13,0	12,5	12,5	12,6
Сурхондарё	11,6	11,5	11,5	11,5	11,8	11,7	12,0	12,1	12,3	12,3

¹ Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами, 2004. – Т., 2005. – Б. 93.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиши¹ (2003 йил)

	Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлар сони	Қишлоқ аҳолиси сони	Аҳолининг таъминланиши			
			Ичимлик суви%	Электр энергия %	Табиий газ %	Канализация %
Сурхондарё	855	1437,4	58,0	98,5	36,6	-
Қашқадарё	1159	1731,7	48,1	97,8	35,3	1,2
Ўзбекистон	11699	15828,8	55,3	96,6	64,1	1,1

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Сурхондарё вилоятида 2005-2006 йилларда мактабгача тарбия
муассасалари ва уларда тарбияланувчилар сони ¹**

	2005		2006	
	Муассасалар	Улардаги болалар	Муассасалар	Улардаги болалар
Ангор	23	1815	22	1430
Бандихон	3	120	3	250
Бойсун	9	677	9	663
Денов	57	3195	58	3537
Жарқўрғон	50	3215	50	3240
Қизирик	21	1345	21	1328
Қумқўрғон	22	1700	22	1669
Музработ	16	1157	16	1400
Олтинсой	18	1208	18	1200
Сариосиё	34	1695	31	1293
Термиз	20	1412	18	1272
Узун	25	1851	25	1825
Шеробод	34	2425	31	1671
Шўрчи	39	2450	36	2340

¹ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви.

2002-2003 ўқув йилида Қашқадарё вилояти умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш тўғрисида¹

МАЪЛУМОТ

№	Худудлар	Мактаблар сони	Спорт зал		Футбол майдони		Волейбол майдони		Баскетбол майдони		Қул тўпи		Стол тенниси	
			жами	фоизда	жами	фоизда	жами	фоизда	жами	фоизда	жами	фоизда	жами	фоизда
1	Баҳористон	16	7	44	12	75	11	69	5	31	5	31	4	25
2	Ғузор	77	43	56	75	97	88	114	42	55	52	68	39	51
3	Дехқонобод	89	18	20	87	98	89	100	42	47	42	47	8	9
4	Қарши тумани	60	31	52	50	83	73	122	28	47	21	35	14	23
5	Косон	93	42	45	84	90	93	100	45	48	47	51	13	14
6	Қамаши	84	26	31	58	69	77	92	24	29	31	37	2	2
7	Касби	53	22	42	42	79	53	100	43	81	39	74	53	100
8	Китоб	92	31	34	50	54	110	120	57	62	30	33	32	35
9	Муборак	30	17	57	15	50	28	93	14	47	17	57	6	20
10	Нишон	33	25	76	36	109	35	106	8	24	12	36	11	33
11	У.Юсупов	21	14	67	20	95	21	100	16	76	16	76	32	152

¹ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг тизим соҳасига айрим маълумотлар. – Т., 2003. – Б. 24.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида ўқитувчилар сони¹

(Ўқув йили бошида, минг киши)

		2003-2004		2004-2005		2005-2006		2006-2007		2007-2008	
		Умуми й	қишлоқ да	Умуми й	қишлоқд а	Умуми й	қишлоқд а	Умуми й	қишлоқд а	Умумий	қишлоқд а
1	Ўзбекистон	472,1	347,8	476,3	352,9	474,8	35,5	463,1	341,7	463,2	347,3
2	Қашқадарё	54,9	43,9	53,9	44,2	55,7	46,2	53,8	44,9	55,9	46,4
3	Сурхондарё	37,8	33,9	38,6	34,6	40,1	36,0	39,2	35,1	40,7	36,6

¹ Образование Узбекистана. Ст. сб. – Т., 2008. –С. 53-54.

Сурхондарё вилояти умумтаълим мактаблардаги ўқитувчилар ¹
(маълумоти бўйича)

	2001\2002	2002\2003	2003\2004	2004\2005	2005\2006
Ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари	34799	36173	36968	35234	36569
Шулардан:					
Олий маълумотли	21920	21511	21578	21743	20398
Тугалланмаган олий	631	794	1537	1604	1983
Ўрта махсус маълумотлилар	11434	12657	13853	11887	14188
Шу жумладан:					
Ўрта-педагогика	11352	12290	13747	11888	14183
Ўрта маълумотлилар	814	1211			

¹ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви.

Қашқадарё вилояти қишлоқларида мавжуд маданият муассасалари ҳақида 1993 йилгача бўлган¹

Маълумот

Туман номлари	Маданий-маърифий муассасалар	Қишлоқ маданият уйлари	Қишлоқ тарғибот-ташвиқот марказлар	Кўчма тарғибот-ташвиқот марказлар
Қарши тумани	19	-	13	3
Чироқчи	20	-	13	4
Яккабоғ	6	-	-	3
Ғузор	14	8	-	3
Косон	13	8	-	3
Нишон	13	2	5	3
Касби	5	-	1	3
У.Юсупов	7	-	4	2
Баҳористон	5	-	3	1
Қамаши	17	8	5	2
Китоб	12	8	-	3
Шаҳрисабз	16	6	5	3
Дехқонобод	11	-	7	2
Муборак	3	-	2	1
Жами	156	41	60	38

¹ Ўзбекистон РМДА. М-7-жамғарма. 1-рўйхат. 19-иш. 45-варақ.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқ клуб муассасалар (2004-2007 йй) ¹

	Номланиши	Клуб муассасаларининг сони				Шундан				
		2004	2005	2006	2007	Ўсиши, камайиши 2004-2007	Қишлоқда			
							2004	2005	2006	2007
1.	Сурхондарё	146	145	143	111	-35	144	143	141	109
2.	Қашқадарё	148	148	148	121	-27	143	143	143	116
3.	Республика бўйича	2156	2143	2126	1872	-284	1789	1755	1796	1599

¹ Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишларининг жорий архиви (клуб муассасалари, маданият ва истироҳат ҳамда ҳайвонот боғларининг 2008 й асосий кўрсаткичлари)

Қашқадарё вилоятида фольклор-этнографик ансамбллар ҳақида маълумот¹

№	Туманлар	Фольклор-этнографик ансамбллар қайси ташкилотга қарашли	Фольклор-этнографик ансамбл номи	Қатнашчилар сони	Ташкил этилган йили	Бадий раҳбар
1.	Шаҳрисабз тумани	Қишлоқ фуқаролар йиғини	“Бешқарсак ”	25	1998 йил	И.Олимжонов
2.	Китоб тумани	М.Бобоев номли ж’ш хўжалиги	“Сабогул”	15	1997 йил	А.Юсупов
3.	Қамаши тумани	Туман маданият уйи	“Маҳаллад дув-дув гап”	26	1999 йил	А.Тўраев
4.	Косон тумани	Бўлмас қишлоқ клуби	“Фарзона”	21	2000 йил	М.Жумаева
5.	Косон тумани	Дўстлик қишлоқ клуби	“Бўстон”	24	2000 йил	З.Тошева
6.	Ғузур тумани	Туман маданият уйи	“Гулрух”	12	2001 йил	Х.Қурбонов
7.	Чироқчи тумани	Туман маданият уйи	“Чироқчи чироқлари”	24	1996 йил	Р.Жўраев
8.	Нишон тумани	9-жамоа хўжалиги	“Нурафшон”	16	1996 йил	Л.Усмонова
9.	Қарши тумани	Насаф жамоа хўжалиги	“Момогул”	24	1997 йил	М.Аҳмедов
10.	Косон тумани	Обидада қишлоқ клуби	“Омон ёр”	18	2000 йил	И.Ўлжаев
11.	Ғузур тумани	Гулшан қишлоқ клуби	“Нигина духтар”	19	1998 йил	Т.Шоймардонов
12.	Яккабоғ тумани	Янгиобод шаҳар маданият уйи	“Нозиргул”	33	1996 йил	Н.Шоймардонов
13.	Шаҳрисабз тумани	Шаҳрисабз маданият саройи	“Чаманзор”	28	1997 йил	Э.Боймуродов
14.	Муборак тумани	Туман маданият уйи	“Занжирсарой”	18	1998 йил	Ф.Мадиев
15.	Касби тумани	Қашқадарё жамоа хўжалиги	“Бегим”	16		Б.Пратов
16.	Миришкор тумани	Н.Нуриддинов номли мактаб	“Ҳилола”	19	2002 йил	Ф.Турсунов
17.	Миришкор тумани		“Ал-арабия”	19	1996 йил	

¹ Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси жорий архиви.

Сурхондарё вилояти бадий ҳаваскорлик жамоалари ва тўғараклар ¹ (2006 йил)

	Номланиши	Ашула ва рақс ансамбллари			Рақс ансамбллари			Фольклор-этнографик ансамбллари			Вокал-чолғу ансамбллари		
		Жами сони	Шундан болалар жамоалари	“Халқ” ва “Намунали”лар	Жами сони	Шундан болалар жамоалари	“Халқ” ва “Намунали”лар	Жами сони	Шундан болалар жамоалари	“Халқ” ва “Намунали”лар	Жами сони	Шундан болалар жамоалари	“Халқ” ва “Намунали”лар
1.	Ангор тумани	5	1	-	1	1	-	5	2	-	-	-	-
2.	Бандихон тумани	3	-	-	-	-	-	2	2	-	-	-	-
3.	Бойсун тумани	6	1	1	-	-	-	8	1	2	-	-	-
4.	Денов тумани	9	2	1	1	-	1	5	2	-	2	-	-
5.	Жарқўрғон тумани	4	-	2	-	-	-	3	-	-	6	-	-
6.	Музработ тумани	3	1	-	-	-	-	2	1	-	-	-	-
7.	Олтинсой тумани	4	1	2	-	-	-	2	1	-	1	-	-
8.	Сариосиё тумани	8	2	1	-	-	-	7	3	1	-	-	-
9.	Термиз тумани	4	1	-	-	-	-	2	1	-	1	-	-
10.	Узун тумани	5	1	2	-	-	-	2	-	-	-	-	-
11.	Шеробод тумани	5	2	-	-	-	-	2	-	-	-	-	-
12.	Шўрчи тумани	12	5	1	-	-	-	5	1	1	-	-	-

¹ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишларининг жорий архиви

13.	Қумқўрғон тумани	5	-	-	-	-	-	3	1	1	3	-	-
14.	Қизирик тумани	5	1	-	-	-	-	2	-	1	1	-	-
Вилоят бўйича		78	18	10	2	1	1	50	15	6	20	1	-

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ		3-18
I БОБ	ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	
	Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш: шарт-шароити ва йўналишлари.	19-41
	Қишлоқда уй-жой билан таъминлаш, коммунал ва маиший хизмат соҳалари: ҳолати ва муаммолари	42-59
II БОБ	ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ	
	Жанубий вилоятлар қишлоқларида таълим соҳасидаги ҳолат ва ундаги ўзгаришларнинг асосий йўналишлари	60-92
	Қишлоқлардаги таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш: хусусияти ва муаммолари	93-105
III БОБ	ҚИШЛОҚЛАРДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ҲОЛАТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	
	Ўзбекистон жанубий вилоятлари қишлоқларида маданий-маърифий муассасалар муаммолари: ҳолати ва ташкилий ўзгаришлар	106-124
	Мустақиллик шароитида қишлоқларда анъанавий халқ ижодининг ривожланиши	125-144
ХУЛОСА		145-149
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати		150-160
ИЛОВАЛАР		161-175